

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Руйхатга олинди

№ \_\_\_\_\_

201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Термиз давлат университети  
ўқув ишлари проректори  
Ахмедов Ў.Ч.

201\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

**ЖАҲОН ТАРИХИ**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси

100000- Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси

120000-Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши:

5120300– Тарих (Жаҳон мамлакатлари  
бўйича )

Термиз-2017

**Ёрматов Ф.Ж. «Жаҳон тарихи» фани бўйича ўқув-услубий мажмуа.**

**Маъсул муҳаррир: Т.Ф.Д. Проф. С.Турсунов.**

**Тақризчи: т.ф.н. доц. М.Файзуллаева.**

«Жаҳон тарихи» фанидан ўқув-услубий мажмуа. Термиз, 2017, бет.  
Ёрматов Фахриддин .

Жаҳон тарихи фанидан тайёрланган мазкур ўқув-услубий мажмуа 3-блок фанларига кириб, 5120300–тарих мутахассислиги 3-bosқич талабалари учун мўлжалланган. Ўқув-услубий мажмуа амалдаги дастур асосида тайёрланиб, унда курс бўйича маъruzalар тўплами, семинар машғулотлар ишланмалари, мустақил иш топшириклари, тавсия этилган адабиётлар рўйхати жамланган. Мазкур ўқув-услубий мажмуа талабалар ва ўқитувчилар учун мўлжалланган. 20\_\_\_ йил. - бет

Данный учебно-методический пособия по предмету Всемирная история входит 3-й блок гуманитарный предметов и рассчитан на студентов 3-курса по 5120300–специальности история.

Учебно-методический сборник составлен на основе действующей программы и включает в себя тексты лекций, разработку семинарных занятий, задания по самостоятельной работе студентов, список рекомендуемой литературы. Данный учебно-методический сборник предназначен для преподавателей и студентов.

This educational-and-methodical collection is intended for the students on the speciality 5120300 of History faculty. The methodical guidance based on modern pedagogical technology. Each of the themes includes educational aims, problems on themes, tasks on self-independent work and a list of literature is also recommended.

Термиз давлат университети  
Тарих факультети  
“Жаҳон тарихи” кафедраси йиғилишининг  
1-сон баённомасидан

## КЎЧИРМА

— август 2017 йил

Термиз шаҳри

**Қатнашдилар:** кафедра мудири, т.ф.н., доцент М.Файзуллаева, т.ф.д.проф. С.Н.Турсунов, т.ф.н., доцент Ҳ.Холмўминов, катта ўқитувчилар т.ф.н. Б.Рахимов, Ф.Ёрматов, ўқитувчилар С.Шаропов, Ф.Холмонова, О.Рахимова, Г.Ахмедова, А.Бўронов .

## КУНТАРТИБИ

5.Ҳар хил масалалар.

1.“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Ф.Ёрматовнинг “Жаҳон тарихи” фанидан ўқув-услубий мажмуасини тасдиқлаш ҳақида.

Каф.мудири т.ф.н. доц. М.Файзуллаева ўз ахборотида “ Жаҳон тарихи” фанидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуани тасдиқлаш ҳақида гапириб, ушбу ўқув-услубий мажмуа Давлат таълим стандартлари талабларига тўлиқ жавоб бериши, мажмуада маъruzalar матни, назорат шакллари, “Жаҳон тарихи” фани курси бўйича амалий машғулотларда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар, ЖН ва ОН бўйича саволномалар ва бошқа ўқув жараёнини ташкил этишга оид ҳужжатларни ўз ичига қамраб олганлигини таъкидлаб, ушбу ўқув-услубий мажмуани кафедра йиғилишида тасдиқлаш кераклигини айтиб ўтди.

Ушбу масала бўйича сўзга чиқсан кафедра аъзоларидан т.ф.д. проф. С.Турсунов ва т.ф.н. Б.Рахимовлар ҳам ўз ижобий фикрларини билдириди. Кафедра йиғилиши аъзолари хulosасига асосан “Жаҳон тарихи” фанидан тайёрланган ушбу ўқув-услубий мажмуани тасдиқлаш мумкин эканлигини таъкидладилар.

“Жаҳон тарихи ” кафедраси йиғилиши “ Жаҳон тарихи ” фанидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуани тасдиқлаш ҳақида кафедра аъзоларининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб,

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Ф.Ёрматовнинг “Жаҳон тарихи” фанидан тайёрлаган ўқув-услубий мажмуаси тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорни тасдиқлаш факультет Илмий Кенгашидан сўралсин.

Мажлис раиси:

М.Файзуллаева

Котиба:

Г.Ахмедова

Термиз давлат университети Тарих факультети Кенгашининг  
№ 1-сон баённомасидан

## КҮЧИРМА

— август 2017 йил

Термиз шаҳри

Қатнашдилар: Кенгаш 13 аъзоси

### КУНТАРТИБИ:

5. Ҳар хил масалалар.

1.“Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Ф.Ёрматовнинг “Жаҳон тарихи” фанидан ўқув-услубий мажмуани тасдиқлаш ҳақида – Илмий Кенгаш раиси Р.Норлиев ахбороти.

Р.Норлиев ўз ахборотида “ Жаҳон тарихи ” фанидан яратилган ўқув-услубий мажмуа давлат таълим стандарти талабларига тўла жавоб бериши, мажмуада маъruzалар, назорат шакллари ва бошқа ўқув жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар мавжудлигини айтиб, ушбу ўқув услубий- мажмуани тасдиқлашни таклиф этди.

Ушбу масала бўйича сўзга чиқсан Кенгаш аъзолари: т.ф.д. проф. С.Турсунов, доц.Э.Қобилов ва Ҳ.Расулов т.ф.н С.Бўриевлар ҳам ушбу фандан тайёрланган мажмуа ҳақида ўз изжобий фикрларини билдириди. Факултет илмий кенгаши аъзолари хулосасига асосан “Жаҳон тарихи” фанидан тайёрланган ушбу ўқув-услубий мажмуани тасдиқлаш мумкин эканлигини таъкидладилар.

Факултет илмий кенгаши аъзолари “Жаҳон тарихи” фанидан тайёрланган ўқув-услубий мажмуани тасдиқлашни қўллаб-қувватлади ва юқоридагилардан келиб чиқиб, факултет илмий кенгаши тамонидан

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси т.ф.н. Ф.Ёрматовнинг “Жаҳон тарихи” фанидан тайёрлаган ўқув-услубий мажмуаси тасдиқлансин.

2. Ушбу қарорни тасдиқлаш Университет илмий кенгашидан сўралсин.

Кенгаш раиси:

Р.Норлиев

Котиб:

Ш.Худайбердиев

Термиз давлат университети Тарих факултети жаҳон тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси т.ф.н. Ф.Ж. Ёрматовнинг Жаҳон тарихи фанидан III курс тарих таълим йўналиши 5120300 бакалавр йўналиши талабалари учун тайёрланган ўқув-услубий мажмуаси юзасидан

## ТАҚРИЗ

Жаҳон тарихи (Янги тарих) фани бўйича тайёрланган ушбу ўқув-услубий мажмуа Давлат таълим стандарти талабларига тўлиқ мос келиши билан аҳамиятлидир.

Ушбу ўқув-услубий мажмуада намунавий фан дастури асосида иш дастури, маъруза мавзулари, семинар машғулоти мавзулари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув-услубий хариталар берилган.

Бундан ташқари дарс соатларининг бажарилиши бўйича тақвимий режалар, тест саволлари, талабалар мустақил иши мавзулари ва баҳолаш мезони ушбу мажмуада ўз аксини топган.

Жаҳон тарихи (Янги тарих) фани бўйича тайёрланган ушбу ўқув-услубий мажмуада тарих фани атамаларининг қисқача изоҳли лугати (глоссарий) ҳам келтирилгани мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда ушбу яратилган ўқув-услубий мажмуа ўзининг кенг қамровли ва меъёрий хужжатлар асосида тайёрланганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тарихи фанидан қилинган ушбу ўқув-услубий мажмуага ижобий тақриз бераман.

Тақризчи:

т.ф.н. доц. М. Файзуллаева

# **Мундарижа**

1. Кафедра баённомасидан күчирма.....	2
2. Факультет баённомасидан күчирма.....	3
3. Аннотация.....	4
4. Тақриз.....	5
5. Мундарижа.....	6
6. Кириш.....	7
7. Намунавий ўқув дастури.....	16
8. Иш дастури.....	28
9. Маъруза мавзулари.....	40
10. Семинар мавзулари.....	42
11. Мултимедия воситалари ва тақдимотлар рўйхати.....	46
12. Мустақил таълим .....	50
13. Ўқув услугбий харита.....	55
14. Тақвимий режа.....	58
15. Календар тематик режа.....	60
16. Маъруза матн.....	62
17. Тест саволлари.....	190
18. Рейтинг баҳолаш мезони. бўйича. услугбий кўрсатма.....	216
19. Глоссарий.....	233

## **Кириш**

### **«Жаҳон тарихи» фанининг ўқитишининг концептуал асослари**

Билим олиш жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар: дарсни юқори илмий-педагогик даражада ташкил этилиши, муаммоли машғулотлар ўтказиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни мустақил фикрлашга ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига кўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка йўналтириш, эркин мулоқотга киришишга, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устуворлигини таъминлайди. Таълим самарадорлигини орттиришда фанлар бўйича таълим технологиясини ишлаб чиқишининг концепцияси аниқ белгиланиш ва унга амал қилиши ижобий натижа беради. Фанни ўқитишининг мақсади ва таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қўйидагилардан иборат.

#### **1. «Жаҳон тарихи» фанининг мақсад ва вазифалари.**

- 1.1. “Жаҳон тарихи” фанининг мақсади Жаҳон тарихининг асосий муаммолари ва аниқ тарихий ҳодисалари ҳақида (иктисодий жамият тарихи, қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи, чет мамлакатларнинг энг янги тарихи, халқаро муносабатлар тарихи);
- Жаҳон тарихини ўрганишдаги мухим услубий ёндашувлар;
- Жаҳон тарихининг асосий босқичлари;
- алоҳида мінтақалар ва жаҳон мамлакатлари ривожланишидаги фарқлар;
- фаннинг замонавий услубий ва назарий вазифалари;

- холислик ва тарихийлик тамойиллари; - **хақида тасаввурга эга бўлиши;**
  - Жаҳон тарихида Осиё ва Африка давлатларининг ўрни ва ролини;
  - Жаҳон тарихи соҳасида барча асосий тарихий фанлар бўйича аниқ маълумотларни;
  - далилий хulosаларни умумлаштириш учун аниқ тарихий маълумотларни; - **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
  - Жаҳон тарихига оид маълумотларни жаҳоннинг турли минтақалари замонавий тарихи муаммоларини ўрганиш;
  - кутубхона ва архивлардаги илмий ва ўкув-услубий адабиётлардан фойдаланиш;
  - хорижий тиллардаги адабиётлар асосида ишни ташкил қилиш;
  - жаҳондаги айрим мамлакатлар, минтақалар тарихининг аниқ муаммоларига оид маълумотларни топиш ва таҳлил қилиш.
- Жаҳон тарихи (Осиё ва Африка мамлакатларнинг янги даври тарихи) XVIII аср бошларидан биринчи жаҳон урушигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр капиталистик мамлакатларнинг Осиё ва Африка мамлакатларни ўз мустамлакасига айлантириш, унинг халқини эзиш, табиий бойликларини ўз мамлакатларига олиб кетиш билан характерланади. Бу даврда Осиё Африка мамлакатлари халқлари мустамлакачиларга қарши тўхтовсиз кураш олиб борганлиги билан характерланади. Жумладан, Эрондаги Бобийлар кўзғалони, Хитойдаги Тайпинлар кўзғалони, Ҳиндистонда Сипоҳийлар кўзғалони, Кореяда Тонхак кўзғалони ҳамда Эронда Табриз кўзғалони, Японияда Токугава династиясига қарши кўзғалонлар империалистик давлатларнинг зулмига қарши қаратилган эди. Осиё ва Африка мамлакатлар учун империалистик давлатларнинг ўзаро мустамлакачилик характерларида ҳудудий урушлар бўлганлигини кўриш мумкин. Мисол қилиб, Англия билан Франция давлатларини мисол келтиришимиз мумкин. Бу давлатлар мустамлакачилик

даврида Хитой учун, Ҳиндистон учун, Эрон учун, Туркия учун, Афғонистон учун ўзаро уруш олиб борганлигини кўрсатишимиш мумкин. Осиё ва африка мамлакатларнинг империалистик давлатлардан иқтисодий, маданий, сиёсий, техникавий жиҳатдан орқада қолишида мустамлакачи давлатлар сабабчидир. Империалистик давлатлар мустамлака бўлган давлатларга ўз технологиясини банк тизимини киритдилар, натижада империалистик давлатлар бу давлатларнинг табиий бойликларидан унумли фойдаландилар.

- фаннинг замонавий услубий ва назарий вазифалари;
- холислик ва тарихийлик тамойиллари; **- ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
  - **жаҳон тарихида** Ўзбекистоннинг ўрни ва ролини;
  - халқаро муносабатлар тарихи соҳасида барча асосий тарихий фанлар бўйича аниқ маълумотларни;
  - далилий хулосаларни умумлаштириш учун аниқ тарихий маълумотларни; **- билиши ва улардан фойдалана олиши;**
    - тарих таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларни Осиё ва Африка мамлакатларининг янги даври тарихи билан тўлароқ таништириш, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва кўринишлари тўғрисида билим ва тушунчаларни беришдир Мустақил Республикаизда илм-фан, ижтимоий ва маънавий тараққиётини таъминлашда ва жаҳон давлатлари тарихи ҳақида талабаларнинг чуқур билим олишига эришишдир. «Тарих (Минтақалар ва мамлакатлар бўйича)» бакалавр йуналиши талабаларининг етук мутахассис бўлиб етишишида бу фаннинг роли салмоқлидир.

## **1.2.“Жаҳон тарихи” фанининг вазифаси**

Фаннинг вазифаларига тўхталадиган бўлсак бу фан бошқа фанлар билан жумладан, Қадимги дунё тарихи, Ўрта асрлар тарихи, Психология фани, Педагогика фани билан чамбарчас боғлиқдир. Осиё ва Африка халқларининг тарихини ўрганишда қўйдаги вазифалар туради. Биринчидан,

Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг ижтимоий тузуми, маданияти, халқаро майдонда тутган ўрни масаласи. Иккинчидан, Осиё ва африка халқларининг мустамлакачиларга қарши олиб борган кураши ҳар бир мавзунинг бош вазифасидир. Учинчидан, Осиё ва африка халқларининг асрлар давомида олиб борган мустамлакачиларга қарши курашини талабаларга етказиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

### **1.3.Фаннинг мазмуни.**

Осиё ва Африка мамлакатларининг янги тарихи даври шу билан характерланадики шу икки қитъада яшаган халқларнинг сиёсий тузуми, ижтимоий ҳаёти, уларнинг турмуши ва инсоният тарихида тутган ўрни янги тарих фанининг асосий мазмунини ташкил қиласиди. Бундан ташқари Осиё ва Африка мамлакатлари халқлари инсоният тарихида маданият, санъат, архетктура ва бошқа масалаларда ҳам ўз ўрнига эга эканлиги, бу қитъа халқларининг 16 асрнинг охири XX аср бошларида мустамлакачиларга қарши олиб борган озодлик кураши фаннинг асосий мазмунини ташкил қиласиди. Бу соҳада айниқса Осиёдан Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ҳамда Корея халқларининг олиб борган озодлик кураши билан характерланади. Африкадан эса Миср, Марокко, Жазоир, Тунис, Сурия, Судан халқларининг олиб борган озодлик ҳаракатлари янги тарих фанининг асосий мазмунини ташкил қиласиди.

Ўқув жараёнида талабаларга мавзуларни мазмунини кенгроқ ёритиб беришда видео-кино материаллари, слайдлар ва бошқа материаллардан фойдаланилмоқда. Талабаларнинг ўзлаштириш мезони тест ва рейтинг усулида аниқланади.

Осиё ва Африка мамлакатлари халқларининг янги даврдаги ижтимоий тузуми, маданияти ва чет эл мустамлакачиларига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда унинг натижалари билан таништиришдир.

### **1.4. Талаба эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳамда компетенциялар.**

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқкан ҳолда ёндошишга эътибор қаратишни амалга оширади. Ҳар бир талабанинг шахс сифатида касбий такомиллашувини таъминлайди. Таълимнинг марказига билим олувчи қўйилади. Ушбу фанни - ўрганишда талабалар ибтидоий жамоа тузуми тарихи, қадимги дунё тарихи, ўрта асрлар тарихи ва бошқа тарих фанларидан олган билимларига суянидилар.

### **1.5. «Жаҳон тарихи» фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.**

“Жаҳон тарихи” фани – Қадимги дунё тарихи, Ўрта асрлар тарихи, Энг янги тарих, Халқаро муносабатлар тарихи, Геосиёsat, Ўзбекистон тарихи ҳамда Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Ушбу курсни ўрганишда ҳар бир бакалавр қуидаги фанлар бўйича назарий ва амалий билимга эга бўлиши талаб этилади. Қадимги дунё тарихи тарихшунослиги ва манбашунослинги, ўрта асрлар тарихи ва тарихшунослиги, янги ва энг янги тарих ўзбекистон тарихи, хуллас, тарих фанининг барча бўлимлари ва улардан хабардорлик талаб қилинади шу ўринда оғзаки тарих ва архив ҳужжатлари ҳам муҳим рол ўйнайди.

### **1.6. Бакалаврлар билими, малакаси ва кўникмасига қўйиладиган талаблар.**

Олий таълимнинг давлат стандартига мувофиқ мазкур фан бўйича бакалаврларнинг билимiga ўқувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар қуидагилардан иборат:

- фанни ўрганиш жараёнида, ўтиладиган ҳар бир мавзу бўйича тест саволларига жавоб беришлари ва рейтинг баллари тўплашлари;

- ўқув режасиининг рейтинг ҳафталигига жорий ва оралиқ баҳолаш учун ёзма назорат ишларини бажаришлари, мустақил таълим мавзуларини ўзлаштиришлари ва рефератлар тайёрлашлари, тест саволлари тузишлари талаб қилинади.

### **1.7. Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Ушбу фан бўйича бакалаврлар билимини баҳолаш – рейтинг тизими бўйича жорий, оралиқ ва якуний баллар асосида белгиланади.

Семестр орасида жорий назорат (семинар машғулотлари бўйича), оралиқ назорат (маъруза машғулотлари бўйича) ва якуний назорат (ёзма иш усулида) амалга оширилади.

### **1.7. Фани ўқитишда янги педагогик технологияларниң қўлланилиши.**

Фанни ўқитишда янги технологиялар элементлари – интернет тармоғидан фойдаланиш, компьютер синфларида слайдлар (тақдимот) машғулотларини вертуал стендлар ёрдамида мавзуларни ўзлаштириш ҳисобланади. Шунинг учун бакалаврлар билимини ошириш мақсадида, ушбу курс бўйича хар бир ўтиладиган тажриба жиҳозларида борадиган жараён динамикасини тавсифловчи виртуаль кўргазманинг компьютер варианти кенг қўлланилади. Назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида, амалиёт дарсида илмий хуносаларга келиниб ечимлар олинади. Маъруза дарслари интернет янгиликлари билан боғлаб ўтилади.

### **1.8. Иш дастурини тузишга оид услибий тавсиялар**

Дастурга мувофиқ ҳар янги ўқув йилида фаннинг иш дастури ишлаб чиқилади ва ундаги ўқитиш услибиёти ва назоратидаги ўзгаришлар, янги педагогик технологиялар ҳисобга олинниб, ҳар бир мавзуга керакли тузатишлар киритилиб кафедра мажлисида тасдиқланади.

Иш дастурда назарий ва амалий машғулотлар, режалари тўлиқ акс эттирилади. Мавзуларни машғулот турлари бўйича соатларда тақсимланиш

жадвали, оралиқ ва жорий баҳолаш рейтинг баллари жадвали ҳамда янги адабиётлар ва электрон сайтлар рўйхати берилади.

## **2. Фаннинг дастури**

### **2.1 – бўлим. Илмий-тадқиқот йўналишлари ва унинг таркибий қисмлари.**

Илмий тадқиқот усуллари-кузатиш, қиёслаш, эксперимент, таҳлил. Эмперик таҳлил ва синтез. Илмий тадқиқотлар мавзуини танлаш ва баҳолаш.

### **2.2. Ахборот техник воситалар**

Хозирги ахборот коммуникация технология васиталари кучли ривожланган шароитда улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ахборотларни танлаш, саралаш, сақлаш, қайта ифодалаш кўникмалари ҳосил қилинади. Бу жараёнда компьютер саводхонлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқув машғулотларида техник воситалар, кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Тажриба машғулотларини утказишида услубий курсатмалар, виртуал стенд, элётрон дарсликлардан фойдаланилади. Бакалаврлар билимини мустахкамлаш максадида, амалий машғулотлар ўрта маҳсус ўқув юртларида ва ташкилотларида хам утказилиши эҳтимолдан холи эмас.

### **2.3. Тизимли ёндашув.**

Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги билим олиш ва касб эгаллашнинг мукаммал бўлишига ҳисса қўшади.

### **2.4. Фаолиятга йўналтирилган ёндашув.**

Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини жадаллаштириш ва интенсивлаштириш, ўкув жараёнида барча қобилият ва имкониятларни, ташаббускорликни очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди. Эгалланган билимларнинг кўникма ва малакага айланиши, амалиётда татбиқ этилишига шароит яратади.

## **2.5.Диалогик ёндашув.**

Бу ёндашув ўкув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини қўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди. Ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги таълимий фаолият юритишига замин яратади.

## **2.6.Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.**

Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради. Таълим жараёнида “субъект-субъект” муносабатлари таркиб топади.

## **2.7.Муаммоли таълим.**

Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни таъминлайди. Муаммоли савол, вазифа, топшириқ ва вазиятлар яратиш ва уларга ечим топиш жараёнида онгли, ижодий, мустақил фикрлашга ўргатилади.

## **2.8.Ўқитиши услублари ва техникаси.**

Маъруза (кириш, мавзуга оид, визиуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар, лойиҳа ва амалий ишлаш усуллари. Интерфаол усулларни мавзу мазмунига мос ҳолда танлаш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатади.

### **2.9.Ўқитиш воситалари.**

Ўқитишнинг анъанавий воситалари (дарслик, маъруза матни, кўргазмали қуроллар, харита ва бошқалар) билан бир қаторда – ахборот-коммуникация технология воситалари кенг кўламда татбиқ этилади.

### **2.10.Коммуникация усуллари.**

Тингловчилар билан оператив икки ёқлама (тескари) алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатларнинг йўлга қўйилиши.

### **2.11.Тескари алоқа усуллари ва воситалари.**

Кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралиқ ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси амалга оширилади. Таълим жараёнида кафолатланган натижага эришиш таъминланади.

### **2.12.Бошқариш усуллари ва тартиби.**

Ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик харита кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати ҳам тартибли йўлга қўйилади.

### **2.13.Мониторинг ва баҳолаш.**

Бутун курс давомида ҳам ўқитиш натижалари рейтинг тизими асосида назорат ва таҳлил қилиб борилади. Курс охирида ёзма, оғзаки ёки тест топшириклари ёрдамида таълим олувчиларнинг билимлари баҳоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№605120300-3.03  
2012 й «14» март



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлигининг 2012  
йил «14» март даги «юз»-сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

ЖАХОН (УМУМИЙ) ТАРИХ

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хукуқ

Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар

220000 – Журналистика ва ахборот

Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар

бўйича)

5120400 – Археология

5220300 – Архившунослик

Тошкент-2012

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2012 йил «6» маддаги «1»-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

#### Тузувчилар:

- |                |  |
|----------------|--|
| Х.Б.Бабаджанов | – «Жаҳон тарихи» кафедраси ўқитувчи        |
| С.Ф.Атабекова  | – «Жаҳон тарихи» кафедраси доценти, т.ф.н. |
| А.А.Бийкузиев  | – «Жаҳон тарихи» кафедраси ўқитувчи        |
| А.Г.Холлиев    | - «Жаҳон тарихи» кафедраси доцент т.ф.н    |
| А.А.Розаков    | – «Жаҳон тарихи» кафедраси катта ўқитувчи  |

#### Тақризчилар:

- |                             |   |
|-----------------------------|---|
| Абдуллаев Р.М. т.ф.д. проф. | - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти директори |
| Нуриддинов Э.З.т.ф.д.       | - Низомий номидаги ТДПУ профессори.                                   |

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-услубий кенгашида тавсия қилинган (2012 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли баённома)

## **Кириш**

Ушбу дастур мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлашириш каби долзарб масалани ҳорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини тарихий нуқтаи назардан ўрганмасдан ҳал этиб бўлмайди. Жаҳон тарихини мукаммал даражада билмоқ инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қиласди, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашади ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топишга имконият яратади.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Жаҳон тарихи бўйича чуқур билимларга эга бўлиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш йўлидаги энг самарали восита сифатида аҳамиятлидир. Қолаверса, мамлакатимиз ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг ривожланиш даражасини, халқларнинг менталитети, урфодатларини, маданиятини тушуниб етиш учун ҳам жаҳон тарихи фанининг бекиёс аҳамиятини тан олиш керак.

Дунё халқларининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва этник эволюциясининг асосий босқичлари, ҳамда йўналишлари ҳақида талабаларга ҳар томонлама билимлар бериш.

### **Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникума ва малакасига кўйиладиган талаблар**

Жаҳон тарихининг турли босқичларида рўй берган муҳим воқеалар ва жараёнларни ёритиб бериш; – инсониятнинг кўп асрлик тараққиётига катта таъсир кўрсатган омилларни таҳлил қилиш; - тарихий ривожланиш давомида турли мамлакатлар ва минтақаларга хос бўлган хусусиятларни очиб бериш; - дунёнинг турли чеккаларида рўй берган воқеалар ва жараёнларнинг кўп ҳолларда ўзаро боғлиқлигини талабаларга тушунтириш; - тарихий ривожланишининг барча мамлакатлар учун умумий қонуниятлар мавжудлигини намоён қилиш.

“Жаҳон тарихи” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Жаҳон тарихи даврининг хусусиятлар, хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, феодал шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, товар-пул муносабатлари, феодал жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий ва диний ҳаётидаги ўзгаришларни **билиши керак**;
- феодал жамиятнинг ривожланиби, ўзининг энг хусусиятларини йўқотиши ва ўз ўрнини янги иқтисодий муносабатларга бўшатиб

- бериши, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келишини тўғри тушуниш **кўнікмаларига эга бўлиши керак**;
- талаба жаҳон тарихининг (қадимги шарқ, қадимги юнонистон ва рим, илк ва сўнгги ўрта асрлар, Осиё ва Африка, Европа ва Америка давлатлари) даврида рўй берган ишлаб чиқаришнинг янги илғор муносабатларига ўтиш учун бевосита шарт-шароит вужудга келганини таҳлил қилиш, янги ишлаб чиқариш муносабатлари билан боғлиқ бўлган халқ оммасининг эски феодал тузумидан норозилиги, миллий-озодлик ҳаракати, Европа миқёсида биринчи марта ғалаба қилган буржуа инқилоби, янги буржуа давлатининг ташкил топиши, ривожланиши, Европа халқларининг янги даврга ўта бошлиши. Жамият тараққиёти босқичлари жараёни **малакаларига эга бўлиши керак**.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Талабалар “Жаҳон тарихи” фанини самарали ўзлаштиришлари учун “Ватан тарихи”, “Сиёсатшунослик”, “Маданиятшунослик”, “Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи”, “Тарих фалсафаси ва методологияси”, “Археология”, “Манбашунослик”, “Тарихшунослик”, “Этнология” ва бошқа фанлардан ҳам етарлича билимларга эга бўлишлари лозим.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Жаҳон халқларининг тарихий ривожланишини босқичма-босқич тарихийлик, илмийлик, холисона ёндашув негизида ўрганиш.

Семинар машғулотлари бўйича мавзулар режаси ва адабиётлар рўйхати талабаларга тақдим этилади ва талаба мустақил тайёрланиб келиб мунозара тарзида ўз билимини намойиш этади.

Тақдим этилаётган фаннинг долзарб масалалари бўйича мавзулар ва адабиётлар рўйхати талабаларга тақдим этилади. Талаба, ўз навбатида мустақил тайёрланиб маъруза ва реферат шаклида ўз билимини намойиш этади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, семинар шаклида олиб борилади, шунингдек, фаннинг долзарб масалалари талабаларга мустақил иш сифатида ўзлаштириш учун берилади. Фан замонавий педагогик технологияларнинг “Кластер”, “Бумеранг”, “ФСМУ”, “Ақлий хужум” сингари методлари орқали, ҳамда слайдлар, мультимедия намойишлари билан ўтказилади.

Дастурдаги мавзуларнинг информацион асосини фанга тегишли адабиётлар, даврий адабиётлар, интернет маълумотлари ташкил қиласди.

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг “Кластер”, “Бумеранг”, “ФСМУ”, “Ақлий хужум” методлари, шунингдек, слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва роли ўқиш усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Осиё ва Африка халқлари янги давр бошланишида**

Осиё ва Африка халқлари янги давр бошланишида. Шарқ мамлакатларида мустамлакачиликнинг асосий даврлари. Европа ва Америка саноат ривожланиши, хомашё ресурслари ва бозор учун курс. Босқинчилик урушлари. Осиё ва Африка мамлакатларининг ривожланишида ғарб давлатларидан орқада қолиши. Миллий озодлик ҳаракатларининг бошланиши.

### **XVII аср ва XIX асрнинг 60-йилларида Япония**

XVIII асрнинг ўрталарида Япониянинг иқтисодий аҳволи. Токугава давлати. Ажратиб қўйиш сиёсати. Савдо-сотиқнинг ривожланиши. Феодал хўжалик инқизозининг кучайиши. Мануфактуранинг ўсиши. Дехқонлар аҳволининг оғирлашуви ва уларнинг оммавий равишда шаҳарга кетиб қолиши. Дехқонлар ва хунармандлар қўзғолонлари. Токугава тартиботи. Япония ва ғарб давлатлари. Рус-япон муносабатлари. Сёгунат даврида Япония маданияти. 1867-1868 йиллардаги инқилоб. Америка, Англия ва Франциянинг Япония ички ишларига аралашуви. Тенгсиз шартномалар. Токугава тартиботига қарши ҳаракат. Фуқаролар уруши ва Сёгунат тартиботининг тугаши. Янги хукумат ва унинг сиёсати. Агарар ислоҳот.

### **XVIII асрнинг ўрталарида ва XIX асрнинг 1870 йилларида Хитой**

XVII асрнинг ўрталарида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият. Манъжур хукуматининг ички сиёсати. Цинь империясининг аграр сиёсати. Савдо-сотик, мануфактура, хунармандчилик ва шаҳардаги ижтимоий аҳвол. Манъжур хукмдорларининг босиб олиш сиёсати. Цинь сулоласининг ташқи сиёсати. Хитойни ажратиб қўйиш. Хитой халқининг Манъжур хукмдорларига қарши кураши. Цинь империясининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Ғарб мамлакатлари ва Хитой. Биринчи инглиз-хитой (афюн) уруши. 1842-1844 йиллардаги тенгсиз шартномалар. Хул-Сио-Цюам таълимоти. Дехқонлар урушининг бошланиши. Тайпинларнинг ички ва ташқи сиёсати. Цинь хукумати ва Ғарб давлатлари. Тайпин давлатининг қулаши. Халқ ҳаракатлари. Дунган-уйғур қўзғолони. Ёқуббек ва унинг сиёсати. Хитой ва Марказий Осиё давлатлари. Иқтисодий ва сиёсий муносабатлар.

## **XVII-XIX асрларда Ҳиндистон**

Бобурийлар империясининг инқирози. Ҳиндистондаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий вазият. XVIII асрнинг 2-ярмида Ҳиндистонда Англия ҳукмронлиги. Ҳиндистон ва Ост-Ҳинд компанияси. Ҳиндистон Англияниң хом ашё манбай. Ҳиндистонда ер эгалиги қатламишинг шаклланиши ва Ҳинд зиёлиларининг пайдо бўлиши. Янги шаҳарларнинг ривожланиши. 1857-1859 йиллардаги ҳалқ қўзғолонлари. XIX асрнинг 60-йилларида Ҳиндистондаги ички ва ташқи вазият. Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатлари. Иктиносидий ва маданий муносабатлар.

## **XVIII асрнинг ўрталари ва XIX асрнинг 1870 йилларида Эрон**

Сафовийлар давлати инқирози ва феодал гурухлар ўртасидаги низолар. Нодиршоҳ ҳукмронлиги ва унинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати. Керимхон Зеид ва унинг сиёсати. Кажарларнинг ички ва ташқи сиёсати. Англия ва Франция ўртасидаги Эрон учун қураш. Биринчи Россия-Эрон уруши ва Гулистон сулҳи. 1814 йилдаги Инглиз-Эрон шартномаси. Эрон-Турк уруши. Туркманчай сулҳи. Россия ва Эрон муносабатлари. Инглиз-Эрон муносабатлари. Эронда Бобидлар қўзғолони. XIX асрнинг 50-60 йилларда Эрондаги ички ва ташқи сиёсат. Эрон ва Марказий Осиё давлатлари. Сиёсий, иктиносидий ва маданий муносабатлар.

## **XVII асрнинг II ярми ва XIX асрнинг I ярмида Турк (Усмонийлар) империяси**

XVII асрнинг ўрталарида Усмонийлар империяси. Европа давлатлари ва Туркия. Империянинг ички аҳволи. 1730-1731 йиллардаги Истамбул қўзғолони. Усмонийлар империясининг ҳалқаро аҳволи. Салим III ислоҳотлари. Россия-Туркия муносабатлари. Туркия ва Ғарб мамлакатлари. Туркияниң ярим мустамлакага айлана бошлишининг сабаблари. Махмуд II фаолияти (танзимот) 1853-1866 йиллардагни Крим уруши ва Париж трактати. Туркиядаги чет эл сармояси. Туркия ва Марказий Осиё давлатлари. Сиёсий, иктиносидий ва маданий муносабатлар.

## **Афғонистонда Дурронийлар давлати**

Жамоа-урӯҷчилик тузумининг емирилиши ва феодал муносабатларининг шаклланиши. Дурронийлар давлатининг ташкил топиши. Афғонистоннинг XVIII асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий-иктиносидий тузуми. Ахмад-шоҳ юришлари. Дурронийлар давлатининг парчаланиши. Англияниң Афғонистонга тажовузи. Афғон ҳалқининг босқинчиларга қарши кураши. 1855 йилги инглиз-афғон шартномаси. Рус-афғон муносабатлари.

## **Корея XVII аср иккинчи ярми – XIX аср ўрталарида**

XVII-XVIII асрларда Кореяниң ижтимоий-иктиносидий ривожланиши. Дехқонлар қўзғолонлари ва сиёсий кураш. Феодал Кореяда инқирознинг

кескинлашуви. Хон-Чён Нэ қоўғолони ва дехқонларнинг тутган ўрни. Ривожланган давлатларнинг Кореяга тажовузи. XIX асрнинг 60-йилларида дехқонлар қўзғолонлари. Регент Тэвонгуннинг ички ва ташқи сиёсати. Корейс халқининг босқинчиларга карши кураши.

### **XVII-XIX асрларда Араб давлатлари**

XVII-XVIII асрларда Усмонийлар империяси таркибидаги араб давлатлари. Французларнинг Мисрга ҳарбий экспедицияси. Мисрда инглиз-француз рақобати. Мухаммад Алининг ички ва ташқи сиёсати. XIX асрдаги Араб давлатлари ва Усмонийлар империяси. XIX асрдаги Араб давлатлари ва ғарб мамлакатлари. Араб дунёси ва Марказий Осиё. Маданий ва диний алоқалар.

### **Осиё ва Африка мамлакатлари XIX асрнинг 70-йиллари ва XX аср бошларида**

Осиё ва Африка мамлакатларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар. Чет эл сармоясининг ушбу мамлакатларга кириб келиши. Миллий озодлик ҳаракати. Турли сиёсий партиялар, ташкилотлар ва оқимларнинг пайдо бўлиши. Таракқий этган Европа мамлакатларининг дунёни қайта бўлиб олиш учун кураши. Биринчи жаҳон уруши даврида Осиё ва Африка мамлакатлари.

### **XIX аср охири XX аср бошларида Хитой**

Хитойда янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва уларнинг хусусиятлари. Кан Ювей раҳбарлигида ислоҳотчилик ҳаракати. Сун Ятсеннинг биринчи инқилобий ташкилоти – “Хитой уйғониши иттифоқи”. Ихэтдон қўзғолони ва унинг мағлубиятга учраши. 1901 йилда тузилган “Яқунловчи протокол” ва Хитойнинг ярим мустамлака холига тушиб қолиши. XX аср бошларида Хитойда иқтисодиётнинг ривожланиши. 1905-1907 йилларда Хитойда инқилобий ҳаракатларнинг ўсиши. “Бирлашган иттифоқ” (тукмен). Сун-Ят-Сеннинг “З тамойили”. Синхай инқилобининг бошланиши. Цин саройининг сиёсати. Республика ҳукуматининг тузилиши ва Сун Ятсеннинг вақтинча президент қилиб сайланиши. Цинъ суоласи ҳокимиятининг тугатилиши. Юан Шинайнинг ҳокимиятга келиши. Гоминданнинг ташкил бўлиши. Биринчи жаҳон уруши йилларида Хитойнинг сиёсий ва иқтисодий аҳволи.

### **XIX асрнинг 60-90 йиллари XX аср бошларда Япония**

Японияда ички-иқтисодий тараққиётнинг хусусиятлари. Замонавий саноатни вужудга келтиришда давлатнинг роли. 1866 йил инқилобининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари. Дехқонлар ҳаракати. Самурайлар қўзғолони. Сиёсий партияларининг вужудга келиши. 1881 йилги

Конституция. 1894-1895 йилларидағи Япония-Хитой уруши. Япония биринчи жағон уруши йилларида.

### **XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Мұғалистан**

Мұғалистаннинг ижтимоий таркиби. Феодал-демократик давлатнинг ташкил топиши. Ойратларнинг ахволи. Мұғул халқининг миллий озодлик ҳаракати ва Цинь хукуматининг ағдарилиши. Давлат тузуми. Ижтимоий тафаккур.

### **XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ҳиндистон**

Ҳиндистон иқтисодиёти ва мустамлакачилик зулмининг кучайиши. Аграр муносабатлар. Ҳиндистонга инглиз сармоясинанг кириб келиши. Ҳиндистонда товар-пул муносабатларининг ўсиши. Миллий саноат ривожланиши. 1860-1870 йилларда миллий озодлик ҳаракати ва ундаги асосий оқимлар. Ҳиндистон миллий конгрессининг ташқил бўлиши ва унинг фаолияти. Мусулмон жамоа ҳаракати. 1906-1908 йилларда ишчилар ва дехқонлар ҳаракати. “Свараж” ва “свадеши”. 1905 йилда Бенгалиянинг бўлиб юборилиши ва оммавий ҳаракати. Биринчи жағон уруши даврида Англиянинг Ҳиндистондаги сиёсати. М.М.Ганди фаолиятининг бошланиши.

### **XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Афғонистон**

Англиянинг Афғонистонга тажовузи ва иккинчи инглиз-афғон уруши (1878-1880). Гандамак шартномаси. Қобулдаги халқ қўзғолони. 1891 йилдаги инглиз-афғон шартномаси. Пуштун қабилаларининг инглиз босқинчиларига қарши қўзғолони. 1907 йилдаги инглиз-рус битими ва Афғонистон. Ёш афғонлар ҳаракати. Афғонистон биринчи жағон уруши йилларида Марказий Осиё ва Афғонистонда рус-инглиз рақобати.

### **XIX аср охири – XX аср бошларида Эрон**

Эроннинг ярим мустамлакага айланиш жараёни. Эрон иқтисодиётидаги асосий тармоқларнинг Англия, Россия қўлига ўтиши. АҚШ ва Германиянинг Эрондаги фаоллигининг кучайиши. Миллий ҳаракатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши. 1908 йилда Техрондаги аксил-инқилобий тўнтарилиш. 1908-1909 йиллардаги Табриз қўзғолони. Мухаммад Али шохнинг ағдарилиши. Англия ва Россиянинг тажовузи. Турк қўшинларининг Эронга кириши. Инқилобнинг енгилиши ва унинг сабаблари. Эрон биринчи жағон уруши йилларида.

### **XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркия**

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркиянинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти. 70-йиллардаги сиёсий инқизор. 1876 йил Конституцияси. Миллий қарама-қаршиликларнинг кучайиши. 1877-1878 йиллардаги Россия-Туркия уруши. 1878 йил Берлине трактати. Сербия,

Черногория, Руминия мустақиллигининг тан олиниши. Кипр ва Мисрни Англия томонидан, Тунисни Франция томонидан босиб олиниши. Усмонийлар империясининг ярим мустамлакага айланиш жараёни. Чет эл кнцессиялари. Бағдод темир йўли. Германиянинг Туркияга кириб келиши. Абдул Хамид II тартиботи. Озодлик ҳаракати. “Бирлик ва тараққиёт” партиясининг вужудга келиши. Туркияда ёш туркларнинг инқилоби. Усмонийлар империяси худудларини босиб олиш учун кураш. Ёш туркларнинг ҳокимият тепасига келиши. Араб ва бошқа халқларнинг миллий озодлик кураши. Пантуркизм ғояларининг вужудга келиши ва моҳияти. Халқ оммасининг ахволи. Ижтимоий-сиёсий қарама-қаршиликларнинг кескинлашуви. Ёш турклар сиёсатининг барбод бўлиши.

### **Корея XIX –XX аср бошида**

XIX асрнинг 2-ярмида Кореяда ижтимоий-иктисодий вазият. Ривожланган давлатларнинг мустамлакачилик сиёсатининг оқибатлари. 1893-1894 йилларда дехқонлар қўзғолонлари. Япония-Хитой урушлари (1894-1895) ва Корея. Рус-япон уруши ва Кореяда Япония протекторатининг ўрнатилиши. Кореяда ижтимоий-иктисодий муносабатлардаги ўзгаришлар. Кореянинг аннексия қилиниши. Япония мустамлакачилик тартиботи. Корея I-жаҳон уруши йилларида.

### **Араб мамлакатлари XIX аср охири ва XX аср бошларида**

Чет эл сармоясининг араб мамлакатларига кириб келиши. Усмонийлар ҳукуматининг сиёсати. Араб мамлакатларининг ғарб мамлакатлари томонидан босиб олиниши. Мустамлакачилик сиёсатининг ижтимоий, иқтисодий оқибатлари. Англия-Франция қарама-қаршилиги. Фашод инқирози. 1899 йилги битим. Ливиянинг Италия томонидан Туниснинг Франция томонидан босиб олиниши. Жазоир Франция хукмронлиги остида.

1890 йил Мадрид конференцияси ва Марокашнинг ярим мустамлакага айланиши. Араб мамлакатларида ижтимоий, сиёсий тафаккурнинг ривожланиши. Миллий ташкилотлар, миллий сиёсий оқимларнинг келиши.

### **XIX аср охири ва XX аср бошларида Африка**

Африка Ғарб давлатларининг босқинчилик сиёсати. 1884-1885 йиллардаги Берлин конференцияси. Африканинг тақсимланиши. Франция, Англия, Италия ва Германиянинг Африкадаги босқинчиликлари. Африка халқининг мустамлакачиликка қарши кураши. Германия ва Португалиянинг жанубий Африкадаги экспедицияси. 1879 йил инглиз-prusс уруши ва жанубий Африка иттифоқининг вужудга келиши. Чет эл ҳукмронлигига қарши курашнинг янги шакллари. Африка миллий конгрессининг пайдо бўлиши.

Африкада Ҳинд жамоасининг вужудга келиши. М.Гандининг жанубий Африкадаги фаолияти. Африка биринчи жаҳон уруши йилларида

### **ЯНГИ ТАРИХ (Осиё ва Африка)**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
3. Каримов И.А. Юксак мънавият-енгилмас куч. – Т., 2008.
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқизори ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т., 2009.
5. Новая история стран зарубежного Востока. М., Наука, 1961.
6. Новая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1975.
7. Новая история стран Азии и Африки. М., Наука, 1982.
8. Новая история стран зарубежной Азии и Африки. Л., Наука, 1971.
9. Разалиев Ю.Н. Новая и новейшая история стран Азии и Африки. М., Высшая школа. 1987.
10. Янги тарих фанидан ўқув услубий мажмуя. Т.2011

### **Кўшимча адабиётлар**

11. Тихвинский С.Л. Движение за реформы в Китае в конце XIX века и Кан Ю-вэй. М., 1959.
12. Тихвинский С.Л. История Китая и современность. М., 1976.
13. Кучумов В. Очерки по истории Китайской революции. М., 1934.
14. Ефимов Г.В. Буржуазная революция в Китае и Сунь Ятсен (1911-1913). М., Факты и проблемы. 1957.
15. Ефимов Г.В. Внешняя политика Китая 1894-1899. М., Восточная литература. 1958.
16. Кузнецов В.С. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне в первой половине XIX века. М., Наука. 1973.
17. Внешняя политика государства. Цинь в XVI веке. М., Наука, 1977.
18. Бродский Е.Р. Дальневосточная политика США накануне первой мировой войны. М., Наука. 1969.
19. Нарочницкий А.Л. Колониальная политика капиталистических держав на Дальнем Востоке (1860-1895). М., Наука, 1973.
20. Новая история Китая. М., Наука, 1972.
21. Эйдус Х.Т. Очерки новой и новейшей истории Японии. М., Восточная литература. 1955.
22. Файнберг Э.Я. Русско-Японские отношения в 1699-1875. М., Восточная литература. 1960.
23. Очерки новой истории Японии (1640-1917). М., Наука, 1958.
24. Зяткин И.Я. Очерки новой и новейшей истории Монголии. М., Восточная литература. 1957.
25. Тяган Г.Д. Очерки истории Корея во второй половине XIX в. М., Восточная литература. 1960.

26. Политика европейских держав в Юго-Восточной Азии. (60-годы XVIII в. – 60-годы XIX в.). М., Наука. 1962.
27. Политика капиталистических держав и национально-освободительного движения в ЮВА (1871-1917). М., Наука, 1965, 1966. В 2-х частях.
28. Леконова Ю.О. Очерки новой истории Филиппины. М., Наука, 1965.
29. Рейснер И.М. Народные движения в Индии XVII-XVIII вв. М., Наука, 1968.
30. Антонова К.А. Английское завоевание Индии в XVIII в. М., Наука, 1958.
31. Алаев Л.В. Южная Индия. Социально-экономическая история XIV-XVIII вв. М., Наука. 1964.
32. Чичеров А.И. Экономикеские развитие Индии перед английским завоеванием. М., Наука. 1965.
33. Левковский А.И. Особенности развития капитализма в Индии. М., Наука, 1963.
34. Новая история Индии. М., Наука. 1961.
35. Луцкий В.А. История Арабских стран. М., Наука. 1966.
36. Рейснер И.М. Развития феодализма и образования государственных организаций у афганцев. М., Наука, 1964..
37. Ганковский Ю.В. Империя Дуррани. М., Восточная литература. 1958.
38. Халфин Н.А. Провал Британской агрессии в Афганистане XIX в. начало XX в. М., Восточная литература. 1959.
39. Миллер А.Ф. Мустафа-паша Байрактар. Османская империя в начало XIX в. М., Восточная литература. 1947.
40. Балоян Б.О. Очерки новой истории Ирана (XIX в. и начало XX вв.). М., Наука. 1978.
41. Массон В.М. Рамадин В.А. История Афганистана. М., Наука. 1964-1905.
42. История Африки XIX в. начало XX в. М., Наука, 1967.
43. История национально-освободительной борьбы народов Африки в новое время. М., 1976.
44. <http://www.ziyonet.uz>
45. <http://www.grid.rug.nl/ahc/>
46. <http://www.Librory.Byu.edu/-rdh/eurodocs/>
47. <http://www.history.hanover.edu/texts.htm>
48. <http://www.ucr.edu/h-gig/horuslinks.html>
49. <http://www.hss.cmu.edu/history>
50. <http://www.ukans.edu/history/vl/>
51. <http://www.lib.muohio.edu/inet/subj/history/wwii/index.html>
52. <http://www.lib.byu.edu/-rdh/ww1/>
53. <http://www.classics.mit.edu>.
54. <http://www.washlaw.edu/forint/>
55. <http://www.yole.edu/Lawweb/avolon.htm>
56. <http://www.yale.edu/acuns/>
57. <http://www.uia.org./website/htm>

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Руйхатга олинди**

**№** \_\_\_\_\_

**201\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_\_**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Термиз давлат университети  
ўқув ишлари проректори  
Ахмедов Ў.Ч.**

**201\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_**

**ЖАҲОН ТАРИХИ**

**ишчи ўқув дастури  
(3-курс талабалари)**

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа

Таълим соҳаси: 120000 – Гуманитар фанлар

Таълим йўналиши: 5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)

**Умумий ўқув соати - 142 соат**

**Шу жумладан:**

**маъруза - 34 соат**

**семинар машғулот – 50 соат**

**мустақил иш – 58 соат**

**Термиз-2016**

Фаннинг ишчи ўқув дастури ўқув, ишчи ўқув режа ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи:**

**Ф.Ж.Ёрматов** –т.ф.н, доц..в.б.

**Тақризчилар:**

**Турсунов С.Н** - тарих фанлари  
доктори,профессор  
**Т.Р. Пардаев-** т.ф.н, доц..в.б.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Жаҳон тарихи кафедрасининг 201\_\_ йил  
“\_\_\_” даги “\_\_\_”-сонли йигилишида муҳокамадан ўтган ва  
факультет кенгashiда муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

**Кафедра мудири:** \_\_\_\_\_ проф.С.Н.Турсунов

Фаннинг ишчи ўқув дастури Тарих факультети кенгashiда муҳокама  
этилган ва фойдаланишга тавсия қилинган (201\_\_ йил “\_\_\_” даги  
“\_\_\_”-сонли баённома).

**Факультет кенгashi раиси:** \_\_\_\_\_ ф.ф.н.Р.Норлиев

Фаннинг ишчи ўқув дастури Термиз давлат университети ўқув методик  
кенгашининг 201\_\_ йил “\_\_\_” “\_\_\_” -сонли мажлисида  
тасдиқланган.

**ЎМБ бошлиғи** \_\_\_\_\_ доц **Б.Иманов.**

## Кириш

Ушбу дастур мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама интеграциясини чуқурлаштириш каби долзарб масалани ҳорижий мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий тараққиётини тарихий нуқтаи назардан ўрганмасдан ҳал этиб бўлмайди. Жаҳон тарихини мукаммал даражада билмоқ инсоният цивилизациясининг ютуқларидан ва тажрибасидан тўла баҳраманд қиласи, умуминсоний қадриятларни англаб етишга кўмаклашади ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топишга имконият яратади.

### Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Жаҳон тарихи бўйича чуқур билимларга эга бўлиш талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш йўлидаги энг самарали восита сифатида аҳамиятлидир. Қолаверса, мамлакатимиз ҳамкорлик қилаётган давлатларнинг ривожланиш даражасини, халқларнинг менталитети, урф-одатларини, маданиятини тушуниб етиш учун ҳам жаҳон тарихи фанининг бекиёс аҳамиятини тан олиш керак.

Дунё халқларининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва этник эволюциясининг асосий босқичлари, ҳамда йўналишлари хақида талабаларга ҳар томонлама билимлар бериш.

### Фан бўйича талабаларнинг билимига, қўникума ва малакасига қўйиладиган талаблар

Жаҳон тарихининг турли босқичларида рўй берган муҳим воқеалар ва жараёнларни ёритиб бериш; – инсониятнинг қўп асрлик тараққиётига катта таъсир кўрсатган омилларни таҳлил қилиш; - тарихий ривожланиш давомида турли мамлакатлар ва минтақаларга хос бўлган хусусиятларни очиб бериш; - дунёнинг турли чеккаларида рўй берган воқеалар ва жараёнларнинг қўп ҳолларда ўзаро боғлиқлигини талабаларга тушунириш; - тарихий ривожланишнинг барча мамлакатлар учун умумий қонуниятлар мавжудлигини намоён қилиш.

“Жаҳон тарихи” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- Жаҳон тарихи даврининг хусусиятлар, хунармандчиликнинг қишлоқ хўжалигидан ажралиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, феодал шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, товар-пул муносабатлари, феодал жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий ва диний ҳаётидаги ўзгаришларни **билиши керак**;
- феодал жамиятнинг ривожланиби, ўзининг энг хусусиятларини йўқотиши ва ўз ўрнини янги иктисодий муносабатларга бўшатиб бериши, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келишини тўғри тушуниш **қўникумаларига эга бўлиши керак**;
- талаба жаҳон тарихининг (қадимги шарқ, қадимги юнонистон ва рим, илк ва сўнгги ўрта асрлар, Осиё ва Африка, Европа ва Америка давлатлари) даврида рўй берган ишлаб чиқаришнинг янги илғор муносабатларига ўтиш

Ҳар бир жорий назоратдан ўтиш бали: 11,5 балл						
<b>II. Маъруза машғулотлари бўйича</b>						
2	1 ОН	ёзма	3 та саволдан иборат варианtlар асосида ёзма назорат иш ўтказиш	3 та савол: ҳар бири 5 баллдан Жами 15 балл	дарсдан ташқари	айрим талабалар билан ОН ўтказиш тест саволлари-ни ечиш, оғзаки сухбат тарзда амалга оширили-ши мумкин
	2 ОН	ёзма	3 та саволдан иборат варианtlар асосида ёзма назорат иш ўтказиш	3 та савол: ҳар бири 5 баллдан Жами 15 балл		
Ҳар бир ОН дан ўтиш бали 8,25 балл						
3	ЯН	ёзма	Маъруза ва семинар машғулотлари бўйича 5 та саволдан иборат вариант асосида ёзма назорат иш ўтказиш	5 та савол. Ҳар бири 6 баллдан. Жами 30 балл	Белгиланг ан режа асосида	-
	ЯН дан ўтиш бали 16,5 балл					

**Баҳолаш мезонлари:**  
**86-100 балл билан баҳоланади, қачон:**

- талаба берилган вазифани назарий ва амалий жиҳатдан атрофлича тушунган бўлса;
- вазифани бажаришда Жаҳон тарихи фанидан олган билимларини тўла кўллай олса;
- вазифани мустақил равишда бажариб, ундан тўғри хуносалар чиқара олса;
- семинар машғулоти мавзуларини тўғри ва мукаммал баён эта олса;
- Жаҳон тарихи фани юзасидан берилган вариант саволларига тўлиқ ва тўғри жавоблар ёзилган бўлса;
- ёзма жавобларда илмийлик, мантиқийлик бўлиб, имло хатолар бўлмаса;
- ахборот технологиялари ёрдамида янги методлар асосида ёритиб берилган бўлса;

**71-85 балл билан баҳоланади, қачон:**

- талаба берилган вазифани ҳар жиҳатдан тўғри тушунган бўлса;
- вазифани тарихий манбалар асосида ўқиб тадбиқ эта олса;
- вазифани бажариш натижаларидан тўғри хуоса чиқара олса;
- вазифани тўғри ва равон баён қилса;
- семинар машғулотларига яхши тайёргарлик кўриб келган бўлса;
- мустақил ишни қўшимча адабиёт маълумотлари асосида тўлиқ ёритиб бера олган бўлса;
- Жаҳон тарихи фани юзасидан берилган вариант саволларига талабанинг берган жавоблари, манба асосида мантиқан тўғри бўлса;
- талабанинг ёзма жавобларида илмийлик, холислик бўлиб, бериладиган жавобларида имло хатолар бўлмаса.

**55-70 балл билан баҳоланади, қачон:**

- талаба вазифанинг мақсади тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлса;
- вазифани бажаришда четдан бўладиган ёрдамга муҳтож бўлса;
- вазифа натижаларини баён қилишда хатоликларга йўл қўйса:
- саволларга чалкаш жавоблар олинса;
- вариант саволларига берилган жавобларда юзакиликлар, баъзи хатоликлар учраса, аммо жавоб умуман тўғри бўлса;
- ёзма иш баёнида илмий ва мантиқий камчиликларга бир оз хатоликларга йўл қўйган бўлса.

**0-54 балл билан баҳоланади, қачон:**

- талабага берилган вазифа бажарилмаган бўлса;
- фан юзасидан ўтилган мавзуларни ўзлаштирунгани бўлса;
- талаба берилган саволларга тўғри жавоб бера олмаса;
- машғулотларга тайёргарлик кўрмаганлиги сезилиб турса;
- вариант саволларининг 1/3 қисми жавобсиз қолган бўлса;
- жавобларда хатоликлар бўлиб, жавоблар аниқ ифодаланмаган бўлса;
- жавобларда илмийлик ва мантиқийлик етишмаса;
- жавоб баёнида имло хатолар кўп учраса;

## ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

5120300 – Тарих (мамлакатлар ва минтақалараро) йўналиши 3-курс  
талабалари учун

### “Янги тарих” фанидан РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ

<b>№</b>	<b>Назорат турлари</b>	<b>Жам и балл</b>	<b>Сони</b>	<b>Назоратнинг шакли</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Саралаш балл</b>	<b>Ўтказ иш вақти</b>
1	Оралиқ назорат	30	№ 1	Тест	15	8,2	
			№ 2	Тест	15	8,2	
2	Жорий назорат	40	№ 1	Амалий	15	8,2	
			№ 2	Амалий	15	8,2	
			Мустақил иш	Реферат тайёрлаш	10	5,5	
3	Якуний назорат	30		Тест	30	16,5	

### **Жорий назорат (ЖН)**

Жорий назорат 2 марта ўтказилади.

Жорий назорат - 15 балл

Жорий назорат – 15 балл.

Жами: - 40 балл.

Шундан 10 балл – Мустақил иш учун.

Қолган 30 балл – Талаба дарсни ўзлаштиргани учун.

Бир пара семинар учун – 1,7 балл ажратилган:

- 1) Дарсга қатнашганлиги учун – 0,4 балл.
- 2) Семинарга тайёргарлиги учун – 0,4 балл.
- 3) Мустақил фикрлай олиши учун – 0,5 балл.
- 4) Талаба интизоми учун – 0,4 балл.

### **Оралиқ назорат (ОН)**

Маъруза машғулотлари асосида ОН ўтказилади. ОН ёзма иш тарзида ўтказилади.

Оралиқ назорат - ёзма равишда икки марта олинади ҳар бири 15 балгача баҳоланади ва қуйидагича тақсимланади.

ОН- 15 балл.

ОН 15 балл.

Жами: 30 балл

15 балл қуйидагича бўлинади:

- 1)Саволни мазмун моҳиятини очиб берганлиги учун – 4,0 балл.
- 2)Мустақил фикрлай олгани учун – 4,0 балл.
- 3)Талаба фикри илмий асослангани учун – 4,0 балл.
- 4)Саволни давр билан боғлай олгани учун – 3,0 балл.

### **Якуний назорат (ЯН)**

Талаба жорий (ЖН) ва оралиқ баҳолаш(ОН) босқичларида түплаган баллари миқдоридан қатый назар, якуний назорат топширигини бажаради. Уни бажариш учун 3 соат вакт берилади

Якуний назорат таянч иборалар варианatlари асосида ёзма равищда ёки оғзаки олинади ва қуийдагича тақсимланади. Якуний назоратта жами: 30 балл берилади.

- |                                    |               |
|------------------------------------|---------------|
| 1) Саводхонлик учун -              | 10%— 3 балл   |
| 2) Хуснихат учун -                 | 10% - 2 балл  |
| 3) Фикрларни лүнда ифодалаш-       | 10%- 4 балл   |
| 4) Таянч ибораларни тавсифлаш учун | 40% — 10 балл |
| 5) Адабиётлардан фойдаланиш        | 10%— 6 балл   |
| 6) Ижодий, мустақил фикрлаш учун   | 20% — 5 балл  |
| Жами :                             | 30 балл       |

Тузувчи:

**т.ф.н. к.ўқ. Ф.Ёрматов**

# Маърузалар курси

## 1-мавзу: XVII аср ва XX асрнинг бошларида Япония

«Жаҳон тарихи» фанини ўқитиш технологияси  
(таълимни шакли, методлари ва воситалари, технологик харитаси)

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>XVII асрнинг ўрталарида Япониянинг иқтисодий аҳволи тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>Токугава давлати, унинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида талабаларга тушунча бериш.</p> <p>Япония ва капиталистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар хақида маълумот бериш.</p> <p>Америка, Англия ва Франциянинг Япония ички ишларига аралашуви ва унинг оқибатларини ёритиб бериш.</p> <p>1867-1868 йиллардаги инқилоб ва аҳамияти хақида талабаларга тушунтириш.</p> <p>Япониянинг биринчи жаҳон уруш арафасидаги шжтимоий иқтисодий ҳолатини ёритиб бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Япониядаги иқтисодий аҳволни ёритиб беради.</p> <p>Токугава давлати, унинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида маълумот беради.</p> <p>Япония ва капиталистик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий мазмун моҳиятини таҳлил қиласди.</p> <p>Америка, Англия ва Франциянинг Япония ички ишларига аралашуви ва унинг ўзига хос жихатлари хақида маълумот беради.</p> <p>1867-1868 йиллардаги инқилоб ва унинг оқибатларини ёритиб беради.</p> <p>Биринчи жаҳон уруши арафасида Япониянинг ҳолатини кўрсатади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Япония, Такугава, Мейдзи, инқилоб, Нобинага, Хидаёси, Иеясу, Мусихито, даймелар, дворянлар, самурайлар, Сёгун, Рус-Япон уруши.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b></p> <p>Гурӯхларда</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b></p> <p>маъруза, дебат, баҳс, ақлий хужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p>	Ўқитувчи

	Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.	
2.	<b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b> -Мавзу эълон қилинади. -Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи
3.	<b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b> -Талабаларга муаммоли савол беради. -Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. -Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. -Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи талаба
4.	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b> -Япониянинг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг? -Ёпиқ эшиклар сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди? -Токугава давлати хақида гапириб беринг? - Токугава давлатининг қулашига сабаб нима? -Мейдзи ниқилоби хақида гапириб беринг? -Мейдзи инқилобининг аҳамияти нимадан иборат? -Маорифпарварлик идора этиш усулининг мақсади нимадан иборат? -Мусихито олиб борган сиёсат хақида гапиринг? -Капиталистик давлатлар нега Япония ички ишларига аралаша бошладилар? -Рус-Япон урушини шархланг?	Ўқитувчи
5.	<b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b> -Япония тарихида 1603 йилда давлатни бошқарган. -Токугава сулоласи 1867-1868 йиллардаги Мейдзи инқилоби туфайли ағдарилди. -Инқилобдан кейин ривожлантиришнинг японча модели шаклланди. -Япония иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланиш палласига кирди. - 1904-1905 йиллардаги Рус-Япон урушида ғалаба қозонди.	Ўқитувчи

## Ажратилган вакт – 2 соат

### Асосий саволлар:

1. XVII асрнинг ўрталарида Япониянинг иқтисодий аҳволи.
2. Токугава давлати, унинг ички ва ташқи сиёсати.
3. Япония ва капиталистик давлатлар.
4. Америка, Англия ва Франциянинг Япония ички ишларига аралашуви.
5. 1867-1868 йиллардаги инқилоб.
6. Япония биринчи жаҳон уруш арафасида.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Япония ижтимоий тузуми хақида гапиринг?
2. Токугава династиясининг ички ва ташқи сиёсати қандай бўлган?
3. 1867-1868 йилларида бўлган инқилоб Япониянинг кейинги ривожланишида қандай рол ўйнади?
4. Японияда Мейдзи ислоҳоти ва тарихий аҳамиятини айтинг?
5. Биринчи жаҳон уруши йилларида Япониянинг иқтисодий ҳолатини ёритиб беринг?

### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

XVII-асрнинг ўрталарида Япониянинг иқтисодий ахволи, Токугава династиясининг ички ва ташқи сиёсати, 1867-1868 йилларида бўлган инқилобнинг аҳамияти ва Мейдзе ислоҳатлари ҳамда Биринчи жаҳон уруши йилларида Япониянинг иқтисодий ҳолатини ёритиб бериш

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Янги даврда Япониядаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
- 1.2. Япониянинг тараққиёт даражасини таҳлил қиласди ва шарҳлайди.
- 1.3. Япония тараққиётида Хитойнинг тасири.

### **1-саволнинг баёни\***

Япония дунё сиёсий харитасининг узоқ Шарқ; регионида жойлашган "Қуёш мамлакати" дейилади, тарихий адабиётларда Японияда феодал муносабатлар ўзининг юксак чўққисига XIV-XVI асрда кўтарилиган. Бироқ феодал муносабатлар шарқ мамлакатларидан фарқ қиласди. Хўжалик асосини майда дехқончилик хўжалиги ишлаб чиқариш ташкил қиласди. Япония янги замон бошларидағи умумий ахволи мамлакатни майда князликларга боғланиб кетганлиги билан тавсифланади. Феодал даврда юзага келган Япония шаҳарлари, Ҳиндистон ва Осиёнинг бошқа шаҳарлари сингари феодал ҳукмдорларнинг қароргоҳлари эди, лекин улар иқтисодий аҳамиятни жуда барвақт олға киритдилар, баъзилари эса "эркин шаҳар" (сакай) мақомига эришдилар ёки бюргер типидаги ўз-ўзини бошқаришни тузиш учун курашдилар.

Ўрта асрдаги Япония Осиёдаги қўшни мамлакатлар - Хитой ва Корея билан маданий ва иқтисодий алоқада бўлиб ривожланади. Маданиятнинг баъзи

элементларини, жумладан ёзувни, буддизм, конфуцийлик сингари диний оқимларни Япония Хитойдан ўзлаштирган. Японияликлар билан Европаликлар XVI асрнинг 40 йилларидан бошлаб қизиқади. 1542 йилда Кю Сю оролининг Жанубий қирғоқларида ilk бор португалияликлар пайдо бўлди. Шу вақтдан бошлаб бир неча йил давомида Португалия кемалари тез-тез Японияда бўлдилар. Португалияликлар Японияга қурол - яроғ элтиб, у ердан олтин олиш эвазига Япония билан савдо - сотиқ муносабатларини ўргандилар. 1549 йилдан бошлаб Японияда католик миссионерлар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Миссионерлар ва савдогарлар баъзи бир япон феодаллариға таянар эдилар. Булар европаликлар келиб турадиган порт шаҳарларида жойлашган районларнинг хукмдорлари эди. Улар Япониянинг ташқи савдоси кенгайиши эвазига жуда катта даромад олар эдилар. Шунингдек Япония феодаллари Европа қуролли олишишдан катта манфаатдор эдилар. XVI асрнинг 80 йилларида Кю Сю оролида 100 мингта христиан бор эди. XVII асрнинг бошларида эса Японияда инглиз ва Голландия савдогарлари фаоллаша бордилар. Европаликларнинг Японияда пайдо бўлиши у ерда марказлашган феодал давлат тузиш билан бир вақтда тўғри келади. XVI асрнинг охири XVII асрнинг бошларида бу учун иқтисодий ва сиёсий шарт-шароит юзага келди. Олдинги юз йилликларда секин-аста бўлсада шаҳарлар ривожланди, савдо-сотиқ кенгайди ва ишлаб чиқариш кучлари босиб борди. Тўхтовсиз юз бераётган дехқон қўзғолонлари феодалларни ўз кучларини бирлаштиришга ундарди. Марказлаштириш ғоясининг кучайтиришга шунингдек Эвропа колонизаторларининг хавфи ҳам сабаб бўлди. Феодал Япония императорлик ҳокимият ўзига хос мавқеда эди. Синфий жамиятга ўтиш даврида юзага келган, Микадо ёки Тенко унвонида олган Япония императорлари динацияси кўшини юз йилликларда мавқенини сақлаб қолди. Синтоизм ("худолар йўли") номли япон дини қуёш худоси Аматерасунинг авлоди бўлган Микадоларнинг илоҳий келиб чиқишини эътироф этарди.

Лекин императорлар ҳукмдорлиги номигагина эди. Бу шароитда феодал тараққиётни тугатиш учун кураш императорлик ҳокимиятни мутсаҳкамлаш йўлидан эмас, баъзи бир феодал гурӯҳларининг мамлакатни назорат қилиш учун кураш тусини олди. XVII асрнинг бошларида Иеясу Токугава бутун Япониянинг удел князларини ўз ҳукмдорлигига бўйсундирди ва "тайсегун" - "буюк саркарда" "бош қўмондон" номли меросий бўлган Сёгун унвонини қабул қилди. Шу вақтдан бошлаб 250 йилдан ортиқроқ йил давомида Японияни Токугава Сёгунати династияси бошқарди. Сёгун мамлакатнинг чекланмаган ҳукмдори эди. Илоҳий императорга турли хил марҳаматлар кўрсатдилар. Қуёш ва ой ўз йилларида давом этганликлари каби, император ўз юраги дахлсизлигини сақлаб қолиши шарт - деб таъкидладилар. Токуговачилар. Шунинг учун у осмондагидек, саройда яшайди. Сёгун барча давлат мажбуриятларини белгилайди ва ҳукумат ишларини императорлар ҳал қилишига муҳтож эмас. Тўрт денгиз ўртасидаги ер бесаранжом бўлса, бу сёгуннинг гунохидир Қадимги Шарқ тарихи биз учун айrim миқдорда ҳужжатларни, яъни дипломатик мактублар, шартномалар ва бошқа халқаро аснодларни сақлаб қолди-ки, улар қадимий шарқ подшоликлари ўртасида жадал алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беради.

Ўрта асрлар давомида Хитой Япония тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Бу таъсир айниқса, Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой маданияти, рассомчилиги, адабиёти, туарар жой биноларини, иншоотларини қуриш санъати, фалсафаси ва ҳарбий соҳада сезиларли даражада бўлди. Маигҳур икки бино - Кинкакудзи (Олтин павилон) ва Гинкакудзи (кумуш павилон) ҳудди шу даврда бунёд этилган. Аммо бу муҳташам, кўркам биноларнинг қурилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар меҳнаткаш халқ оммаси, биринчи навбатда дехқонлар гарданига тушган.

XVI аср охири - XVIII аср бошларида Япония типик тоифаларга ажралган Шарқ мамлакатларидан иборат бўлиб, ҳар бир вилоят маълум бир феодаллар - даймелар назоратида бўлган, уларнинг қўлида дворян - самурайлар хизмат қилишган. Мамлакат тепасида расман император турсада, сиёсий ҳокимият амалда ҳарбий ҳукмдор - Сёгун қўлида бўлган. Ана шу даврдаги муҳим сиёсий воқеалардан бири бу бутун Япония оролларининг вилоятларининг ягона марказлашган давлатга бирлашишидан иборат бўлди.

Мамлакатда Токугава сёгунлиги бошларида ўтказилган ислоҳотга кўра тоифалар ўртасидаги қатъий қилиб чегараланган: ўша пайтдаги дайме феодаллар ёки катта ер эгалари 200 атрофида бўлиб, улардан кейинги поғонани дворян-самурайлар, сўнг дехқонлар, улардан қўйироқ поғонани ҳунармандлар ва ниҳоят сўнгги пиллапояни савдогарлар эгаллашган. Мамлакатни бирлаштиришда уч машҳур тарихий шахснинг хизмати бекиёс. Булар: Нобинага - катта ер эгаси, Хидеёши - дехқон ва Иеясу - зодагон, сарой хизматчиси. Аслида улар биргаликда жанговар армия тузиб, мамлакатни фуқаролар уруши гирдобидан қутқариб қолишга муваффақ бўлишди. Токугава Иеясу - юқоридаги уч қаҳрамонлардан бири, мамлакатни бирлаштириш эвазига жуда катта бойликка эга бўлди. Япониянинг деярли еттидан бир қисми унинг тасарруфига кирди. Ўзига қарашли мавзеда у Эдо шаҳрини барпо қилди. Кейинчалик бу шаҳар Токио номи билан юритила бошлади.

## **2- савол баёни**

Токугава Иеясу 1603 йилда Япониянинг сёгуни, яъни ҳарбий ҳукмдори бўлди. Япония тарихида бу сёгунат ёки сёгунлик - сўнгги,

учинчи сёгунлик бўлиб, Токугава сёгунлиги номи билан машхур. Бу сёгунлик 250 йилдан кўпроқ вақтни ўз ичига олади. Буюк географик кашфиётлардан кейин 50 йил давомида португаллар японлар билан савдо-сотиқ қилишди, испанлар Японияда 1592 йилда, улардан кейин голландияликлар ва инглизлар пайдо бўлишди. Христианларни Японияда XVI аср ўрталаридан тарқала бошлади ва европалик миссионерлар уни японлар орасида зўр бериб тарғиб қилишарди. Олдинлари японлар миссионерлар ва иезуитларни христиан динини тарғиб қилишларида қўллаб-куватлашса, кейинчалик уларни таъқиб қила бошладилар. Гап шундаки, миссионерлар ва иезуитлар дин ниқоби остида япон халқини асоратга солишни, Япониянинг мустақиллигига чек қўйиб, уни босиб олишни кўпдан бери режалаштириб қўйган эдилар. Японияда 1587 йилда қабул қилинган Декрет барча христиан миссионерларини 20 кунлик мухлатда мамлакатдан ҳайдаб чиқаришни қонунлаштирган эди. Акс ҳолда улар ўлим жазосига ҳукм этилар эди. Аммо бу қонун тижорат ишларига қарши қаратилмаган эди. Эълон қилинишича, хорижлик савдогарлар тижорат билан шуғулланишлари ва мамлакатда истаганича қолишлари мумкин эди. Агар савдогарлар ўз кемаларида миссионерларни ташиб олиб келишса, бу савдогарларнинг мол-мулклари давлат томонидан мусодара этилар эди. Демак, қабул қилинган Декрет сиёсий мақсадни кўзлаб Япония хавфсизлиги ва мустақиллигини асраб-авайлашга қаратилган эди.

Хидаёси биринчилардан бўлиб, христиан миссионерлари ва уларнинг тарғиботи натижасида бу мазҳабни қабул қилган японлар сиёсий жиҳатда Японияга катта хавф туғдиришини тушуниб етди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки европаликлар ҳар бир халқни асоратга

солиш учун авваламбор улар орасига миссионерларни юборишар, шу йўл билан маҳаллий аҳолини христиан динига тарғиб қилиб ўтказишар, кейинчалик юборилган аскарлар христиан мазҳабига янги ўтган аҳоли ёрдамида ҳукуматни ағдариб, ана шу мамлакатни босиб олишар эди.

Бироқ Токугава Иеясунинг сёгунлик даврида унинг хорижликларга нисбатан муносабати дўстона бўлиб, у ташки савдони ривожлантиришга катта эътибор берадиган эди. Унинг вафотидан сўнг мамлакатда христиан динига мансуб бўлган кишиларни таъқиб қилиш авж олди. Миссионерлар мамлакатдан қувилди, христианликни қабул қилган японлар бу диндан воз кечишга мажбур қилиндилар. Хорижликлар билан савдо қилиш сиёсати ҳам ўзгарди. Нима қилиб бўлса ҳам, японлар хорижликларга ўзларининг ички ишларига аралашибларига йўл қўймас эдилар. Дарҳақиқат, японларнинг, айниқса давлат раҳбарларининг сезгирлигига тан бериш лозим.

Япония тарихида муҳим бир давр бошланди, японлар ташки дунёдан ўзларини бутунлай тўсиб қўйдилар. Бу сиёсат Япония давлати томонидан изчил равишда олиб борилди. 1623 йилдан бошлаб инглизлар Японияга келишни тўхтатдилар. 1624 йил Япония мустақиллиги учун энг хавфли саналган испанлар мамлакатда ҳайдаб чиқарилди. Мамлакатда чиқарилган қарорга кўра, хорижда савдо қилишга фақатгина христиан динига мансуб бўлмаган шахслар ҳакли эдилар. Ниҳоят, 1636 йилдан бошлаб Япония хорижликлар учун бутунлай «ёпилди». Португаллар эса ҳайдаб чиқарилди. Барча японларнинг қайси динга мансуб бўлишидан қатъий назар, хорижга чиқиши таъқиқданди. Хориждаги бирон-бир япон ҳам Японияга кела олмас эди, акс ҳолда уни ўлим жазоси кутмоқда эди. Мамлакатда бир

нече голландлар қолган бўлиб, уларга бандаргоҳлардан узоқ кетмаслик ва мамлакат вилоятларига бормаслик тайинланган эди, улар 1641 йили кичик Нагасаки оролининг қирғоғига кўчиртирилиб, японлар кўлига тушган асиrlар ҳолатида сакданар эдилар. 1640 йили Португалия кемаси Япония қирғоқларига яқинлашди. Ундаги элчилар қайтадан савдо-сотиқни тиклаш таклифини киритиши. Бунга жавобан кўпчилик элчилар ва кема аъзоларини японлар ўлдирдилар ва бир қисмини юртларига ҳайдаб юбордилар. Омон қолганлар бўлган воқеани ватандошларига ҳикоя қилиб беришлари керак эди. Шундай қилиб, Япония 200 йилдан кўпроқ вақт мобайнида ташқи дунёдан ажralган ҳолда ҳаёт кечирди. Ҳатто, ўз қўшнилари бўлган Хитой ва Корея билан ҳам бутунлай алоқани узди. Бироқ, 200 йил давомида ташқи дунёдан ажralиб қолганлик Япониянинг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатди.

Христиан дини таъқиқлангач, Японияда буддизм, унинг японлар учун анъанавий бўлган мазҳаби - синтоизм кенг қулоч ёзди. Хитойлик Конфуций ақл-идрок, ахлоқ бобида японларнинг идеалига айланди. Бу давр мобайнида санъат сарой аҳли ва самурайлар орасида ривожланди.

### **3- савол баёни**

XIX асрнинг бошларига келиб мамлакатда таназзул бошланди, бу феодализм билан боғлиқ бўлган таназзул бўлиб, халқ мамлакатда улар ўз орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун кўпроқ император билан боғламоқда эдилар. Синтоизм мазҳабининг ривожи ҳам ўз навбатида аҳолининг кўпчилигини император - Қуёшнинг авлодидан бўлган шаҳаншоҳ шахсига ҳурмат билан қарашга ундумоқда эди. Синтоизм мазҳабининг ривожи японларда миллий ҳис-туйғуларнинг ошишига

олиб келди. Миллий жиҳатдан ўз-ўзини англаш мамлакатда ўзгаришлар ва ташқи дунё билан алоқа давомида хорижликлар, айниқса Ғарб давлатлари Японияни қайтадан «очишга» бир неча марта уриниб кўрдилар, аммо бу уринишлар натижада бермади. Ниҳоят, XIX аср ўрталарида АҚШ Японияни «очиш»га уринди, чунки у бундан жуда ҳам манфаатдор эди, гап шундаки АҚШ ўз худудини Калифорниягача кенгайтирди ва Сан-Франциско унинг муҳим бандаргоҳига айланди. АҚШ Хитой билан савдо-сотик қилишдан жуда ҳам манфаатдор бўлиб, унинг буғ билан ишлайдиган кемалари учун Хитойга Тинч океани орқали бориш жуда мушкул эди. Шу сабабли АҚШ япон портлари орқали Хитойга боришни режалаштирган эди.

#### **4-савол баёни:**

1853 йили Японияга АҚШ эскадрилияси президент мактуби билан етиб келди, японлар буғ билан ҳаракат қиласидан пароходни биринчи кўришлари эди. Орадан бир йил ўтгач, сёгун икки портни американклар учун очишга рози бўлди. Тезда бундан хабар топган инглизлар, голландлар ва руслар ҳам Япония қирғоқларига етиб келиб, бирин-кетин Япония сёгуни билан портларнинг очилиши тўғрисида битим имзоладилар. Шундай қилиб, орадан 213 йил ўтгач, Япония қайтадан дунё учун ўз «эшикларини очди». Аммо хорижликлар олдида сёгун ўзини императордек тутарди. Халқ орасида эса сёгуннинг илгаригидек обрўси қолмаган эди, чунки японлар сёгуннинг хорижликлар билан тузган битимиши ёмон қарши олдилар, баъзилар бир чет элликлар японлар томонидан ўлдирилди, натижада Японияга қарши ҳужум бошланди. Япониянинг ички ва ташқи аҳволи ниҳоятда мураккаблашди. Аҳолининг тазиёки ва норозилиги туфайли 1867 йилда сёгун уз лавозимидан воз кечди. Токугава сёгунлигига гина

эмас, балки қарийб 700 (етти юз) йил ҳукмронлик қилган Япониядаги ҳарбий-сиёсий режимига ҳам чек қўйилди. Япония тарихида бутунлай янги давр бошланди. Энди Япония императори ўзига хос ва шарафли лавозимнинг тўлақонли эгасига айланди. Ўшанда император Мусихито тахтга ўтирганида 14 ёшли бола эди. У мамлакатни 45 йил сурункасига бошқарди. Тарихда императорнинг янги бошқарув тизими Мейдзи («Маорифпарварлик идора қилиш усули») номи билан аталади. Бу воқеани яна «Мейдзи инқилоби» деб ҳам номлайдилар. Дарҳақиқат, Япония кисқа муддатда ўтказилган барча соҳалардаги ислоҳотлар натижасида илғор, саноати ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Японлар ҳатто тараққиёт соҳасида ўз устозлари бўлмиш ғарбликларни ҳам лол қолдирдилар. Гап шундаки, японлар Ғарб илм-фани, технологиясини ижобий ўзлаштиришлари билан ўзларининг энг яхши, асрлар давомида шаклланиб келган удумлари ва анъаналарини сақлаб қолдилар. Албатта, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан вужудга келгани йўқ. Ғарб давлатларининг бирин-кетин бостириб кириши, уларнинг замонавий қуроллари қаршисида японлар бутунлай ҳимоясиз эдилар. Ҳаётнинг аччиқ сабоқлари, она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, миллий истиқлол туйғуси японларни чидамлиликка, узоқни ўйлаб иш тутишга, миллий тотувликка ўргатди.

Барча ватанпарвар кучлар, Япониянинг илғор кишилари, зиёлилари, давлат арбоблари император Мусихито атрофида жипслашдилар. Японияда ривожланган Ғарб давлатлари каби замонавий парламент фаолият кўрсата бошлади ва император билан бир қаторда мамлакат сиёсий ҳаётида тобора нуфузи ортиб борди. Эски феодаллар тоифаси дайме барҳам топди, пойтахт Жиотодандо шаҳрига қўчирилди. Эдо янги ном билан Токио деб атала бошланди.

Янги Конституцияга мувофиқ, парламент икки палатадан иборат бўлиб, қуи палата аъзолари сайланар, юқори палата аъзолари эса тайинланар эдилар. Япония таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берди: хукуқшунослик, ижтимоий, аниқ ва табиий фанлар жадал суръатлар билан ривожланди. Японлар ичидан иқтидорли талабалар танлаб олиниб, улар Европа ва АҚШнинг нуфузли университетларига ўқишга юборилди, улар ўз Ватанларига етук мутахассислар бўлиб қайтар эдилар ва Япониянинг равнақи учун барча имкониятларини ишга солар эдилар.

Шундай қилиб, японлар янги даврнинг 200 йилдан кўпроқ вақгида ўзларини ташқи дунёдан тўсиб қўйсаларда, аммо миллий мустақилликларини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

200 йилдан сўнг Япония яна «ўз эшикларини» хорижликларга «очиб», қисқа вақт ичida ўша давр жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олиб, дунёning ривожланган мамлакатларидан бирига айланди. Натижада, жаҳон халқлари орасида тарақкиётнинг «японча модели» вужудга келди.

#### **4-савол баёни:**

1910 йилда Япония 10 йиллик қуролланиш дастурини қабул қилди. Айни пайтда, Япония халқаро миқёсда зўр бериб дипломатик алоқалар олиб борди. Масалан, 1902 йилда Буюк Британия билан 5 йиллик битим тузиб, Хитойда Буюк Британия-Япония манфаатлари белгилаб олди. АҚШ Японияни қувватлашини билдириди ва Германия, Францияни ҳам шунга чақирди. Шундай қилиб, муқаррар бўлиб қолган урушда Россия ёлғизлатиб қўйилди. 1904 йилда юз берган Россия- Япония урушида эришилган ғалаба Япониянинг урушида Япониянинг қудратини янада оширади.

Биринчи жаҳон урушида ҳам уруш ҳаракатлари бораётган Узок Шарқ ва тинч океанидаги Япониянинг ҳарбий ҳаракатлари учун қулай шароит туғдирди.

## **2-МАВЗУ: XVIII АСРНИНГ ЎРТАЛАРИДА ВА XIX АСРНИНГ 70-ЙИЛЛАРИДА ХИТОЙ**

**«Жаҳон тарихи» фанини ўқитиш технологияси  
(таълимни шакли, методлари ва воситалари, технологик харитаси)**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>1. Хитойда XVII- асрда манжур хукмдорларининг цин империясига асос солиши тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш. Цин империясининг ташқи сиёсати. Афюн урушлари. Хитойда тайпинлар қўзғолони тўғрисида талабаларга тушунча бериш. XIX-асрнинг бошларида Хитойда ижтимоий-иктисодий аҳволни ёритиб бериш. Синхай инкилоби» ва манжурлар хокимиятининг ағдарилиши хақида талабаларга тушунтириш. Хитойнинг биринчи жаҳон уруши давридаги шжтимоий иктисодий ҳолатини ёритиб бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Хитойдаги иктисодий аҳволни ёритиб беради. Цин империясининг ташқи сиёсати тўғрисида маълумот беради. Афюн урушларининг асосий мазмун моҳиятини таҳлил қиласи. XIX-асрнинг бошларида Хитойда ижтимоий-иктисодий аҳволини ва ўзига хос жихатлари хақида маълумот беради. Синхай инкилобининг аҳамиятини талабаларга тушунтириш. Биринчи жаҳон уруши йилларида Хитойнинг ижтимоий ҳолатини кўрсатади.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Хитой, Цин, Афюнъ урушлари, Синхай инкилоби, Тайпинлар ҳаракати, 100 кунлик ислоҳот, Ихетуан, Оқ нилуфар, Дадао, Катта қилич, Сун Ят Сен, Буюк бирлик китоби, Минбоу.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> Гурӯҳларда</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> маъруза, дебат, баҳс, аклий хужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p>	Ўқитувчи

	Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.	
2.	<b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b> -Мавзу эълон қилинади. -Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи
3.	<b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b> -Талабаларга муаммоли савол беради. -Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади. -Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. -Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи талаба
4.	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b> -Хитойнинг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг? -Цин империяси сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди? -Тайпинлар давлати хақида гапириб беринг? - Тайпинлар давлатининг қулашига сабаб нима? -Синхай инқилоби хақида гапириб беринг? -Синхай инқилобининг аҳамияти нимадан иборат? Сун Ян олиб борган сиёсат хақида гапиринг? -Капиталистик давлатлар нега Хитой ички ишларига аралаша бошладилар? -Хитой-Япон урушини шарҳланг?	Ўқитувчи
5.	<b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b> -Хитой тарихида 1644-1911йилларда Цин империяси ағдарилди. -Хитойда Афюнъ урушлари бўлиб ўтди. -Синхай инқилобидан кейин ривожлантиришнинг хитойча бошқарув шакли шаклланди. -Хитой иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланиш палласига кирди. - Хитойнинг республика деб эълон қилиниши.	Ўқитувчи

## Ажратилган вакт – 2 соат

### Асосий саволлар:

- Хитойда XVII- асрда манжур хукмдорларининг цин империясига асос солиши.
- Цин империясининг ташқи сиёсати. Афюн урушлари.
- Хитойда тайпинлар қўзғолони
- XIX-асрнинг бошларида Хитойда ижтимоий-иқтисодий аҳвол
- «Синхай инқилоби» ва манжурлар хокимиятининг ағдарилиши
- Биринчи жаҳон уруши йилларида Хитой

### Мавзуга оид муаммолар:

- Хитойнинг ижтимоий тузуми хақида гапиринг?
- Манжурлар династиясининг ички ва ташқи сиёсати қандай бўлган?

3. Тайпинлар ҳаракатининг мағлубияга учраши сабаблари ?
4. Синхай инқилоби ва тарихий аҳамиятини айтинг?
5. Биринчи жаҳон уруши йилларида Хитойнинг иқтисодий ҳолатини ёритиб беринг?

### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

XVII-асрнинг ўрталарида Хитойнинг иқтисодий ахволи, Тайпинлар ҳаракати, Синхай инқилобининг аҳамияти ва Биринчи жаҳон уруши йилларида Хитойнинг иқтисодий ҳолати тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Хитойда XVII- асрда манжур хукмдорларининг цин империясига асос солиши.
2. Янги даврда Хитойдаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
3. Хитойнинг тараққиёт даражасини таҳлил қиласи ва шарҳлайди.
4. Хитойнинг маданияти.

### **1-саволнинг баёни\***

Хитой жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири бўлиб, қадим замонлардан бу ерда чой етиштириш, ипак курти боқиши, шойи газлама заргарлик буюмлари, чинни, ўсимликлардан олинадиган бўёклар ишлаб чикириш юксак даражада ривожланган.

XVII-асрнинг биринчи ярмида Хитой манжур қабилалари билан узоқ вақт давомида уруш олиб борди, ўз навбатида дехқонлар ҳам махаллий бойларга қарши бош кўтардилар. Дехқонлар қўзголонидан талvasага тушган Хитой феодаллари Манжур суворийларига Пекин дарвозаларини очиб бердилар ва улар ёрдамида қўзголонни бостиurmокчи бўлдилар. Ана шу хоинлик туфайли манжур феодаллари 1644 йилда Пекинда ҳокимиятни қўлга олдилар. Улар юқори ҳарбий лавозимларни, серҳосил унумдор ерларни эгаллаб аҳолидан турли солиқлар ундира бошладилар.

Давлат тепасида манжурларнинг Цин суоласига мансуб, чекланмаган мутлақ ҳокимиятга эга бўлган бодихонлар турар эдилар. Хитойнинг

манжурлар томонидан босиб олиниши ўзок вақт давом этиб, ҳар кандай халқ қўзғолонлари қаттиқкуллик билан бостириларди.

Цин сулоласи хукмронлиги даврида Хитойда ижтимоий ва давлат сиёсати соҳасида деярли ўзгаришлар руй бермади. Ишланадиган ерларнинг катта кисми ер эгаларига тегишли бўлиб ,дехқонлар ерга бириткирилган хамда улар хосилнинг тенг ярмини помешчикларга беришлари ва бошқа қўшимча мажбуриятларни бажаришлари шарт эди.

Цин империяси кучли ва мустақил давлатлигича қолиб, қўшни давлатлар ва мамлакатларга нисбатан устунликни даъво қиласар , халқ онгига хитой дунёнинг маркази ва унинг атрофидагилар унга буйсиниш керак деган фикр зўр бериб сингдириларди.

Мин сулоласи ўрнига келган Цин империяси хукмдорлари ичida император Канси олиб борган сиёsat диққатга сазовор. У саккиз ёшлигигаёк тахтга ўтириб мамлакатни (1661-1722) йиллар давомида бошқарди. Канси Конфуций таълимотини қўллаб қувватлади ва Мин сулоласи давридаги энг яхши анъаналарни. давом эттируди. Ўз навбатида бошқа динларга нисбатан хайриҳоҳлик билди. Саноат ,санъат ,адабиёт ва маориф ривожланди. Илгаридек чиннисозлик кенг тарқалди. Китобларни рангли буёқлар асосида чоп этиш кашф этилди, гравюра санъати ўзлаштирилди.

Цин империяси хукмронларининг бошқарув санъати сирларидан бири шунда эдики, улар хитой маданиятини пухта ўзлаштириб ,унинг илғор анъаналарини давом эттирилар. Кансининг ўзи ҳам уз замонининг етук шахси бўлиб, ҳарбий соҳада, илм-фан, маориф, адабиёт соҳаларида катта муваффақиятларга эришди. Кансининг фармонига кўра Хитой тилининг кўп жилдли луғавий тўплами тузилди. Бу тўплам ҳозиргача ўз қимматини йуқотмаган.

Канси ташаббуси билан яна бир асар яратилди.У бир неча юз жилдан иборат, безакли қомусий китоб бўлиб, унда барча фанларга тегишли маълумотлар мавжуд.

Учинчи нодир асарда Хитой мумтоз адабиёти шоирлари, ёзувчилари, олимлари қаламига мансуб машхур ибораларнинг, мазмунни кенг ёритилган. Кансилинг адабий мероси бекиёс ,у ҳаётнинг турли жабҳаларини ривожлантириб Хитой тарихида ўчмас из қолдирди.

Цин империяси чегаралари Россия подшолиги ерлари каби кенгайиб борди. 1689 йилда Рус қўшинлари ва Цин армияси Амур дарёси водийсида тўқнашдилар .Бу тўқнашувда хитойликлар русларни мағлубиятга учратдилар. Цин сулоласининг қўшинлари Бирма ва Ветнамга бир неча марта бостириб кирди. XVII аср охирларида Цин сулоласи Мўғулистанни босиб олди ва ўзига буйсундирди.

XVIII аср ўрталарида Цин қўшинлари Мўғулистаннинг ғарбидаги Жунгория давлатига ҳужум қилди. Миллионга яқин аҳоли қириб ташланди, уларнинг бир қисмини Россия ҳудудига ўтиб кетдилар.

1757 йилда шундай фармойиш чиқарилдики у моҳиятан Хитойни бошқа мамлакатлардан, аввало ғарбий Европа давлатларидан ажратиб қуиши сиёсатининг бошланиши эди. Бунинг асосий сабаби европалик сайёҳлар, савдогарларнинг Хитойда ўзбошимчалик қилиб ерли аҳолини менсимаслиги ва босқинчилик харакатларини таргиб килишларида эди. Бу сиёсатнинг заарли томони шундай эдики, мамлакатда ички биқиқлик ҳукум сурган ҳолда Хитойни дунёда ўз ўзини яккалаб кўйишга олиб келди.

## **2-саволнинг баёни\***

Инглиз савдогарлари Хитойга Ҳиндистондан ғайриқонуний равишда афюн олиб кела бошладилар. Хитой маъмурлари афюн ортилган карвонларини мусодора қилганига жавобан инглиз ҳукумати афюнни, айниқса газламаларни Хитойга олиб киришни қонунлаштириш учун Хитойга қарши «афюн уруши» ни бошлаб юборди.

Биринчи «афюн уруши» (1840-1842) давомида инглизлар флоти ва қўшини Хитойга жанубий шарқ томонидан ҳужум бошлаб Кантонга ўт куйдилар. Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан қолоқлиги

мағлубиятга сабабчи бўлди. Ўқ, ёй, найзалар билан инглизларнинг кўплаб тўплар ўрнатилган фрегатлари ҳамда энг янги ўт очиш қуроллари билан таъминланган қўшинлари ҳужумларини қайтариб бўлмас эди.

Англия Гонконг оролини босиб олди ва Хитойни чет Эл савдогарлари учун бир катор бандаргоҳларни очиб қуиши ҳақидаги нотенг шартномани имзолашга мажбур этди. Хитойга афюннинг олиб кирилишини тан олмасада амалда бунга йул қуиди.

1856-1860 йилларда Янги, иккинчи «афюн уруши» руй берди. Хитой инглиз ва француздар бирлашган қўшинларнинг кақшатқич зарбаларига учради. Улар Пекин бўсағаларида жуда бой хазиналарга эга бўлган император ёзги саройини таладилар ва вайрон килдилар. Мустамлакачилар Хитойни Янги нотенг шартномалар тузишга мажбур этдилар. Чет элликлар учун яна бошқа бандаргоҳларда хам савдо олиб боришга рухсат этилди ва янги имтиёзлар берилди. Хитой ҳудудида инглиз ва француз фуқаролари Хитой қонунлари ва судига буйсунишдан озод қилиндилар. Агар улар жиноят қилсалар ўз давлатларининг қонунларига биноан суд қилинадиган бўлди. Денгиз савдосида устунликни эгаллаган Англия Хитойда ҳаммадан кўпроқ имтиёзлардан фойдаланаарди. Денгиз соҳилидаги катта шаҳарларда маҳсус вужудга келтирилган маҳаллаларда факат ажнабийлар яшар, Хитой маъмурлари эса бу ерларга кира олмас эдилар.

Цин хукуматининг чет эл босқинчилигини даъф эта олмаслиги ҳокимиятининг заифлашувига сабаб бўлди. Ўз навбатида тузилган нотенг шартномалар натижасида Хитой бозорларида чет эл товарлари қўпайиб, хитой ҳунармандларининг хонавайрон бўлишига олиб келди.

### **3-саволнинг баёни\***

Ана шундай бир шароитда Хитойда қудратли дехқонлар уруши аланга олди. Бу уруш 1850 йилда Хитойнинг жануби Кантонда бошланди. Кузғолончиларга дехқоннинг ўғли, мактаб ўқитувчиси Хун Суютсюон

бошчилик килди. У ялпи тенглик ғоясини тарғиб қилди ва «Ялпи фаровонлик самовий давлати » ни тузишга даъват этди. Шундан келиб чиқиб дехқонлар урушининг қатнашчилари тайпинлар деб аталди.

Тайпин - дехқонлар тузган кучли армия Хитойнинг марказий вилоятларига йул олди. Озод килинган районлар ахолисининг ёрдамида қўзғолончилар Янцзи дарёсига етиб бордилар. Улар қўрол-яроғ омборларини ва тўпларини қўлга тушириб, катта ҳудудларини эгалладилар. Нанкин шаҳри Тайпин давлатининг пойтахти, Хун Суюсюан эса унинг императори бўлди. Тайпинлар дехқонлардан олинадиган солиқларни ва ижара хақини камайтирдилар, камбағалларнинг қарз мажбуриятларини бекор килдилар .Бойлардан давлат хазинасига ўлпон ундириб олдилар меҳнат қилиш барча учун мажбурий деб эълон қилинди.

Тайпинлар барчанинг тенглигига интилиб, хотин-қизларнинг тенг хуқуқли эканлигини эътироф этдилар. Қайлиқ сотиб олиш, кизларнинг оёғини бутун умрга ногирон қилиб қўядиган баъзи бир ваҳшиёна урф-одатлар тақиқланди. Илгари бундай одатлар бадавлатлик белгиси бўлиб, бадавлат оиласдан чиққан аёлларга ишламаслик имконини берарди.

Аммо Тайпинлар кўп нарсаларга ибтидоий тенглик назари билан қараб , ҳаётни тор доирада тушунар эдилар. Дехқонлар жамао бўлиб яшашлари, жамоада «ҳеч бир нарсада тенгсизлик бўлмаслиги учун, ҳамма тўқ ва кийими буд бўлиши учун, ерга эга бўлган ҳолда унда биргаликда ишлаш, овқатни биргаликда истеъмол қилиш , кийим кечак бўлганида уларни баравар тақсимлаш, пул бўлганида уни биргаликда сарфлаш лозим» эди. Шу сабабли Тайпинларнинг келажакдаги тузум хақидаги тасаввурлари ҳаёлий ва хато ғоялардан иборат эди.

Тайпин давлатидаги ҳамда жамоадаги камбағалликга асосланган ялпи тенглик ва ҳарбий интизом бу тузумни узоқ сақлаб қола олмас эди, чунки бу таълимот ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига катта тўскинлик килар эди.

Тайпин раҳбарлари орасида аста-секин низолар юзага келди, дехқонлар ўртасида ҳам сансоларлик ва умидсизлик кайфиятлари пайдо бўла борди, бу эса манжур маъмурларига тайпинларни мағлуб этишга туртки берди. Боғдихон армияси кўч тўплаб хужумга ўтди, унга инглиз, француз ва АҚШ куролли отрядлари ҳал қилувчи ёрдам кўрсатдилар. Тайпинлар жон-жаҳдлари билан ҳимояга туришди. Дехқонларнинг атоқли йул бошчиси Ли Сючен айниқса шуҳрат қозонди. У интервентларнинг қўшинлари харакат килаётган ҳал қилувчи жангларда жасорат кўрсатди.

Аммо кучлар нисбати teng эмас эди. 1864 йилда манжурлар хукумати қўшинлари Нанкинни ишғол килдилар. Голиблар шаҳарнинг юз мингдан ортиқ ҳимоячиларни қиличдан ўтказдилар. Хун Суюсюан ўзини-ўзи ўлдирди. Ли Сючен эса қўлга олиниб, қаттиқ қийноқлардан кейин қатл этилди. Тайпинлар қўзғолони бостирилгандан кейин чет эл босқинчилари Цин сулоласини қўллашни давом эттирилдилар ва айни пайтда ундан янги-янги ён беришларга эришдилар. Тайпинлар қўзғолони Ҳиндистондаги 1857-1859 йиллардаги қўзғолон каби мустамлакачиларни даҳшатга келтириди.

#### **4-саволнинг баёни\***

XIX- асрнинг охирида Хитой қолоқ, ярим феодал давлат бўлиб, уни манжур сулоласига мансуб императорлар бошқардилар. Ернинг асосий қисми заминдор бойлар қулида эди. Кўпчилик дехқонлар заминдорлардан ерни ижарага олар, ер хақини пул билан ёки ҳосил ҳисобидан тўлаб қутиларди. Пулга муҳтож бўлган Цин сулоласи чет эл давлатлар билан асоратли шартномалар тузар ва миллий манфаатларга хилоф равишда уларга «ён» берарди. 70 йиллардаёқ ажнабийлар Хитойнинг 26 портига bemolol кирадиган, Хитой портларида ўзларини ҳеч ким назарот килмайдиган ҳўжайинлардек иш юритардилар .

Хитойнинг Япония билан 1894-1895 йиллардаги урушда мағлубиятга учраши чет эллик манополистларнинг Хитойни янада кўпроқ талашлари

асаротга солишлирига сабаб бўлди. 1897 йилда немис босқинчилари Цзяочжоувань кўрфазини босиб олдилар ва Шандунъ вилоятини ўз таъсир доираларига киритдилар .Франция Цуамчжувань кўрфазини эгаллади ва Юнанъ вилоятида ҳукмронлик таъсирини ўтказа бошлади.Россия Порт-Артурни ,Англия Вэйхай портини босиб олди. Энг бой худуд -Янцзи дарё ҳавзаси Англияning таъсир доирасига тушиб қолди.

Боскинчилар томонидан Хитой миллий бойликларининг таланиши халқ оммасининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. 1897 йил кўплаб туманларда дехқонларнинг хўжайинларга қарши ғалаёнлари бошланди, бу ғалаёнлар 1898-1899 йилларда мамлакатнинг турли вилоятларига тарқалди.

XIX- асрнинг охирида Хитойда илк саноат мунособатлари пайдо була бошлади. Эски ер мулкчилиги тизимининг емирилиши тезлашди. 1872 йилда Ли Хунчжан йирик пароход компаниясини ташкил килди. 1878 йилда кайлан кўмир бошқармаси тузилди. 1881 йилда шимолий Хитойда биринчи темир йўл ишга туширилди. 1895 йилда Шанхайдаги йирик тўқимачилик фабрикаси ишга туширилди. 1897 йилда Хитойда 600 га якин чет эл фирмалари мавжуд эди.

Хитойнинг Франция билан урушда енгилганидан фойдаланган англия 1886 йил 1 январда бирмага қарши уруш эълон килди. Тез орада Бирма Англия мустамлакасига айланди. Япония Хитойга нисбатан босқинчилик режаларини амалга ошишга киришди. 1872 йилда Рюкю оролини 1874 йилда Тайванини босиб олишга ҳаракат қилди. Тайвандаги урушда АҚШ ҳарбий кучлари иштирок этгани учун бу орол Америкалик савдо-саноатчилар учун «очик» деб эълон килинди.

1898 йил 21 сентябрда ислоҳотчилар душмани Циси бошлиқ тўда давлат тўнтариши қилиб барча ислоҳотларни бекор қилди. Император Туан Сюй қамаб қўйилиб, иродасиз «қўғирчоқ» подшога айлантирилди. Хитойда бу даврдаги ижтимоий ҳаракатда «Ихэтуюан» яширин ташкилотининг ўрни катта бўлди. Бу ташкилот тарихи XVIII-асрга, Хитойни манжурлар босиб

олган даврга бориб тақалади. «Ихэтуан»лар «Манжур Цинларини ҳайдаб чиқарамиз, чет элликларни йўқотамиз» шиори остида иш курдилар.

АҚШ манополистлари 90 йилларда Хитойга бостириб киришни ўзларига асосий мақсад қилиб олдилар. АҚШ давлат котиби Хейнинг Англия, Германия, Россия, Япония, Франция ва Италияга юборилган бир мазмундаги ноталарида тарғиб килинган «очик эшиклар ва тенг имкониятлар» сиёсатига ана шу ғоя асос қилиб олинди ҳамда «Хей доктринаси» номини олди.

XX-аср бошларида Хитойда ижтимоий зиддиятлар қўчайиб кетди. Манжурларнинг Цин сулоласи хукмронлиги инқирозга юз тутди. 1904-1905 йиллардаги рус-япон уруши ҳамда дунёдаги инқилобчилик ҳаракат Хитойга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

### **5-саволнинг баёни\***

1905-1906 йиллар Хитойда ижтимоий ҳаракат янада кучайди. Конституция яратишга уринишлар бўлди. Цин сулоласини сақлаб конституцион монархия хукуматини тузиш режалари ишланди. Сун Ян Сен ташкилоти конституциявий монархия хақидаги фикрларни қоралади. Цин сулоласини умуман йуқотиб, Республикаси тузиш талаби куйилди. Бу чақириқлар Манжурларга қарши ҳаракатни янада кучайтириди. Бу ҳаракат айниқса 1911 йилда чет элликлардан Ханъкоу Сичуан, Ханъкоу-Гуанчжоу темир йўллари қурилиши учун қарз олиш хақида битим тузилгач қуролли қаршилик кескин тус олди.

Сичуандада бу ҳаракат авжига чиқди. Ҳукумат қушинлари қўзғолончиларни ўққа тутди. Бу воқеа мамлакатда норозичиликни кучайтириди.

Хитойдаги ижтимоий ҳаракат Манжурлар ҳокимиятини тугатиш мақсадлари билан «Синхай инқилоби» номли воқеаларга уланиб кетди.

Манжур маъмуриятининг қўзғолон ҳаракати вакилларини қидириш, тутиб қатл этиш каби чоралари халқнинг сабр-косасини тўлдирди. Учан

шахрида аскарлар ётоғини тинтүв қилишга кирган манжур маъмурияти тарафдорларини аскарлар тутиб ўлдирдилар. Қурол-аслаҳа омборини босиб олдилар. Бошқа қўшин қисмлари ҳам уларга қўшилди. Инқилобчилар 11-октябрда Учанни тўла қўлга киритдилар. Улар Республика ҳукуматини туздилар ва барча Хитой вилоятларини Республика атрофида бирлашишга чақирдилар.

Манжур сулоласи ҳукмронлиги тугатилгани эълон қилинди. Хунань, Шэнси, Цзянсу, Чжэцзян Фуцзянь, Гуайдун, Гуанси, Гуйчжоу, Юнань, Шанхай Шаньдунь ва бошқа вилоятлар ҳам Манжур сулоласи итоатидан чиқдилар. Шундай қилиб, «Синхай инқилоби» қуролли қўзғолон йўли билан Хитойда XVI асрдан бошлаб ҳукмронлик қилган Манжурлар ҳокимиятини ағдариб ташлади.

Иқтисодчи демократ *Сун Ят Сен* (1866-1925йиллар) Хитойдаги миллий озодлик харакатининг атоқли арбоби эди. У Гуанчжоу (Кантон) якинида дехкон оиласида таваллуд топди. Сун Ят Сен 90-йилларда Гангконгда (Сянган) инглиз тиббиёт институтини тамомлади. Кейинги хаётини сиёсий соҳа билан боғлади.

Сун Ят Сен 1905 йилда «Хитой уюшмалари иттифоқи» (Тунминхай) деган сиёсий ташкилот тузди. Йирик шаҳарларда бу ташкилотнинг бўлимлари очилди. Бу иттифоқ 1905 йил ноябрида «Минбоу» (халк газетаси)ни чиқара бошлади.

«Иттифоқ» Сун Ят Сен бошчилигига кенг дастур кабул қилди. Дастурда Цин монархиясини ағдариб ташлаш, Хитойда Республика таъсис этиш ва ерга эгалик ҳуқуқини тенглаштириш, мустақилликни тиклаш, миллатпарварлик, демократия ва халқ фаровонлиги талаб этилган эди. Сун Ят Сенning agrar дастури ер олишга «ташна» бўлган дехқонлар орзу ниятларини ифода этарди.

Сун Ят Сен ижтимоий жиҳатдан суст тарақкий этган Хитойда ерга эгалик килиш ҳуқуқини тенглаштириш йули билан ижтимоий адолатли

тизим яратиш мумкин, деган фикрда эди. 1911-йил охирига келиб, Хитойнинг барча жанубий ва марказий вилоятлари қўзголончиларнинг таъсирида эди. 1911-йил 25 -декабрда кўп йиллик мухожирлиқдан сунг Сун Ян Сен Хитойга қайтиб келди. Уни Хитой халқи ўта хурсандчилик кутиб олди. Бундан Сун Ят Сенниг хам боши кўкка етди. 1911-йил 29-декабрда Нанкин шахрида инкилобий вилоятлар вакилларидан иборат Миллат мажлиси тўпланди. Миллат мажлиси Хитойни Республика деб эълон қилди ва муҳожирлиқдан қайтиб келган Сун Ят Сенни Хитой Республикасининг вактинча президенти қилиб сайладилар. 1912- йил 1 январдан Сун Ят Сен ўз Президентлик вазифасини бажаришга киришди. Миллат мажлиси вақтинча қабул қилган конституцияда барча фуқароларнинг тенглиги ва турли демократик эркинликлар эълон қилинсада, дехқонларни орзу тилакларни ифода этувчи «Ерга эгалик қилишда тенг хукуқли бўлиш» шиори конституцияда ҳам, миллат мажлисининг қурган чора-тадбирларида ҳам ўз аксини топмади. Лекин дехқонлар ўзларича ташабус қўрсатиб, помешчекларга ижара хақи тўлашдан бош тортдилар. Чунки кўпчилик вилоятларнинг раҳбарлари инқилобчи демократлар эмас, балки лебирал кайфиятдаги помешчиклар ва буржуазия вакиллари эди. Улар «Бирлашган иттифоқ»га кириб, унинг қарорларини бажармай катта салбий таъсир қўрсатдилар. Бундан ташқари Сун Ят Сенниг кўплаб содик сафдошлари ҳам лебираллар томонига ўтиб кетишли. Сун Ят Сенниг ўзи ҳам уларнинг тазики билан ўз дастурининг асосий бандидан - «Ерга эгалик қилишда тенг хукуқли бўлиш» талабидан воз кечди.

XX аср боларида Хитойда ижтимоий зиддиятлар кучайиб кетди. **Манжурларнинг Цин сулоласи хукмронлиги инқизотга юз** тутди. Шошилинч қўрилган ислоҳот чоралари жамият аҳволини тубдан яҳшиламади.Хитойда саноат тараққиёти билан унга тўсиқка айланган ер

мулкчилигига хос қолоқ ишлаб чиқариш муносабатлар ўртасида зиддият чуқурлашмокда эди. Омма орасида эса манжурлар бошқарувига қарши ҳаракат кучайиб кетди. 1904-1905 йиллардаги рус-япон уруши, дунёдаги инқилобчилик ҳаракати Хитойга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Лекин бу ҳаракат Хитойнинг ўзида «сиқиб» ташланган эди. Хорижий давлатлар Хитойда ўз мавқеиларини мустаҳкамлаб олдилар. Чет эл капитали кўпайди. Чет элликлар Хитойдан жуда катта фойда олдилар. Хитой бозорлари чет эл моллари билан тўлиб тошиб кетди.

Хитой миллий саноати савдоси ривожланиши анча орқада қолди. Шундай бўлсада XX асрнинг биринчи ўн йиллигида 386 та фабрика, шахта, конлар ишга туширилди. Ҳар йили 50 тадан корхона ишга тушириларди. Экспорт 1901 йилдан 1911 йилгача 122 млн доллардан 245 мли долларга ўсди. Чет эл капитали 750 млн доллардан 1650 млн долларга кўпайди. 1900 йилдан 1913 йилгача хориж фирмалари сони ошиб 2400 га етди. Хорижий давлатлар ичida айниқса Англия товар айрибошлашда биринчи ўринда турар эди. 1914 йилга келиб Хитой хорижий давлатлардан 835 млн доллар қарз бўлиб қолди. Хали ишчилар синфи катта кучга айланмаган бўлса ҳам унга аъзолар сони тобора усиб борди. Кишлокларда дехқонлар Феодаллар зулми остида жафо чекардилар.

## **6-саволнинг баёни\***

**Бошланиб кетган биринчи жаҳон уруши** (1914-1918 йиллар) Хитойнинг Японияга қарамлигини кучайтирди. Бунинг устига Юан Шикайнинг халқи сиёсати Хитойда катор кузғолонларга сабаб булди. Чунки Юан Шикай императорлик тожини кийиб Хитойда подшолик тузимини ўрнатишни ўйлаб кўйган эди.

Мамлакатда террорнинг кучайиши Юан Шикай нинг кимлигини ошкор этди. Аксилинкилобнинг ғалабасидан руҳланган Юан Шикай ўзини ривожланган хорижий давлатлар қўллаб-қувватлаши учун ҳаракат бошлаб

юборди. Унинг диктатура ўрнатишга бўлган биринчи қадами парламентни тарқатиб юбориш бўлди. Сўнгра миллат мажлисига пўписа қилиб ўзини беш йил муддатга президент қилиб сайлашга мажбур қилди. Апрелда Юан Шикай ривожланган монополистик давлатлар билан янги асоратли қарзи тўғрисида шартнома имзолади. Шундан сўнг хорижий давлатлар Хитой республикасини тан олганликларини маълум қилдилар. Хитойнинг иқтисодий ахволи оғирлашди Сун Ят Сен хитой халқини кўзғолон бошлашга унади. 1913 йилниг ёзида Хитойнинг жанубида Ҳукуматнинг реакцион сиёсатига қарши «иккинчи инқилоби» деб номланган кўзғолон бошланиб кетди. Кўзғолонга Сун Ят Сен бошчилик қилди. Кейинчалик кучлар teng бўлмаганлиги ва кўзғолончиларнинг замонавий қуроллар билан тъминланмаганликлари туфайли «иккинчи инқилоб» ҳаракати тор-мор этилди.

Юқоридаги воқеалардан келиб чиқсан ҳолда қуйидагича Хулоса келтиришимиз мумкин. Хитой халқи ўзларининг ижтимоий- иқтисодий, майший, сиёсий хуқуқлар tengлиги ва эркинлиги учун мунтазам равища курашда бўлганлар ва унга эришганлар.

### **3-МАВЗУ: XVII-XVIII АСРЛАРДА ҲИНДИСТОН**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>Бобурийлар даврида Ҳиндистоннинг ижтимоий ахволи тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати тўғрисида талабаларга тушунча бериш.</p> <p>Сипохийлар кўзғолони ва оқибатлари ҳақида маълумот бериш.</p> <p>XIX асрнинг 70-80 йилларида Ҳиндистонда халқ қўғалони ва унинг оқибатларини ёритиб бериш.</p>	Ўқитувчи

	<p>Ҳиндистонда миллий конгресснинг тузилиши ва аҳамияти хақида талабаларга тушунтириш.</p> <p>Тилак бошчилигида Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши хақида маълумот бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Ҳиндистондаги иқтисодий аҳволни ёритиб беради.</p> <p>Бобурийларнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида маълумот беради.</p> <p>Сипоҳийлар ҳарбий тайёргарлингини мазмун моҳиятини таҳлил қиласи.</p> <p>XIX асрнинг 70-80 йилларида Ҳиндистонда халқ қўғалонларининг бўлишига сабаб бўлган омиллари хақида маълумот беради.</p> <p>Ҳиндистонда миллий конгресснинг фаолиятининг шарҳлайди.</p> <p>Ҳиндистонда Тилак бошчилигидаги озодлик ҳаракатини тушунтиради.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Ҳиндистон, Аврангзеб, Свараж, Свадеши, Сипоҳий, Бомбей, Тилак, Конгресс.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b></p> <p>Гурӯхларда</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b></p> <p>маъруза, дебат, баҳс, ақлий ҳужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p> <p>Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	
2.	<p><b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Мавзу эълон қилинади.</li> <li>-Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</li> </ul>	Ўқитувчи
3.	<p><b>Гурӯхда ишлаш босқичи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Талабаларга муаммоли савол беради.</li> <li>-Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</li> <li>-Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</li> <li>-Умумий хуносага келинади.</li> </ul>	Ўқитувчи талаба
4.	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Ҳиндистоннинг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг?</li> <li>- Ҳиндистонда мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди?</li> <li>-Бобурийлар давлати хақида гапириб беринг?</li> <li>- Бобурийлар давлатининг қулашига сабаб нима?</li> <li>- Ҳиндистон миллий конгресси хақида гапириб беринг?</li> <li>- Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатлари авж олиши сабабини айтинг?</li> </ul>	Ўқитувчи

5.	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ҳиндистон тарихида Бобурийлар 332 йил давлатни бошқарган.</li> <li>-XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати.</li> <li>- Ҳиндистонда Сипохийлар қўзғолони.</li> <li>- Ҳиндистонда Тилак бошчилигидаги озодлик ҳаракатини тушуниради.</li> <li>- Ҳиндистонда миллий конгресснинг фаолиятининг шарҳлайди.</li> </ul>	<b>Ўқитувчи</b>
----	--	-----------------

## **Ажратилган вакт – 2 соат**

### **Асосий саволлар:**

1. Бобурийлар даврида Ҳиндистон
2. XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати
3. Сипохийлар қўзғолони.
4. XIX асрнинг 70-80 йилларида Ҳиндистонда халқ қўғалони.
5. Ҳиндистонда миллий конгресснинг тузилиши.
6. Тилак бошчилигига Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши.

### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

Бобурийлар даврида Ҳиндистондаги ижтимоий- иқтисодий ахвол ва Ҳиндистоннинг ички ва ташқи сиёсати, XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати, Сипохийлар қўзғолони ва унинг аҳамияти, XIX асрнинг 70-80 йилларида Ҳиндистонда халқ қўғалонлари тўғрисида ва Ҳиндистонда миллий конгресснинг тузилиши ҳамда Тилак бошчилигига Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Ҳиндистонда XVI- асрда Бобурийлар империясига асос солиши.
2. Янги даврда Ҳиндистондаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
3. Ҳиндистоннинг маданияти.

## **1-саволнинг баёни\***

Ҳиндистонда Акбар даврида ўзига ҳос ривожланишлар бўлган бўлса, Аврангзеб олиб борган сиёсат кўплаб душманларнинг империяга қарши бош кўтаришларига сабаб бўлди. Аврангзеб

хукмронлигдан кейин империянинг қулаши янада жадаллашди. Хинд ҳалқида империяга қарши миллий адоват, ўз динини ҳимоя қилиш ғоялари тобора ошиб борди Хинд ҳалқларидан маратхлар ва сикхлар ана шу миллийликка асосланган кураш тепасида турдилар.

Бобурийлар империяси ларзага келиб турган вақтда Хинди斯顿нинг ғарбида маратхлар ўзларининг миллий давлатини туздилар. Бу курашнииг етакчиси Шивожи эди. Шивожи курашга бошчилик қилди ҳамда Бобурийлар империясининг кураши учун замин тайёрлади.

Бобурийлар сулоласи Акбар даврида ўзининг энг гуллаган ва юксак даражадаги ривожланиш даврини бошидан кечирган бўлса, Аврангзеб даврида бу империянинг инқирозга учраш белгилари яққол намоён бўдди. Аврангзебнинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати қарама қаршиликлардан иборат зди, У қадимги ҳинд ёдгорликларини бузиш ҳинд диндорларига солиқ солиш, ҳинд миллатига мансуб бўлган амалдорларни ишдан четлатиш сиёсатини юргизиб, кўплаб ерли аҳолини ўзига қарши килиб империянинг қулашини тезлаштириди. Ўз навбатида Аврангзеб Жанубий Хинди斯顿да жойлашган ва халигача империя таркибига кирмаган ҳудудлар рожаларига қарши уруш олиб борди ва уларнинг бир қанчаларини тобе этишга муваффақ бўлди,

## **2-саволнинг баёни\***

XVII-XVIII асрларда ички савдо ривожланди, ҳунармандчилик ва савдо марказлари вужудга келди, шаҳарларнинг роли бир мунча ошди. Аммо эскича муносабатлар, Хинди斯顿 давлати бошидан кечираётган тарқоқлик, ўзаро урушлар, диний низолар Европа мустамлакачилари

учун жуда қўл келди. Англия ва Франция ўртасидаги етти йиллик уруш (1756-1763). Австрия тахти учун яъни ворислиги учун бўлган кураш ўз навбатида Ҳиндистон учун ҳам бўлган эди. Бу урушда денгиз ҳукмронлиги узил-кесил Англия қўлига ўтди, чунки саноат, ҳарбий ва кемасозлик масалаларида Англия Францияга нисбатан анча устун эди. 1757 йида инглизлар Бенгалияни бўйсундириб, у ердан Французларни ҳайдаб чиқардилар. Ҳиндистоннинг Англия томонидан истило қилиниши XIX асрнинг ўрталаригача давом этди.

Ҳиндистон кимнинг қўлида бўлса ўша давлат дунёга ҳукмрон бўлади деб бежиз айтмаган эди Наполеон Бонапарт. XVIII аср охири ва XIX аср давомида Англия дунёда мустамлакачилик соҳасида етакчи ўринни эгаллади ва жуда катта бойлик орттиришга муваффақ бўлди Уларнинг катта улушини Ҳиндистоннинг табиий бойликлари ташкил этар эди.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Ҳиндистонда инглиз молларини сотиш кўпайди. Мустамлакачилик Ҳиндистон қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар келтирди, чунки инглизлар ер эгалигини мустаҳкамлаш учун зўр бериб уринмоқда эдилар. Қишлоқ хўжалигининг орқада қолиши вужудга келаётган маҳаллий саноатни ҳам тушкунликка олиб келди.

Ҳиндистондан хом-ашё сифатида олиб кетилган пахта Англия саноатида қайта ишланиб, тайёрланган газламалар Ҳиндистонда сотилар эди. Бу газламалар ва бошқа Англия саноат моллари билан рақобатда Ҳиндистон ҳунармандчилик матолари дош бера олмасдан касодга учрас ҳамда ҳинд ҳунармандлари ҳонавайрон бўлар эди. Қишлоқларда эса инглиз мустамлакачиларининг олиб борган сиёсати натижасида дехқонлар ўз ерларини ташлаб кетишга, бошдан-оёқ

қарзга ботиб, ўз ерларини гаровга қўйишга мажбур эдилар. Қишлоқлардан чиққан ерсизлар шаҳардаги ишсизлар армиясини тўлдириб кўплаб ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарар эдиларки, улар жамиятни тез-тез ларзага солиб турар эди.

### **3-саволнинг баёни\***

1857-1859 йилларда бўлган қўзғолон Ҳиндистоннинг катта қисмини қамраб олди. Олдинига тўплар ва милтиқлар билан қуролланган 60 минг сипоҳийлар қўзғолон кўтардилар» Бу қўзғолонга Шимолий ва Марказий Ҳиндистоннинг дехқонлари ва ҳунармандлари қўшилдилар. Уларни ўз ерларидан, мулкларидан маҳрум бўлган ҳинд рожалари ва ер эгалари қўллаб қувватладилар.

Дастлабки пайтларда қўзғолон муваффақиятли ривожланди. Қўзғолончилар Дехли ва бошқа шаҳарларни эгалладилар. Янги озод қилинган мавзеларда янги тартиб ўрнатилди: айрим соликлар бекор қилинди, солиқ тўплашда ўз амалини суиъstemол қилувчиларга, давлат хазинасини талон-тарож қилувчиларга қарши кескин чоралар кўрилди. Бу миллий истиқлол учун олиб борилган қўзғолон инглизларни ваҳимага солди, чунки Ҳиндистон тарихида чет эл босқинчиларига қарши бундай қўзғолон бўлган эмас эди.

Англия ҳукумати тезда кўплаб тўп ва пароходлар, қўшимча кучлар ажратиб уларни қўзғолонни бостиришга ташлади. Бу тўп ва кўрол-яроғлар Ҳиндистон ярим оролида филларга ортилиб қўзғолон марказларига ташланди. Кўзғолончиларнинг тарқоқлиги рожа ва помешчикларнинг хоинлиги туфайли омад инглизларга боқа

бошлади. Деҳли кўчаларида даҳшатли жанглар бўлиб ўтди, инглиз қўшинлари шаҳарни қамал қилиб уни ҳамла билан қўлга киритдилар, Кўзғолонни бостиришда инглизлар даҳшатли ваҳшийликларни қилдилар. Инглиз аскарлари на хотинларн, на болаларни ва на кексаларни аяшди. Улар асир тушганларни бир жойга тўплаб, оломон олдида тўп оғзига боғладилар ва тўпдан ўқ отиб парча-парча қилиб ташладилар. Кўзғолон мағлубиятга учраган бўлсада, аммо инглизлар ўз тинчликлари йўлида ҳукмронликларни мустаҳкамлаш учун баъзи ислохотларни ўтказишга мажбур бўлдилар. Помешчикларнинг ўлпонлари, ўзбошимча йифимлар таъқиқланди, Рожаларнинг ўз ерларига ўzlари эгалиги даҳлсиз деб эълон қилинди.

#### **4-саволнинг баёни\***

XIX асрнинг 70-90 йилларида Ҳиндистонда кўплаб саноат корхоналарини қурила бошланди. 1886 йилда пахтачилик саноати билан ишлайдиган фабрикалар сони 95 та эди. Бу фабрикаларда 74 минг киши ишчи ишлар эди. 1900 йилларга бориб кўмир қазиб чиқариш тез ўсида айниқса, темир йўл қурилишига катта эътибор берилди. Темир йўлнинг узунлиги 1860 йил 1300 км 1880 йилга бориб 14745 км 1900 йилга бориб 39835 км етказилди. Бундай катта саноат Англия ҳукумати монополистлари томонидан қурилган эди. Бундай темир йўл узелларининг қурилиши кўплаб Ҳинд хомашёсини четга олиб чиқиш мақсадида қилинган эди. Бу қурилиш Ҳиндистонни Англияга батамом қарам қилиб куйишга олиб келди. Ҳиндистон саноатида Англия капитал танҳо ҳукмрон эди. XIX асрнинг 70-90 йилларига бориб Англияning бундай сиёсатига қарши Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракати кучайди. Англия монополистлари томонидан Ҳиндистон 600 князликка бўлинib кетган эди. Бу князликлар орасида анча иқтисодий илгарилиб кетган Бенгаллар, Маратхлар, гуджарлар, Тамиллар.

Айниқса денгиз қирғоқларидаги жойлашган Шаҳарлар иқтисодий томондан анча тараққий этган эди. булардан Калькутта, Бомбей, Мадрас, шаҳарлари шулар жумласидандир. Бу шаҳарларда ишчилар сони кўпайиб борди ишчиларнинг кўпайиши миллий озодлик ҳаракатининг кучайишига олиб келди.

XIX асрнинг 70-80 йилларида Бенгалия асосий уч йуналишга қаратилган эди. Булардан Кансерваторлар, Либераллар, Радикаллар эди. Радикаллардан бошқа барча сиёсий ташкилотлар Англия учун хизмат қилган эди. Радикал партияси бутун Ҳиндистон вилоятларига таъсир килди. Ниҳоят Ҳиндистонда миллий озодлик ҳаракати кучайиб халқ қўзғалонларига асос солди. XIX асрнинг 70-80 йилларига келиб Ҳиндистонда 30 дан ошиқ халқ кузгалони булиб утди. 1872 йил Панжобда инглиз ҳукуматига қарашли дехқонлар ҳаракати бўлди дехқонлар ҳаракатини бостириди. XIX асрнинг 80 йилларида Англичанларга қарши Панжоб вилоятининг дехқонлари ҳунармандлари бирлашиб курашдилар. Бу курашга дурадгор Баба Рам Сингх раҳбарлик қилди. У ярим ҳарбий ҳолатда қўшин тузди. Ҳаракат 1872 йил қуролли қўзғолон Панжоб вилоятидаги Малодхи қурғони ва Малеркотел шаҳрини қамал қилди. Қиска шиддатли жангдан кейин қўзғолончиларни мағлубиятга учратди. Қўзғолончилардан 70 кишини пушканинг оғзига боғлаб қуиб отиб ташлади. 1872-1873 йилларда Бенгалиянинг Папна хамда Богра районларида дехқонлар қўзғолон кўтардилар бу қўзғолон ниҳоятда қўрқинчли ва шиддатли бўлди қўзғолончиларнинг талаби солиқларни камайтириш Англия ҳукуматидан сўраган эди. Лекин бу қўзғолонни ҳам Англия ҳукумати бостирган эди. 1875 йилга келиб катта князликлардан бири Банодада кучли қўзғолон бўлди бу қўзғолон Англия ҳукуматига қарши қаратилган эди. 1876-1878 йилларда Ҳиндистоннинг жанубий-марказий қисмларида очарчилик бўлди. Бу очарчилик қўплаб халқнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди. 1878 йилда очарчилик давом этаётган бир

пайтда Бомбей ва Мадрас вилоятларида Англия хукумати туз солигини кучайтириди. Бунга қарши халқнинг кучли намойиши бўлди. 1879 йил марта Мадрасда стихияли қўзғолон бўлди. Қўзғолон 13 минг кв.ни қамраб олди. Унинг раҳбарлари Чендрия, Дхора ва Реддилар, эди. Улар бир йил партизанлар урушини олиб бордилар. Англичанлар бу қўзғолонни ҳам бостирилар. 1885 йилда Бомбей яқинидаги Броче шаҳарчасида қўзғолон кўтарилиди. Қўзғолон раҳбари Лакх эди. XIX асрнинг 70-80 йилларидағи қўзғолон ўрта аср характеридаги қўзғолон эди. У стихияли бўлиб, уюшмаган эди.

#### **5-саволнинг баёни\***

1885 йил декабр ойининг охирида Бомбейда Ҳиндистон буржуазиясининг ҳамда Либералларнинг бирлашган съезди бўлди. Бу съездда Ҳиндистон сиёсий партияси тузилди. Бу кейинчалик Калькуттада ҳам тузилди. Бу Ҳиндистонда биринчи чақирилган конгресс эди. Бу конгрессга Инглизлар хушмуомилада бўлдилар. Конгресс раҳбари Ҳиндистоннинг Вице кироли Марк Дафферин эди. (1884-1888).

Миллий конгресснинг тузилиши Ҳинд ватанпарварларини бир стол атрофига бирлаштириди. У ўзининг газета журналларига эга бўлди. Ҳиндистон дәҳқонларининг тез-тез қўзғолон кўтариб туришлари Британия мустамлакаларини ташвишга солиб куйди. Мамлакатдаги бу ҳаракат буржуазияни ҳам чўчитиб куйди. Британия мустамлакачилари Ҳинд буржуазиясига бирмунча ён беришни мақбул деб топдилар. Улар Ҳиндистонда ўзларининг мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун Ҳинд буржуазияси билан ҳамкорлик қилишига қарор қилдилар. Шу сабабли Британия маъмурлари 1885 йилда Бомбейда буржуазия ва либерал кайфиятдаги помешчиклар вакилларининг съездини чақиришга руҳсат бердилар. Бу съездда биринчи умум Ҳиндистон сиёсий партияси тузилди ва бу партия умумий Ҳиндистон миллий конгресси номини олди. Инглиз маъмурлари буржуа партияси - миллий конгрессни етилиб келаётган миллий озодлик ҳаракатига қарама-қарши қўймоқчи бўлдилар. Ҳиндистон

Вице-Короли лорд Дафферсон бу тўғрида «Конгресс революциядан арzonга тушади» деб дангал гапирган эди. Вице-Корол хато қилмаган эди. Умум Ҳиндистон миллий конгресси талаблари дастлабки пайтларда жуда ҳам мўътадил эди. Бу талаблар Британия ҳукмронлигини сақлаб қолган ҳолда, баъзи реформалар ўтказишнигина кўзда тутарди. XIX асрнинг охирида умум Ҳиндистон миллий конгресси составига майда буржуа интелигенцияси кириши билан унга Тилак бошчилигига конгресс раҳбарлари сиёсатига қарши оппозиция вужудга келди, конгресс раҳбарлари инглиз империализми билан тил бириктириш йулини тутган эди.

## **6-саволнинг баёни\***

Тилак ва унинг тарафдорлари Ҳиндистонда инглизлар ҳукмронлигига қарши Ҳинд халқининг оммавий озодлик курашини пропаганда қилдилар. Ҳиндистонда мустамлакачиликнинг кучайиши халқни эзишига қашшоқланишига олиб келди. Миллий озодлик ҳаракатига Ҳиндистон халқининг оташин ватанпарвари демократ Бал Гангадхара Тилак (1856-1920)раҳбарлик қилди. Унинг келиб чиқиши Брахманлар оиласидан миллати маратхдир. У филолог тарихчи ва юридик илмий даражаларига эга эди. У ёшлик онлариданоқ ўз олдига ватанимга хизмат қиласидан деб айтган эди. 1880 йилда Тилак Махатхора номи билан бир ҳафталик газета чиқарди бу газета миллий озодлик ҳаракатида асосий ролни уйнади. Миллий конгрессда Тилак актив қатнашди. Кейинчалик конгресснинг раҳбари бўлиб қолди, Тилак мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришга тайёрланди. 1985 йил миллий озодлик ҳаракатининг «Крайни» деган қанотига раҳбарлик қилди. Тилак бутун асрлар буйи эзилиб келаётган Ҳинд халқини озодлик курашига чақирди. «Крайни»ни ташкилоти Англичанлар учун хавфли душман бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам 1897 йилда

Англичанлар Тилакни бир ярим йилга қамоққа ҳукм этди. Лекин Европадаги олимлар Ҳиндистондаги сиёсий кишилар гуноҳсиз Тилакни қамоқдан чиқишини талаб қилди. Тилак даврида Ҳиндистон халқи бирлашиб мустамлакачиларга қарши курашди. 1899-1905 йилларда Англия ҳукумати Ҳиндистонга янги Эхся сиёсатни қўллади. Бу сиёсатни Ҳиндистоннинг Вице-кроли Керзон қўллаб қувватлади (Лорд). Торш. 1898 йилда иқтисодий қонун чиқарди. Ҳинд рупияси урнига олтин пули ташкил қилди. Дунёдаги кумуш пулларнинг 25% Ҳиндистонда эди. Ҳиндистонда Керзон ҳукуматининг олиб борган бундай сиёсатига қарши халқ инқилобга тайёрлана бошлади. 1905 йилда Россиядаги биринчи Рус инқилоби Ҳиндистонга катта таъсир қилди. 1905 йилги рус ишчилари ҳаракати. Бутун Осиёни қамраб олди, жумладан Ҳиндистонни ҳам. Инқилоб таъсири натижасида Ҳинд ватанпарварлари ўзларининг матбуотларини чиқара бошлади. Бу матбуот атрофида Ҳинд ватанпарварларидан Кама, Шъямалар рус ишчилари билан алоқа қилдилар. Бу ватанпарварлар Тилак бошчилигига Ҳиндистон мустақил Республикасини туздилар. 1905 йил Калькуттада 100 минг кишилик намойиш бўлди. У ўзларининг «Она ватан сенга салом» деган шиорларини кўтариб чиқдилар. Калкуттада кейин 1906 йил Бенгалия вилоятида инқилобий ҳаракатлари бўлиб ўтди. 1907 йилда ҳосилдорликнинг яҳши бўлмаслиги кўплаб Ҳиндларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди. Шарқий Бенгалияда халқнинг қуидаги чақириклари янгради. «Бизнинг ҳосилимизни олиб бизни очлик гирдобига тортаётганлар ким, бу Англичанлар-ку улар бизга, янгидан-янги солиқларни ўйлаб топмоқда. Агарда келгусида шундай яшайверсаларинг янада кўпроқ эзади қардош индуслар, қондош мусулмонлар хар бир қишлоққа эълон қилинглар мусулмонлар ва индуслар биргаликда ўз ватанига хизмат қиласди. Туринглар қардошлар биз ўз ананъаларимизга хақиқий уғил эканлигимизни ватанимиз олдида оқлаймиз». 1907 йил апрел-март бу чақириққа жавобан Панжобда дехқонлар қўзғалони кўтарилди,

кўзғалонга Лал Паджпата Райя ҳамда Аджит Синх раҳбарлик қилдилар. Шу тариқа инқилоб 1905 йилда Ҳиндистонни қамраб олди. Инглизларга қарши кураш авж олди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Инглизларга қарши курашда Ганди (1869-1948) катта роль ўйнади. У сиёсий ташкилот тузди унинг ғояси мамлакатда ҳалқни қуролли қўзғалонга чақириш эди. 1906 йил миллий конгресс программа қабул қилди. Бу программа қуидагича эди. Тилак бошчилигига 4 пунктдан иборат масалани қабул қилди.

- 1 .Сварадж яъни (ўз ҳокимиятига эга бўлиш)
- 2.Свадеши яъни (ўз саноатига эга бўлиш).
- 3.Англичаларга қарши иш ташлашни уюштириш
- 4.Миллий таълимни ривожлантириш.

1908 йил июл ойида Бомбейда бўлган конгрессда Миллий конгрессда ажралиш юз берди. Сўл қанот ажралиб чиқди ва миллий озодлик ҳаракатини бошлаб юборди.

#### **4-МАВЗУ: XVIII АСРНИНГ ЎРТАЛАРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ЭРОН**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул йўқитувчи
1.	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>Сафавийлар давлати инқироз ва феодал гурухлар ўртасидаги низолар тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.  Кожарларнинг давлат тепасига келиши ички ва ташқи сиёсати тўғрисида талабаларга тушунча бериш.  Эроннинг ярим мустамлакага айланиши.  ҳақида маълумот бериш.  Эронда бобийлар қўзгалони ва унинг тарихий аҳамиятига унинг оқибатларини ёритиб бериш.  1908-1909 йиллардаги Табриз қўзгалони Муҳаммад Али шоҳнинг ағдарилиши  ва аҳамияти ҳақида талабаларга тушунтириш.  XX аср бошларида Эрондаги ижтимоий ҳолат ҳақида маълумот бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Эрондаги иқтисодий аҳволни ёритиб беради.  Кожарларнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида маълумот беради.  Бобийларнинг ҳарбий тайёргарлингини мазмун моҳиятини</p>	

	<p>тахлил қилади.</p> <p>1908-1909 йиллардаги Табриз қўзғалони Мухаммад Али шоҳнинг ағдарилишининг омиллари хақида маълумот беради.</p> <p>Эроннинг ярим мустамлакага айланишини тушунтиради.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Эрон, Қожарлар, Бобий, Сафавий, Табриз, Махдий, Инқилоб, Боб.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b></p> <p>Гурухларда</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b></p> <p>маъзуза, дебат, баҳс, ақлий ҳужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p> <p>Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	
2.	<p><b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p>-Мавзу эълон қилинади.</p> <p>-Маъзуза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи
3.	<p><b>Гуруҳда ишлаш босқичи:</b></p> <p>-Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>-Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>-Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>-Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи талаба
4.	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p>-Эроннинг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг?</p> <p>- Эронда ярим мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди?</p> <p>- Қожарлар сулоласи хақида гапириб беринг?</p> <p>- Сафавийлар сулоласининг қулашига сабаб нима?</p> <p>- Бобийлар қўзғолони хақида гапириб беринг?</p> <p>- Эронда миллий озодлик ҳаракатлари авж олиши сабабини айтинг?</p>	Ўқитувчи
5.	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p>- Эрон тарихида Сафавийлар 220 йил давлатни бошқарган.</p> <p>-XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати.</p> <p>- Эронда Бобийлар қўзғолони.</p> <p>- Эронда 1905-1911 йилдаги инқилобнинг аҳамияти.</p> <p>- Буюк давлатларнинг Эрондаги сиёсати.</p>	Ўқитувчи

## Ажратилган вақт: 2-соат

### Асосий саволлар:

- Сафавийлар давлати инқироз ва феодал гурухлар ўртасидаги низолар.
- Қожарларнинг давлат тепасига келиши ички ва ташқи сиёсати.
- Эроннинг ярим мустамлакага айланиши.
- Эронда бобийлар қўзғолони ва унинг тарихий аҳамияти.

## 5. 1905-1911 йилларда Эрондаги инқилоб.

### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

Сафавийлар давлати даврида Эрондаги ижтимоий- иқтисодий аҳвол ва Эрононнинг ички ва ташқи сиёсати, Қожарларнинг давлат тепасига келиши ички ва ташқи сиёсати, Эроннинг ярим мустамлакага айланиши, Эронда бобийлар қўзгалони ва унинг тарихий аҳамияти ҳамда 1905-1911 йилларда Эрондаги инқилоб ва унинг аҳамияти тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Эронда XVI- асрда Сафавийлар империясига асос солиши.
2. Янги даврда Эрондаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
3. Эроннинг маданияти.

### **1-саволнинг баёни\***

Ўрта асрларда Эрон Осиёдаги йирик давлатлардан бири эди. Ўрта Шарқнинг муҳим стратегик ва савдо йўллари устида жойлашган бу мамлакатнинг иқтисоди ва маданияти XVI —XVII асрларда анча юксалади.

Эронни бошқарган сулолалар жумладан янги Эрон шоҳлигини барпо қилган сафовийлар давлати ижтимоий — иқтисодий турмуш даражаси турлича бўлган қабила ва ҳалқлардан уюшган бўлиб жуда катта (Хурсон, Ҳирот, Қандаҳор, Белужистон, Шарқий Арманистон, Озарбойжон, Грузин подшолиги Эрон шоҳига вассал бўлган) ҳудудларини эгаллаган эди. Эрон давлатининг ўзи ҳам миллий жиҳатдан бир ҳил бўлмай, унда курд, баҳтиёрлар, лур, туркман ва бошқа қабилалар яшарди. Бу ҳалқлар айниқса, Кавказ ҳалқлари миллий жиҳатдан ўта камситилар ва аёвсиз эксплуатация қилинар эди.

Эрон шоҳи мамлакатдаги бутун ер, сув эгаси ҳисобланарди. Давлат — феодал ер эгалигидан ташқари феодал ва деҳқон ер эгалигининг бир қанча кўринишлари ҳам (девон ери, суюрғол ерлар, арбоб ери, вакф ерлари, хусусий ва майда мулк ерлари) мавжуд эди. XVIII аср бошида

Эронга бўйсундирилган халқларнинг шоҳ ва хонларга қарши ҳаракати ўсиб борди. Ислом динидаги икки мазҳаб (Суннийлар ва шиалар) ўртасидаги зиддиятлар кучайди. Чунки Эрондаги ғалаён, қузғалон ва бошқа ҳаракатлар кўп вақт диний тус олар эди. Ислом динидаги асосий йўл қуръон билан бир қаторда суннани (яъни қуръонда бўлмаган, лекин Муҳаммад саллолоҳу алайҳи вассаллам қолдирган ҳадис ақидаларини) тан олади. Сунна фақат сунний мазҳабидаги мусулмонлар учунгина қонуний кучга эга. Шиалар аввал Жанубий Эронда VII аср ўрталарида сиёсий партия сифатида («Шиа Али», яъни «Али партияси») номи билан пайдо бўлди. Шиалар арабларнинг ҳукумрон сулоласидан норози бўлган халқлар ҳаракатига бошчилик қилган эдилар. VIII —IX асрларда шиалар ҳаракати асосан Эронда тарқалган эди. (Ҳозирги кунда ҳам шиалар фақат Эрон ва Яманда мавжуд). 1500 йилга келиб, шиа Эронда асосий давлат дини бўлиб қолди. Шиалар сунна халифаларини тан олмас, бинобарин, Али авлодлари бўлган имомларни ҳам уларга қарши қўярдилар. Шиалар қуръонни мусулмон динининг бош китоби деб билганлари ҳолда унга суннийлар берган изоҳларни (ҳадисни) тан олмасдилар ҳамда унга ўзларининг муқаддас васиятномаларини (Ахборни) қарши қўярдилар.

XVII аср охирида Сафавийлар давлати иқтисодий ва сиёсий тушкунлик даврини бошидан ўтказаётган эди. Бунда шоҳ хонадони ўртасидаги рақобатлар, кейинги шоҳларнинг давлатни бошқаришидаги ўқувсизлиги, турли феодал гуруҳлар ўртасидаги низолар билан бир қаторда муҳим савдо йўлларининг бошқа томонлардан ўта бошлаганлиги, дехқонлар ва шаҳар аҳолисини эксплуатация қилиш кучайганлиги, турли халқларнинг Сафавийлар сулоласига қарши курашла ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Сафавийлар шоҳларига қарши XVIII аср бошида қўзғалон кўтарган афғонларнинг гилза қабилалари 1709—1714 йилларда Эрон қўшинларига қатор зарбалар бердилар. 1722 йили Исфаҳонни қамал қилдилар. Эрон

заифлашиб қолганидан фойдаланиб, турклар 1723 йили мамлакатга қарши ҳаракат бошладилар ва 1728 йили Кавказортини, Эрон, Озарбайжонни, Техронни эгалладилар ҳамда Россия чегараларига таҳдид сола бошладилар. Пётр I ўз армиясини Астрахандан Шимолий Кавказ орқали Эронга юборди ва эроннинг ипак маркази бўлган Гилоф турклар томонидан эгаллаб олинишига йўл кўймади. Эроннинг турли районларида афғон қўзғалонлари бошланди. Бунда туркманларнинг афшор қабиласидан бўлган талантли ҳарбий йўлбошчи Нодирқули шухрат қозонди. У 1736 йили шоҳликни Нодиршоҳ номи билан эгаллаб олди. Нодиршоҳ вафотидан кейин узоқ вақт мамлакат шоҳсиз қолиб, қабилалар ўртасидаги кураш кучайди.

## **2-саволнинг баёни\***

1796 йили мамлакатни Қожарлар қабиласининг йўлбошчиси Оға Муҳаммад босиб олди. Эрон тарихида 1925 йилгача давом этган Қожарлар сулоласи даври шундай бошланган эди. Қаттиқ зулм ва зўравонлик, аёвсиз эксплуатация натижасидагина шоҳ ҳокимияти кучайтирилди.

Ҳудди шу вақтда Эрон феодаллари томонидан Кавказ халқларини қарам қилиш ва асоратга солиш хавфи туғилди. Кавказнинг илгор кишилари Эрон босқинчиларига қарши курашда Россиянинг ёрдами ва ҳимоясига (1783 йилги Грузия — Россия дўстлик шартномаси) таяндилар. 1802 йилга келиб, рус подшоси Павел I манифестига кўра, Грузия подшолиги тутатилиб, Грузия Россиянинг бир қисми деб эълон қилинди.

Қожар сулоласининг биринчи хукмдори Оға Муҳаммад таҳтни Фатҳали шоҳга (1757- 1834) мерос қилиб қолдирди. Бу давр Европа ва Шарқда хукмрон мавқеларни эгаллаб олиш йўлидаги инглиз — француз рақобати кучайганлиги ҳамда Европа давлатларининг Эронда таъсир доираларини мустаҳкамлаш учун кураши авж олганлиги билан характерланади.

### **З-саволнинг баёни\***

1800-1801 йилларда Наполеон француз армиясини Россия, Эрон, Афғонистон орқали Хинди斯顿га юриши режаларини олдинга сурди. Англия Франция билан уруш чиқиши эҳтимолини назарда тутиб, Эрон билан шартнома тузиш учун Техронга Малькольм бошчилигида маҳсус миссия юборишга шошилди. 1801 йили Англия билан Эрон ўртасида шартнома имзоланди. Бироқ, Эрон Россияга қарши олиб бораётган урушда Англиядан ёрдам ололмаганлиги учун шоҳнинг ҳафсаласи пир бўлди. Эрон шоҳи Россияга қарши Кавказорти ерлари учун уруш олиб бориш мақсадида 1807 — йили Наполеон билан шартнома имзолади. Шартномага кўра, Наполеон Эрон шоҳининг грузияни босиб олишини макуллаганди, ҳарбий инструкторлар ва қўрол — яроғ беришни ваъда қилди. Бунинг эвазига Эрон шоҳи Англияга уруш эълон қилишни ҳамда ўз худуди орқали француз армиясини Хинди斯顿га ўтказиш мажбуриятини олди.

Француз — Эрон шартномаси ҳам Англияга, ҳам Россияга қарши қаратилган эди. 1804—1813 йилларда Россия билан эрон ўртасида уруш давом этди. Эрон армияси қатъий зарбага учраб, 1813 йил 24 октябрда «Гулистан» сулҳи тузилди. Сулҳга кўра, Россияга, Қорабоғ, Ганжий, Ширвон, Дербенд, Толишин ва Шимахин хонликлари ўтди. Эрон шоҳи руслар илгари босиб олган Грузия, Доғистон, Абхазия, Гурия, Мингрелия ва Имаратия худудларининг Россияга қарашлилигини эътироф қилди. Эрон каспий денгизида ҳарбий флот сақлаш хуқуқидан маҳрум бўлди. 1814 йилда Эрон билан Англия янги «мудофаа» шартномасини тузди. Бунга кўра Эрон шоҳи мамлакат ҳудуди орқали Европа давлатлари армиясини ҳинди斯顿га ўтказмаслик мажбуриятини олди; Англия эса, Эронга бирор бир давлат ҳужум қилгудек бўлса, унга қўшин, маблағ ва қўрол — яроғ билан ёрдам беришни ўз зиммасига олди. 1826—1828 йиллардаги II рус — Эрон уруши Эроннинг тўла мағлубияти билан тугади. 1828 йил 22

февралда имзоланган «Туркманчой» сулҳига кўра, Арманистоннинг катта қисми Россияга ўтди, Эрондаги рус фуқаролари алоҳида хуқуқлардан фойдалана бошладилар. Бу сулҳга кўра, рус молларидан Эронда олинадиган бож 5% дан ошмайдиган, Эрон 20 миллион рубль контрубуция тўлайдиган бўлди.

Россия билан олиб борилган уруш натижасида тўланадиган, контрубуция катта маблағлар талаб қилди ва мамлакат меҳнаткашлар оммасини хонавайрон этди. Эрон шохи саройи атрофидаги реакцион доиралар 1828 йил кузда машхур рус ёзувчisi А.С. Грибоедов бошлигига келган рус миссиясига қарши фитна уюштирилар. Инглиз дипломантлари Эрондаги Россия вакиллариiga нисбатан «адоват» ташкил этдилар. Шундай вазиятда А.С. Грибоедов ўлдирилди.

XIX асрнинг 30 йилларида Эронга кириб келган чет эл капитали ҳукмронлиги, феодал — судхўрлик асорати ва Қожар шаҳзодалари, губернатор ва амалдорларнинг ҳаддан зиёд очқўзлиги, йиртқичлиги ва ўзбошимчалиги мамлакат меҳнаткаш оммаси ҳаётини ночор ҳолатга келтириб қўйди. Эрон 1841 йили Англия билан, 1856 йили АҚШ билан нотенг, асоратли савдо шартномаларини имзолашга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Эрон мустамлакачи давлатларнинг мол сотадиган бозори ва хом ашё базасига айланиб, бунинг натижасида 10 минглаб хунармандлар хонавайрон бўлди.

Эронга чет эл капиталининг кириб келиши асосий эксплуатация обьекти бўлган дехқонлар оммасининг аҳволини янада оғирлаштириди. Мамлакатда товар —пул муносабатларининг таркиб топиши ер эгаси бўлган хонлар ва бошқа феодалларнинг дехқонлардан ҳосилнинг иложи борича кўпроқ қисмини тортиб олишга ундар, бунинг устига феодал натурал соликлари эндилиқда пул ҳисобида олинар эди.

Асосий мазлум синф бўлган дехқонларнинг норозилиги кўпинча шаҳар камбағаллари ва хонавайрон бўлган хунармандлар норозилигига тулашиб

кетарди. Бу эса золимларга қарши танқидий чиқишлиарга олиб келди. Шаҳарлар, ҳатто бутун — бутун вилоятлар халқ қўзғалонлари гирдобида қола бошлади. Кармана, Табриз, Шероз ва Исфахонда халқ ғалаёнлари тез — тез бўлиб турди. Бундай ғалаёнлар кўпинча шаҳар камбағаллари ва ҳунарманддарининг ҳаракатларидан бошланарди. Уларга атрофдаги қишлоқларнинг дехқонлари ҳам қўшилиб кетарди.

#### **4-саволнинг баёни\***

Дехқонлар ҳаракатини золимларга қарши яхлит курашга айлантириш учун бу ҳаракатнинг программаси ҳамда ташкилотчилари, оммага бошчилик қила оладиган истеъдодди кишилар зарур эди. XIX аср ўрталарида Эронда шаҳар ва қишлоқ камбағалларининг ҳаракатларига бошчилик қилиш Бобийлар мазҳаби асосчиси Бобнинг шогирдлари зиммасига тушди.

Бобийлар қўзғалонига қадар ҳам Эронда диний мазҳаблар халқ оммаси курашининг ўзига хос ғоявий ифодачиси сифатида майдонга чиқар эди. Бобийлар ислом динидаги шайхлар мазҳаби бўлиб, улар ўз таълимотини пайғамбар авлодидан бўлган имом Маҳдийнинг ғойиб бўлиб инсонлар ўртасида адолатсизлик авж қилганда яна пайдо бўлиши ғоясига асослаб тузган эдилар. Шайхлар мактабидан чиққан Сайд Али Мухаммад ўзини аввал «Боб», яъни Имом Маҳдий билан мусулмонлар ўртасидаги воситачи деб, кейинчалик эса, Имом Маҳдий деб эълон қилди.

1849 йил январда Бобийлар Мозандароннинг янги губернатори Маҳдиқули шоҳнинг икки минг кишилик отрядини тор —мор этдилар. Эрон шоҳи ҳукумати Мозандрондаги шайх Табарси қальясини катта кучлар билан қамал қилиб қалъа деворларини қулатди.

Эрон кўп вақтлардан буён бой ўлка ва муҳим стратегик мавқени эгаллаган Ҳиротни эгаллашга интиларди. 1856 йили Эрон қўшинлари Машҳаддан чиқиб, Ҳирот остоналарига етиб борди. Бунга жавобан Англия

Эронга уруш эълон қилди. 1857 йил 4 мартда инглизлар Эроннинг бир қанча худудини босиб олгандан кейин парижда сулҳ имзоланди. Бу сулҳга кўра Англия ўз қўшинларини эрондан олиб чиқиб кетиш мажбуриятини, эрон эса, Ҳирот ва Афғонистон худудидан ўз қўшинларини олиб чиқиш мажбуриятини олдилар. Эрон шоҳи бундан буён Ҳирот ва - бутун Афғонистонга худуд даъволари билдиришдан воз кечди.

1856—1857 йиллардаги Англия — Эрон уруши XIX асрда Эроннинг Европа талончиларига қарши сўнгги йирик кўролли чиқиши эди. Бундан кейин чет эл капитали мамлакатга тинч йўл билан кириб келаверди, уни яrim мустамлакага айлантириш жараёни бошланди. Эронга чет эл капиталининг кўплаб кириб келиши, ажнабий концессиялар ташкил этиш, банклар очиш, мамлакатга янгидан — янги асоратли қарзлар бериш, маҳаллий қишлоқ хўжалигини ҳам чет эл капиталистик давлатлар талаб эҳтиёжига мослаштириш даври бошланди.

## **5-саволнинг баёни\***

Эронда 1905 йили бошланган инқилобий ҳаракат 1911йилгача давом этди. Бу ҳаракатда аҳолининг барча табақалари фаол иштирок этди. Инқилобий ҳаракат жараёнида мамлакатнинг марказий ва шимолий районларида вужудга келган инқилобий ташкилотлар Эрон буржуа — демократик инқилобида катта аҳамият касб этди. Инқилоб натижасида Эрон тарихида биринчи марта парламент — мажлиси тузиш ҳақида қонун қабул қилинди. 1907 йилда Мажлис Эроннинг биринчи конституциясини ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Бироқ инқилоб чет эл империалистларининг фаол ёрдами ва иштироки билан бостирилди.

Бу инқилоб мустамлака ва қарам мамлакат халқлари миллий — озодлик кураши тарихида янги давр бўлди.

Инқилобнинг ҳаёт бахш таъсири остида Эронда миллий — озодлик кураши кўтарила бошлади. Бундан ташвишга тушган Англия империалистлари Эронга катта ҳарбий куч киритдилар ва 1919 йил августида Эрон ҳукуматини маҳсус шартнома имзолашга мажбур этдилар. Бу шартномага кўра Эрон амалда Англиянинг вассалига айланиб қолди. Англия империализми Эрондан Кавказ ва Ўрта Осиёга қарши ҳарбий интервенция уюштириб ағдаришга ҳаракат қилдилар. Англия босқинчиларини тор —мор этилди. Бу хол Эрон халқини Англия империалистларига қарши курашга илҳомлантириди. 1918 —1922йилларда мамлакатда авж олиб кетган миллий — озодлик ҳаракати империализмга қарши кураш шиори остида ўтди. Бу кураш Эроннинг Озарбайжон, Ғilon ва Хурсон вилоятларида айниқса кескин тус олди, лекин чет эл империалистларининг ёрдами билан реакцион кучлар инқилобий ҳаракатни бостирадилар.

## **5- МАВЗУ: XVIII АСРНИНГ II-ЯРМИ ВА XX АСРНИНГ БОШИДА ТУРК ИМПЕРИЯСИ**

T/p	Бажариладиган иш мазмунни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>XVIII асрнинг 2-ярми Туркияning ижтимоий иқтисодий ҳолатии тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>Усмонилар империясининг мустамлакачилик сиёсати ва озодлик ҳаракатлари тўғрисида талабаларга тушунча бериш.</p> <p>XIX аср I-ярмида Туркияning ижтимоий иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот бериш.</p> <p>1877-1878 йилдаги Рус-Турк уруши ва унинг оқибатларини ёритиб бериш.</p> <p>Берлин трактати ва аҳамияти ҳақида талабаларга тушунтириш.</p> <p>Туркияning ярим мустамлакага айлантирилиши ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Ёш Турклар инқилоби улар даврида ички ва ташки сиёсати.</p>	Ўқитувчи

	<p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b>          Туркиядаги иқтисодий ахволни ёритиб беради.          Усмонийларнинг ички ва ташқи сиёсати түғрисида маълумот беради.          XIX аср I-ярмида Туркиянинг ижтимоий иқтисодий ахволи ҳақида маълумот бериш.          Берлин трактати ҳақида маълумот беради.          Туркиянинг ярим мустамлакага айланишини тушунтиради.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b>          Туркия, Усмонийлар, Медҳат, Болқон, Сан-Стефано, Янги усмонлилар, Берлин трактати, Босфор ва Дарданел.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b>          Гурӯҳларда</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b>          маъруза, дебат, баҳс, ақлий хужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b>          Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	
2.	<p><b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b>          -Мавзу эълон қилинади.          -Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи
3.	<p><b>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</b>          -Талабаларга муаммоли савол беради.          -Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.          -Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.          -Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи талаба
4.	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b>          -Туркиянинг иқтисодий ижтимоий ахволини айтиб беринг?          - Туркияда ярим мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди?          -Усмонилар давлати ҳақида гапириб беринг?          - Туркияда миллий озодлик ҳаракатлари авж олиши сабабини айтинг?</p>	Ўқитувчи
5.	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b>          - Туркия тарихида Усмонилар давлати .          -XVII-XVIII асрларда мустамлакачилик сиёсати.          - Туркияда Ёш турклар ҳаракати.          - Туркияда ярим мустамлака давлати.          - Россия – Туркия уруши.</p>	Ўқитувчи

**Ажратилган вакт – 2 соат**

#### **Асосий саволлар:**

1. XVIII асрнинг 2-ярми Туркиянинг ижтимоий иқтисодий ҳолати.
2. Усмонилар империясининг мустамлакачилик сиёсати ва озодлик ҳаракатлари.

3. 1877-1878 йилдаги Рус-Түрк уруши ва Берлин трактати.
4. Туркияning ярим мустамлакага айлантирилиши.
5. Ёш Турклар инқилоби улар даврида ички ва ташқи сиёсат.

#### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

XVIII асрнинг 2-ярми Туркияning ижтимоий иқтисодий ҳолати, Усмонилар империясининг мустамлакачилик сиёсати ва озодлик харакатлари, 1877-1878 йилдаги Рус-Түрк уруши, Берлин трактати, Туркияning ярим мустамлакага айлантирилиши, Ёш Турклар инқилоби улар даврида ички ва ташқи сиёсати тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

#### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Туркия ижтимоий тузуми хақида гапиринг?
2. Усмонилар династиясининг ички ва ташқи сиёсати қандай бўлган?
3. 1877-1878 йилдаги Рус-Түрк урушидан кейинги даврда Туркияning иқтисодий ахволи қандай бўлди?
4. Ёш Турклар инқилоби даврида ички ва ташқи сиёсат аҳамиятини айтинг?

#### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Янги даврда Туркиядаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
2. Туркияning тараққиёти даражасини таҳлил қиласи ва шарҳлайди.
3. Туркия тараққиётида Европа давлатларининг таъсири.

#### **1-саволнинг баёни\***

Туркия тарихи, жумладан янги тарихини ўрганишга инқилобга қадар кам эътибор берилган. Бироқ Россиянинг Яқин Шарққа нисбатан сиёсий манфаати Усмон империясини ҳар томонлама билишини талаб қилди. Шу сабабли аста-секин Гарбий Европа тилларида мавжуд асарлар, таржималар, кейинроқ эса рус тилида ёзилган асарлар ҳам пайдо бўла бошлади.

Маълумки, асосий эътибор ташқи сиёсатга “Шарқ масаласига буғозлар ва турк-рус” муносабатларига қаратилиб ички масалалар эътибордан ташқарида қолди.

Шунга қарамасдан рус тарихшунослиги Туркияning янги тарихига оид бир қатор муҳим асарларни берди. Аввало булар сиёsatчиларнинг ёзиб қолдирган қўллётмалари ҳисобланади.

Рус армияси офицери М.Вронченконинг қўл ёзмаси “Кичик Осиёнинг ҳозирги вақтдаги аҳволи” (1940) Рус дипломанти К.М.Базили Усмон империяси бўйича мутахассис эди. У Туркияning XIX асрнинг 30 йиллари ҳақида муҳим қўл ёзма қолдирди. Басфор ва Константинополнинг янги очерки, 1-2 қисм 1836 й ва бошқалар.

1930 йиллардан бошлаб, Туркия тарихи бўйича мутахассис, тарихчилар иш бошладилар. Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларида, шунингдек олий ўқув юртларида Туркия тарихини ўрганиш учун маҳсус ўрин ажратилди.

А.А.Алимов, Х.З.Габдулин ва А.Д.Новигевлар Туркияning янги тарихи ҳақида ўзларининг бир қатор ишларини чиқардилар. Уруш йилларида Туркия тарихи бўйича Рус тарихчиларининг ишлари вақтинча тўхтаб қолди. Урушдан сўнг Туркия тарихшунослиги жуда қўп асарлар билан бойиди. 1947 йили А.Ф.Миллернинг “Салим III ислоҳотлари ва Мустафо Байрокдор” ҳақида катта монографияси босилиб чиқди. Академик Е.З.Тарленинг Крим уруши тўғрисида II томлик монографияси, А.Ф.Миллернинг “Ёш турклар инқилоби ” ҳақида ҳамда Туркияning қисқача тарихи монографиялари ва бошқа бир қатор ишлари нашр этилди.

XX асрнинг 60 йилларига келиб Туркияning янги тарихи ҳақида рус муаллифларининг яна бир мунча асарлари босилиб чиқди.

ХУШ асрда Туркия ўз бошидан чукур иқтисодий инқирозни кечирмоқда эди. Айниқса 1768-1774 йилларда Россия-Туркия урушида, Туркия катта ҳудудидан ажралган эди. Ўша даврда Туркияга Англия ва Францияning таъсири кучая бошлади. Туркияning иқтисодий инқирозига 1789 йил 14 июлдаги Франция инқилоби ҳамда Англиядаги саноат инқилоби сабаб бўлган эди. Туркия билан Россия ўртасидаги 1768-1774

ҳамда 1787-1791 йилларда бўлиб ўтган урушларда Болқон халқлари рус армиясини ўзларининг ҳалоскори сифатида қабул қилдилар. Юқоридаги Россия билан бўлган урушларда Турк армиясининг замонавий қуролланмаган армия эканлигини кўрсатди. Султон Салим III 1791 йил юқори лавозимда ишлайдиган ҳамда улуғ диндор шахслардан армияни яхшилаш учун ўз фикрларини билдиришни сўради. Шундан кейин Салим III 1792-1793 йилларда ислоҳот ўтказди. Туркия тарихида бу Салим III ислоҳоти номини олди. Бу ислоҳотнинг номи “Низами жадид” ёки “Новый порядок” номини олди. Ислоҳотнинг биринчи бош масаласи армияни Европага ҳос тузиш, армияни ислоҳ қилиш эди. Бу француз офицерлари томонидан амалга оширилди. 1798 йилга келиб ислоҳот туфайли 3-4 минг солдат 1804 йилга келиб 12 мингга етказилди. Ҳарбий мухандислик билим юрти очилди. Салим III нинг бу ислоҳоти буйича яна кўплаб ишлари қилинди. Лекин саноатда ҳамон турғунлик давом этмоқда эди. Санотдаги турғунликка яна бир сабаб Туркия бозорида чет эл капиталининг хукмронлиги эди. 1874 йилда чет эл капиталистларига руда бойлигини ишлаб чиқариш учун саноат концессиясини бериш хақида қонун эълон қилинди. Чет эл моллари билан конкуренция саноатидаги бир қатор соҳаларини тушкунликка юз тутишга олиб келди. Шойи, мукомолний ва бошқалар.

Давлатнинг молия масаласи. ниҳоятда аянчли аҳволда эди. Ташқаридан олинган қарз 5,3 млрд, франкка етган эди. Чет эл банкирлари Туркияning бу аҳволидан ўз фойдаларини янада ошириш учун фойдаландилар. 1875 йил Оттон банки концессиясини яна 20 йилга чўзишга муваффақ бўлдилар. Туркия шундай аҳволга тушдики, ҳаттоқи ўз амалдор ва офицерларига маош тўлолмай қолди. Натижада бутун империя буйлаб халқларнинг норозиликлари авж олди ва кучли ҳаракатлар бошланди.

## **2-саволнинг баёни\***

Худди шу даврда чет элда ўз фаолиятини давом эттираётган "Янги усмонлилар" (1865 йил тузилган) ҳаракати кучайди. Улар чет элда чиқараётган газета ва варақаларида конституция жорий қилишга ҳамда ислохотлар ўтказишни талаб қилдилар. "Янги усмонлилар" ғояси баъзи либерал амалдор ва офицерлар томонидан қувватланди. Шунингдек янги усмонлиларни Англия тарафдорлари бўлган йирик давлат арбоби Медхат пошша қўллаб қувватлади.

Бирок "Янги усмонлилар" ҳаракати Султон Абдул-Азиз бошчилигидаги феодал клерикал реакциясининг қаттик қаршилигига учради. Янги усмонийлар ва уларнинг тарафдорлари қувгин килинди. 1871 йили реакционер Махмуд Незилнинг бош вазир қилиб тайинланиши мамлакатда миллий зулмнинг ва дехқонларга нисбатан феодал эксплуатациясининг кучайишига олиб келди.

Айникса, Болқон ярим оролида яшовчи славян ҳалқларининг аҳволи жуда оғир эди. Усмон империясидаги инқироз уларга нисбатан яна зулмнинг кучайишига олиб келди. Натижада славян ҳалқларининг озодлик ҳаракатлари бошланди. Болгариядаги озодлик ҳаракатига социал-демократларнинг раҳбари Васил Левский раҳбарлик қилди. 1872 йил декабрида Левский кўлга олинди ва 1873 йил 6 февралда осиб ўлдирилди. Славян ҳалқлари озодлик ҳаракатлари орасида, энг кучлиси 1875 йил май ойида бошланган Герцогавинада ва кейинрок Боснияга ёйилган дехқонлар қўзғолони эди. Кўзғолоннинг бошланишига сабаб ушр солифининг 26% оширилиши бўлди. Дехқонлар бошлаб берган бу қўзғалон шаҳар аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланди. Қузғалонга Пеко Павлович, Луки Петкович ва бошқалар раҳбарлик қилди. Тезда буларга хайриҳоҳлик билдириб Сербия, Болгария, Черногория ва бошқа Болқон мамлакатларида ҳам қўзғалонлар кўтарилиди. Қўзғалонга қарши 35 минглик турк армияси юборилди. Бироқ, 33- минг кишиликни ташкил қилувчи қўзғалончиларга бу армия бардош бера олмади. Чет эл давлатлари италянларни ҳимоя қилиш

ниқоби остида Болқон воқеаларига аралашдилар. Улар 1876 йили Босния ва Герцогавинада ислохотлар ўтказишни Туркиядан талаб қилдилар. Бу орада янги усмонлар уз фаолиятларини кучайтирдилар. 1876 йил майда улар вакиллар палатасини чақириш ва Абдул-Азизни бошқа султон билан алмаштиришга ундовчи чақириқ босиб чиқарилди. 10 майда Истамбулда сарой олдиде 40 минг кишилик намойиш ташкил қилинди. Намойиш қатнашчилари пошшони вазирлиқдан олиб ташлаш янги ҳукумат тузиб, унга Медхат пошшони қайтариб қўйишини талаб қилдилар. Абдул-Азиз ушбу талабини бажарди. Бироқ бу ён бериш халқ оммасига ҳеч нарса бермади, сабаби халқ норозилиги кучайиб харакатлар тўхтамади. Бу харакатларни кучайиб кетиши янги усмонларни чўчита бошлади. Улар реакцион чиқишлиарнинг олдини олиш мақсадида 1876 йил 30 май куни Султон сарой ахиллари ёрдамида давлат тўнтариши ўтказдилар. Мурод Султон бўлди, сўнг маълум бўлдики, Мурод ақли заиф бўлиб, мамлакатдан воз кечишга мажбур бўлди. Шайх ул-ислом дарҳол фатво ёзиб, уни султонликдан тушириб ўрнига 1876 йил 31 августда Абдул-Ҳамид II ни султон қилиб тайинлади. Мамлакатдаги кескинликни юмшатиш мақсадида Абдул-Ҳамид II 1876 йил декабрида Медхат пошшони бош вазир қилиб тайинланди ва унга конституция лойихасини тайёрлашни буюрди. Нихоят 1876 йил 23 декабрида конституция эълон қилинди. Уни эълон қилишни конференция очилиши кунига тўғирлади. Конституция Медхат конституцияси ёки 1876 йил конституцияси Медхет конституцияси номини олди. Бу конституцияга асосан Туркия конституцион монархия давлатига айланди. Аммо мамлакат ичкарисидаги оғир ахволдан фойдаланган Абдул Ҳамид ўз мақсадини амалга оширишга киришди. “Конференция ўз ишини тугатиши биланоқ 1877 йил февралида Медхат пошшони “давлат хавфсизлиги душмани” деб эълон қилиб, мамлакатдан бадарға қилинди ва кейинчалик 1878 йилда ўлдиртириб юборилди. Шундай қилиб, “Янги усмонлар” мағлубиятга учрадилар. Бироқ оммавий инқилоб ва миллий-

озодлик ҳаракати фақат Болқон ярим оролида славян халқлари орасида кенг ёйилди. Туркиядаги 70 йиллар ўртасидаги инқироз эса тутатилмади.

### **3-саволнинг баёни\***

1877 йил баҳорда рус-турк уруши бошланди. Россия режаси қанчалик босқинчилик бўлмасин, шунга қарамасдан у Болқон халқларининг турк зулмидан озод бўлишига ёрдам берди. Бу урушда Руминия қушини Россияга иттифоқчи бўлиб ҳаракат қилди. Турк армияси кетма-кет мағлубиятга учради. 1878 йил бошига келиб, Туркияning харбий ҳолати янада, кескинлашди. 1878 йил 3 марта Истамбулга яқин бўлган Сан-Стефано деган жойда Россия билан Туркия ўртасида тинчлик битимини имзолади. Болгария мустақилликни қўлга киритди. Лекин Россиянинг кучайиб кетишидан курқсан Англия, Германия, Франция ва Австрия-Венгрия давлатлари билан келишган ҳолда Берлин конгрессини чақиришга муваффақ бўлди. Берлин конгресси 13 июнь 1878 йил очилиб, асосий масала тинчлик битимини қайта кўриб чиқиш эди. 13 июля Берлин тракти эълон қилинди. Берлин трактати асосан Шимолий Болгария мустақил князлик бўлди. Жанубий Болгария эса, автономияга айланди. Сербия, Черногория ва Руминияга мустақиллик берилди. Россияга Ботуми, Карс ва Ардаган районлари қўшилди. Шунингдек у Бессарабиянинг жанубий қисмини қайтариб олди. У Крим урушидан сўнг қўлдан кетган эди. У шундай қилиб, 1877-1878 йиллардаги рус-турк уруши натижасида Болқон халқлари озодликка эришди. Шу билан бирга Туркияning бу урушда енгилиши ва Берлин конгресси қарорларига кўра Туркияning чет давлатларидан қарамлиги ортди. Берлин конгресси Австрияга, Боснияга ва Герцогавинани оккупация килиш учун санкция берди.

### **5-саволнинг баёни\***

Берлин конгрессидан сўнг Туркияning яrim мустамлакага айлантирилиши тезлашди. Туркия бир давлат томонидан эмас, балки бир гурух давлатлар томонидан яrim мустамлакага айлантирилди. Айникса, капиталистик давлатларнинг империализим даврига ўтиши билан бу қарамлик кучайди. 1881й Франция, Тунисни 1882 йили эса Англия, Мисрни босиб олдилар. 1881 йили Фессалия Грецияга қўшилди. Империалистлар територия босиб олиш билан кифояланмасдан, Туркияning ичкарисида ҳам ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиш учун интилишни давом эттирудилар. 1875 йилга келиб Туркияning чет давлатларидан қарзи 5 млд франкни ташкил қиласа эди. Туркия шу пулнинг ярмини олган эди. 1879 йилда эса Туркия молиявий соҳада банкрот бўла бошлади. Қарз олган мамлакатлар узоқ давом этган музокоралардан сўнг Туркия Султони 20 декабрь 1881 йили декрет эълон қилди. Бунда Оттон банки ташкил қилганлиги маълум қилиниб, бу декрет мусулмонлар календари ҳисоби буйича 28 муҳаррам 1299 йилга тўғри келганлиги сабабли уни муҳаррам декрети деб ҳам аталди. Мамлакатда яна амалдорлар кўпайиб кетди. Турк халки буйнига яна янги буйунтуруқ осилди. Яна солиқларнинг тури кўпая бошлади. Банк бошқармасининг даромади кундан-кунга кўпайди. Туркия қарзи эса сира камаймади балки, ортди. Агар 1881 йили Туркия қарзи 2,5 млд франк бўлган бўлса, XIX аср охирига келиб 4 млд франкка етди. Шундай қилиб Англия ва Францияга қарашли Оттон банки Туркияни қарам мамлакатга айланишида муҳим роль уйнайди. Туркия қарамлигини кўчайишида катта роль ўйнаган яна бир, обьект темир йўллар қуриш учун капитал киритиш керак эди. Манбаларда кўрсатилишича мустамлака ва яrim мустамлака мамлакатларида темир йўллар қуришда 4-5 йирик капиталистик-мамлакатларнинг молия капитали ҳукмронлик қиласа эди. Туркия хукумати чэт эл компанияларининг кўпроқ фойда олишлари учун шароит яратиб берди. Темир йўл қуришдаги оғирликлар дехқонлар

гарданига тушди. Темир йўл қуришда айниқса, Германия активлик кўрсатди. Энг каттаси Берлин-Бағдод темир йўли эди. Уни қурилиши 1888 йили бошланди. Шу муносабат билан Вильгельм II нинг шахсан ўзи Истамбулга келиб, Туркия султони билан музокаралар олиб борди. Германия томонидан Бағдод темир йўлини қуриш учун руҳсат олиши Англия билан Германия ўртасидаги қарама-қаршиликларни янада кучайтириб юборди. 1990 йили Багдод темир йўлини концессия қилиш хақида келишув имзоланди.

Чет эл фирмалари Туркия табиий бойликларини эксплуатация қилиш концессияга олдилар. Шу йилларда Туркия империалистлар учун асосий қурилиш марказига айланди. Империянинг Туркияда шундай эркин фаолият олиб боришлари учун Абдул-Ҳамид сиёсати жуда кўл келди. Абдул-Ҳамид ўрта аср ҳукмронлиги режимини ўрнатди. Унинг режими туркларда "зулм"деб аталарди. Бу даврда зулм, эксплуатация ҳаддан ошиб кетди. Реакцион гурухлар ўз манфаатлари йулида ислом динидан фойдаландилар. Туркия султонининг расмий назарияси орқали турк феодаллари мусулмонларни ўз сиртмоқларига тортмоқчи бўлдилар. Туркиядаги аҳвол чет эл империалистлари учун уни сиёсий жиҳатдан ҳам қарам қилиш учун ёрдам берди. 1883 йили бош штаб офицери палковник фондер Гольц ҳарбий маслаҳатчи директори лавозимига таклиф қилинди. У Турк армиясини қайтадан ислоҳ қилишда қатнашди. Яна бошқа чет эл маслаҳатчилари пайдо бўла бошлади. Туркияни чет эл империалистларидан қарамлигининг ортиши билан эзилган халқларга нисбатан зулм ҳам ортди. Миллий зулм кучайди. Айниқса, Шарқий Анталияда яшовчи арман халқининг аҳволи оғир эди.

Ахмад Ризабей билан пойтахт Истанбул шахридаги 5 чи мидитсина билим юрти талабалари ўзаро иттифоқ туздилар. Уларнинг иттифоқида янги сиёсий уюшма "Бирлик ва тараққиёт" вужудга келади. Бирлик ва

тараққиёт 1894 йилда шу уюшма заминида ёш турклар ташкилоти тузилди. 1895 йилда Усмон ишчи жамияти ташкил топди. Бу жамият бир йил яшади. Абдулхамид II ёш туркларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрди.

1897 йилда у ёш турклардан 13 кишини ўлдирди, 68 кишини турмага ташлади.. Бироқ мамлакатда ёш туркларнинг таъсири кучаяди. 1902 йилда Парижда ёш Туркларнинг биринчи сеъзди бўлди. Бу сеъздда ташкилот фаолидан Абдулла Жавдод "Турк ватандошларимга" мурожаатини ўқиб эшилтирган. У бу мурожаатда Абдулхамид режимини ағдариш учун бирликка даъват этган.. Ёш турклар таркибида Албан, Арман ва Араб вакиллари бор эди. Ёш турклар ташкилоти 19 асрнинг охирига қадар ягона бўлсада, 1903 йилдан бошлаб 2 га бўлинади..

1.Сабоҳиддин тарафдорлари: улар Туркия бутун ҳаётини европалаштиришни таклиф қилдилар;

2.Ахмад Ризабей тарафдорлари: улар Туркизм Исломчилик босқичида туриш, техник жиҳатидан европалашсак бўлади деб ҳисоблайдилар. " гуруҳ ўртасида қаттиқ кураш боради.

1907 йилда ёш Турклар ҳаракатида янги давр бошланди. Турк султонининг ҳарбийлари халққа ўқ отишдан бўйин товлади". Натижада энг стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарлар Кайсара, Сиван, Эрзуруш, Куния қабилардан султон қўйган ҳукмдорлар ҳайдалди. Ўша йили ёш Турклар ҳаракатининг маркази Париждан Салоникага кучади. Ҳарбийлар ҳам ёш Туркларга хайрихox эди. 1907 йилда капитан Мустафо Камол ёш Туркларни ҳимоя қилган, "Ватан сиёсий ташкилотини тузди" бу давр Туркия учун анча мураккаб кечди.. Ёш Турклар ҳокимиятга интилаётган эди. Париждаги келишувга мувофиқ Абдулхамид қарши қўзғолон, у тахтга келганлигининг 33 йиллик байрамида 1909 йил августда бошланиши керак эди.. Аммо ёш Турклар қўзғолонни вақтли бошладилар. Бунга Англия ва Россиянинг Равел тинчлик шартномаси сабаб бўлади. Македония Туркияга каради. Австрия-Венгрия уни босиб олмоқчи бўлди" Лекин Туркияга қарши

эски хукумат бу масалада қатъий чора кўрмади. Натижада Ресна шаҳарлик Капитан Ниёзбей Ревел шартномасига қарши кураш бошлади, Бош штат майори Анварбей падполковник Салохиддинбей майор Хасантосуп кабилар Македонияни ҳимоя қилдилар. 1908 йил 23 июнда ёш Турклар монастырида ултиъматимни султонга юбордилар.

1.1876 йилги конституцияни тиклаш.

2.Парламентни жорий қилиш.

Султон шартномаларни бажарди. Парламентни чақиришга ваъда берди. 23 июнда ёш Турклар томонидан миллий байрам деб эълон қилинди. Улар ҳокимиятга келганга қадар халққа кўп ваъда беради. Улар беради, бироқ улар "Бирлик ва бўлинмаслик" шиорини ўртага ташлади.. Буюк давлатчилик сиёсатини юритди. Биринчи, иккинчи Болқон урушларида Туркияning енгилишининг ёш туркларнинг обрўсини тушурди. Вақтинча ҳокимиятни 1912 йил июл, 1913 йил январгача "Озодлик ва бирлик" партияси эгаллади. 1913 йил январдан Анварбей ҳарбий тўнтариш қилиб,"Ёш турклар триунверати"ни тузади. Ҳокимият З та ёш турклар қўлига ўтади..

1-Ҳарбий Министр ва бош штаб бошлиғи Анвар пошшо.

2-"Ички ишлар Министри "Бирлик ва тараққиёт" партияси раиси Талъат пошшо.

3-Флот Министри Истанбул шаҳар ҳарбий Генерал губернатор Жамол пошшо улар 1913 йилда Туркия саноатини рағбатлаш ҳакида қонун чиқарди. Лекин натижада бермади. 1890-1908 йилларда 45,3 млн бўлса, 1908-1914 йилларда 4 9,5 млн миллиард Туркия Европадан қарз бўлади. 19 аср охирида Усмонийлар {Туркия} империяси Осиё Эвропа ва Африкада хали ҳам жуда катта территорияларга эга эди, лекин бу территорияларнинг кўпчилиги султонга расмангина бўйсунар эди. Ўтмишда ғоят қудратли бўлган бу давлат Англия, Франция ва Германияning ярим мустамлакасига айланиб қолди.

Капитализм секин ривожланиб борди. Аҳолининг асосий оммаси бўлган дехқонлар феодал мажбуриятлар системаси билан кишанлаб ташланган эди. Империянинг ҳукмрон доиралари бой берган нарсаларининг ўрнини меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириш ва ўзга дин халқларини айниқса муентазам суратда йўқолиб борилаётган славянлар билан арманлар талаш йўли оила тўлдиришга ҳаракат қиласар эдилар. 90 йилларда бир неча юз минг арманни ўлдиришни ташкил этганлиги учун Абдул-ҳамид "қонхўр султон" деган ном олди. Болқондаги ҳар бир мағлубиятдан қўшин Усмонийлар империясининг кризиси чуқурлашиб борди.. 19 аср охирида тараққийпарвар кучлар "Озодлик, тенглик, қардошлиқ ва адолатни" талаб қила бошладилар.. Уларнинг лидерларини "Ёш Турклар" деб агадилар .

Ёш Турклар офицерларга таяниб 1908 йил йилда Македонияда қўзғолон кўтардилар.. Кўп ўтмай Истанбулда ҳокимият амалда ёш Турклар комитети қўлига ўтиб қолди. Ёш Турклар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун империалистик давлатлардан қарз олишга ҳаракат қилдилар, чет элликларга концессиялар тарқатдилар. Шундай қилиб, ёш турклар инқилоби Усмонийлар империяси тузумининг синфий моҳиятини ўзгартирмади ва меҳнаткашларнинг аҳволини яхшиламади.

## **6-Мавзу: АФГОНИСТОНДА ДУРРОНИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>Афғонистонда уруғчилик жамоа тузумининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг шаклланиши тўғрисида талabalарга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>Дурронийлар давлатининг ташкил этилиши ва ижтимоий иқтисодий тузуми тўғрисида талabalарга тушунча бериш.</p> <p>Дурронийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Инглиз-Афғон урушлари ва унинг оқибатларини ёритиб</p>	Ўқитувчи

	<p>бериш.</p> <p>1907 йилдаги Инглиз- Рус битими ва Афғонистон хақида талабаларга тушунтириш. сиёсати.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Афғонистондаги иқтисодий аҳволни ёритиб беради.</p> <p>Дурронийлар ички ва ташқи сиёсати түғрисида маълумот беради.</p> <p>XIX аср I-ярмида Афғонистоннинг ижтимоий иқтисодий аҳволи ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Инглиз-Афғон урушлари ва унинг оқибатлари ҳақида маълумот беради.</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Афғонистон, Дурронийлар, Ёш афғонлар, Кобул, Аҳмадшоҳ ,Гандамак шартномаси,Абдали, Сулаймон ва Ҳиндикуш тоғлари.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b></p> <p>Гурухларда</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуслар:</b></p> <p>маъруза, дебат, баҳс, ақлий ҳужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p> <p>Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	
2.	<p><b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b></p> <p>-Мавзу эълон қилинади.</p> <p>-Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи
3.	<p><b>Гурухда ишлаш босқичи:</b></p> <p>-Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>-Талабалар фикри эшишилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>-Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>-Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи талаба
4.	<p><b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b></p> <p>-Дурронийлар тављтининг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг?</p> <p>- Афғонистонда ярим мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди?</p> <p>-Аҳмадшоҳнинг ички сиёсати ҳақида гапириб беринг?</p> <p>- Афғонистонда миллий озодлик ҳаракатлари авж олиши сабабини айтинг?</p>	Ўқитувчи
5.	<p><b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b></p> <p>- Афғонистон тарихида дурронийлар давлати .</p> <p>- Афғонистонларнинг асосий машғулотлари.</p> <p>- Афғонистонда Ёш Афғон ҳаракати.</p> <p>- Афғонистон ярим мустамлака давлати.</p> <p>- Инглиз – Афғон уруши.</p>	Ўқитувчи

## **Ажратилган вақти-2 соат**

### **Асосий саволлар:**

1. Афғонистонда уруғчилик жамоа тузумининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг шаклланиши.
2. Дурронийлар давлатининг ташкил этилиши ва ижтимоий иқтисодий тузуми
3. Дурронийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати.
4. Инглиз-Афғон урушлари.
5. 1907 йилдаги Инглиз- Рус битими ва Афғонистон

### **Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

Афғонистонда уруғчилик жамоа тузумининг емирилиши ва феодал муносабатларнинг шаклланиши, Дурронийлар давлатининг сиёсати ва озодлик ҳаракатлари, Дурронийлар давлатининг ички ва ташқи сиёсати, Инглиз-Афғон урушлари ва 1907 йилдаги Инглиз- Рус битими ва Афғонистон тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

### **Мавзуга оид муаммолар:**

1. Афғонистонда уруғчилик жамоа тузумининг емирилиши хақида гапиринг?
2. Дурронийлар давлатининг ташкил этилиши ва ижтимоий иқтисодий тузуми ҳамда сиёсати қандай бўлган?
3. Инглиз-Афғон урушлари даврида иқтисодий аҳволи қандай бўлган.
4. 1907 йилдаги Инглиз- Рус битими ва Афғонистон?

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Янги даврда Афғонистондаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
2. Дурронийлар даври тараққиёти даражасини таҳлил қиласида шарҳлайди.
3. Афғонистонга Европа давлатларининг таъсири.

## **1-савол баёни\***

X-XIV асрдаги манбаларда ёзилишича этник-географик худуддан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак Сулаймон тоғи ва Ҳиндиқуш тоғи этакларида яшаган қабилаларини афғонлар деб аташганлар. Демак Афғонлар Сулаймон ва Ҳиндиқуш тоғларида чорвачилик билан шуғулланиб келган халклардир. Бу ўлканинг тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, бу ўлқадан қадимги ипак йўли ўтган бўлиб, бу йўл Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва Эрон давлатлари билан савдо йўлини боғлаб кўприк вазифасини бажарган.

Афғонистон орқали Зта Карвон йўли ўтган бўлиб, бу йўллар тоғ йўлларидир:

Биринчи йўл-Болан

Иккинчи йўл-Гомал

Учинчи йўл-Хайбар

Бу йўллар Ҳиндистондан бошланиб дарвоза вазифасини бажарганлар.

Афғон қабилаларининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Қиши мавсумида чорвасини Ҳиндистон ва Эрон давлатлари худудларида боқишган. Ёзда эса яна Ҳиндиқуш ва Сулаймон тоғ этакларида қўй, эчки, от, туяларни боқишганлар. Ўша даврда афғон қабилалари билан бир вақтда дехқончилик билан шуғулланган тожиклар ҳам яшаганлар, уларнинг асосий машғулоти дехқончилик бўлган. Тожиклар асосан Қобулда, Қандоҳарда ва Ҳирот ҳудудларида истоқомат қилишганлар. Афғон тилига келсак бу пуштун тили бўлиб форсийлар тилига бориб тақалади. XVI асрга келиб Афғонлар ўз ёзувига эга бўлганлар. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, дехқончиликда тожиклар янги-янги серҳосил ерларни ўзлаштириб, бу

ерлардан кўплаб серҳосил маҳсулотлар ола бошлаган бир пайтда, афғон қабилалари ҳам чорвачилик билан шуғулланиб аста-секин дехқончиликка ўта бошлади. XVIII -асрнинг бошларига келиб афғон қабилалари Ҳиндистоннинг ғарбий қисмини ва сулаймон тоғи худудларини эгаллаб жойлашиб олган эдилар. Афғонистон худудидан кўп қабилалар, аммо шулардан қўйидаги қабилалар афғонистоннинг мустақиллилги учун қураш олиб борганлар, булар қўйидагилар:

1. Абдали қабиласи,
2. Гилза қабиласи,
3. Юсуфий қабиласи,
4. Хаттак қабиласи.

Бу қабилаларнинг жойлашув худудлари қўйидагича бўлган Абдали қабиласи Ҳиротда ҳамда Қандохар худудларида, Гилза қабиласи эса Қандохар худудида яшаганлар. Юсуфий қабиласи эса Пешовар пасттекислигига яшаганлар. Хаттак қабиласи Қобул ва унинг атрофида яшаганлар. Афғон қабилаларининг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб шу билан бир қаторда ҳунармандчилик билан ҳам шуғулланганлар жумладан темирни эритиб ундан қилич ва бошқа куроллар ясаганлар, буни эркак усталар бажарганлар. Қўй ва тую, эчки териларидан эса гилам, кигиз терига ишлов берганлар, бу ишни асосан хотинлар бажарганлар. Улар асосан қўйчилик ва эчкичиликка катта эътибор берганлар. Хар бир қабиланинг оқсоқоллар йиғилиши бўлиб, барча масалаларни шу йиғилишда кўриб чиқар эдилар. Буни, жирға деб аташар эди.

Афғон қабилаларида хон, мирлар, арбоб деган унвонлар бўлган. Афғонларга асир тушганларни қуллар деб аталарди, уларнинг кучидан фойдаланганилиги учун ва ёнларида яшаганликлари учун ҳамсоя деб аташган. Афғонистонда XIV-XVIII асрлар давомида тўхтовсиз қабилалар ўртасида уруш бўлиб, зўр қабилалар яхши ерларни ўзлариники қилиб олиб аста-секин ўтроқлашдилар, ва зўр қабилаларга кучсиз қабилалар вассал,

яъни қарам бўлиб қолдилар. Шуни ҳам қайд қилиш керакки ҳар бир қабиланинг қўриқчилари соқчилари бўлган. Афғонлар ўтроклашгандан кейин дехқончиликка эътибор бериб, буғдой., арпа турли ҳил мевали дарахтлар экишган ва узумзорларни кўпайтирганлар. Шундай қилиб Афғонистонда уруғчилик тузуми XVI асрга келиб емирилди. Феодаллашув процесси бошланди. Аммо ҳали бутунлай қабилачилик йўқолмаган эди.

## **2-савол баёни\***

XVI асрда Афғонистонда феодаллашув процесси бошланган бир пайтда Эрон шоҳи Сафавий Исмоил (1502-1722) давлатни бошқарган. Ўша даврда Ҳиротни ўзбеклардан тортиб олди. Афғонистоннинг (1526-1761) йиллар Шарқий қисмидаги Ғазна, Қобул, Пешовар худудлари мўғиллар, яъни Бобурийлар қўлида эди. Қандахор вилояти қўлдан қўлга ўтиб 1709 йилда Сафавийлар қўлига ўтди. Афғонистон эгалланди Бироқ Афғон қабилалари мустақиллик учун курашни давом этирдилар. Сафавийлар Афғон қўзғолончилариiga қарши Қобулда Қандахорда ва Пешаворда ҳарбий қўшинларни сақлаб туришга мажбур эдилар. Бу қўшинларга қарши Афғон қабилалари бирлашиб ўз мустақиллари учун қарши кураш олиб бордилар. Жумладан Хаттак қабиласидан чиқкан Хўшхалихон бошчилигида 1640-1690 йиллар давомида Бобурийларга қарши 1709 йилда Қандахорда Сафавийларга қарши Мирвайсхон бошчилигида озодлик ҳаракати бўлиб ўтди. Бироқ ўша даврда Бобурийларда ҳам Сафавийларда ҳам ички зиддиятлар кескинлашиб иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан кучсизланиб қолган эди. Шундан фойдаланиб Қандахор хонни Маҳмуд 20 минг кишилик армия билан Сафавийлар пойтахти Исфахонга қарши уруш бошлаб шоҳ қўшинларини 1722 йилда 8 марта Гулобод деган жойда тор-мор қилинди. Эрон шоҳи Ҳусайн асир тушди ва ўлдирилди. Унинг ўрнига Маҳмуд ўзини Эрон подшоси деб эълон қилди. Бироқ Афғонлар ислом динини сунний мазхабида эронийлар эса шиа масхабида бўлганлиги учун ҳам шунинг учун ҳам эрон халқи оёққа туриб Афғонларни ўз юритдан

қувиб юборишга эришдилар. Эрон амалдорларнинг ташаббуси билан шоҳ Маҳмуд амаки укаси Афшор томонидан ўлдирилди. Афшор шоҳ деб эълон қилинди. У турклархужумини қайтарди, енгди, уларни Эрондан хайдаб чиқарди. Шундай бир пайтда туркманларнинг Афшор қабиласидан чиқкан ҳарбий

қўмондон Нодир Қули (1688-1747йил) чиқкан ҳарбий қўмондон ҳалқ лашкарини йиғиб Хуросон ва Астрободни эгаллади.

Энди Нодир Қули олдида Афшор қабиласи ва шу йўл билан 1729 йилда Абдали қабиласи эгаллаб турган Хиротни эгаллаши керак эди. Ниҳоят Нодир Қули билан Абдали қабиласи ўртасида тўрт марта қонли жанг бўлиб бу жангда Нодир Қули ғалаба қозонди. Хиротдан Абдали қабиласини хайдаб чиқарди. Шундан кейин Нодиршоҳ 1829 йилда Афғонларни Исфахондан қувиб юборди. Эрон Афғон қабилаларидан озод бўлди. 1736 йилда Нодир ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилди.

Шундан кейин 1737 йил Нодиршоҳ ўзининг ташқи сиёсатида талончилик урушларини Афғонистон ва Ҳиндистонга қаратди. У даставвал Қандахорни, Ғазнани, Қобулни эгаллади. Бироқ Ҳиндистонга юриш қилиш учун журъат эта олмади сабаби унинг ашаддий душмани Гилза ва Абдали қабиласи бунга қарши тураг эди, шунинг учун Қандахорда яшаб турган Гилзаларнинг катта қисмини Хуросонга кўчирди. Уларнинг жойига Хиротдан Абдали қабиласини кўчирди, иккинчидан Нодиршоҳ 12 минг қизил бошли Эронийларнинг оиласи билан Қобулга ва бошқа шаҳарларга кўчириб келиб жойлаштириди. 1747 йилда Нодиршоҳ вафот этди, у босиб олган давлатлар мустақил бўлди, Бобурийлар давлатига келсак, ўзаро урушлар мамлакатни иқтисодий аҳволини қийинлаштириб қўйган эди.

### **З-савол баёни\***

Афғон қабилалари бирлашиб 1747 йилда мустақил Афғонистон давлатини туздилар . Шундай қилиб, Афғон қабилалари ўртасида йиғин (жирға) ўтказилди ва Абдали қабиласи Садазоийлар уруғидан бўлган

Аҳмадшоҳни Афғонистон шоҳи деб эълон қилди. Қандахор яқинида Нодирабод деган жойда оқсоқоллар кенгаши ёки йифини бўлиб ўтган эди. Хулоса қиладиган бўлсак Афғон қабилалари бирлашиб узоқ йиллар давомида ташқи душманларга қарши кураш олиб бориш натижасида ўз мустақил давлатига эга бўлдилар. Аҳмадшоҳ давлат тепасига келгандан кейин (1747 - 1773) кейин биринчи навбатда мамлакатнинг ички сиёсатига алоҳида эътибор бериб қўйидаги ишларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Биринчидан: ўзининг қабиласини дур деб атади ва шу билан Дурронийлар династиясига (сулоласига) асос солди. Иккинчидан: мамлакатни бошқаришда диндорларга таяниб иш тутди. Учинчидан: давлатнинг ижтимоий тузумида қабилачилик ҳам феодализм ҳам мавжуд эди. Тўртинчидан: Дурронийлар қабиласи ер солигидан озод қилинган эди. Бешинчидан: армияга отлиқ аскарлар факат Абдали қабиласидан чақирилар эди. Шу билан бирга ҳарбий бошлиқлар ҳам Абдали қабиласидан тайинланар эди. Олтинчидан: мамлакатда жиноят қилган кишиларнинг ўша худудда яшаган қабила йўлбошчилари ўзларининг одати бўйича суд қилар эди, албатта бунинг тепасида диндорлар тураг эди. Еттинчидан: Аҳмадшоҳ шаҳарлараро савдо ишларига катта эътибор берди. Саккизинчидан: Аҳмадшоҳ даврида бозор масаласига алоҳида эътибор берилди ва тоштарозидан уриб ўғирлик қилса унга қаттиқ жазо кўриладиган бўлди.

Аҳмадшоҳнинг ташқи сиёсатига тўхталадиган бўлсак у  
Давлатни

бошқаришнинг биринчи кунларидаёқ Афғон худудларидан Ғазнани, Қобулни ва Пешоворни ўзига қаратди. Аҳмадшоҳнинг ташқи сиёсатининг асосий мақсади Ҳидистонга қаратилган эди, шунинг учун ҳам етти марта Ҳидистонга юриш қилди. 1748-1757 йиллар давомида Аҳмадшоҳ Пажобни, Синд, Кашмир, Сирхинд вилоятларини ишғол қилди ва жуда катта бойликларга эга бўлди.

Ўша даврда асосий бойлик босиб олган худудлардан келар эди, Ахмадшоҳ ўзининг ташқи сиёсатига тўхталиб, « менга Афғонистон армия етиштириб берса, Ҳиндистон эса бойлик ёки пул етказиб беради» деб мақтанган эди.

1758 йилга келиб Аҳмадшоҳ З йил Маратхлар билан уруш олиб бориб охирги тарихий жанг 1761 йил 14 январда Панипата текислигига бўлди бу жангда Маратхлар ва Бобурийлар сулоласига барҳам берилди. Шундан кейин Аҳмадшоҳ Ҳиндистонда мусулмон давлатини тузмоқчи эди. Бироқ Қандахорда кўтарилигандай кучли қўзғолон Аҳмадшоҳ сиёсатига қарши қаратилигандай эди. Буни эшитган Аҳмадшоҳ катта ўлжалар билан шошилинчи равишда Афғонистонга қайтади ва қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Шундан кейин Аҳмадшоҳ Машҳадни ва Нишопурни босиб олди у йирик марказлашган давлат тузмоқчи эди аммо бу мақсадига эришолмади ва 1773 йилда вафот этди. Унинг ўрнига Темуршоҳ 1773-1793 йилгача давлатни бошқарди унин Темуршоҳ даврида пойтахт Қандахордан Қобулга кўчирилди. Унинг даврида мамлакат худуди Кашмир Синд ва Пешовар унинг худудидан чиқиб кетди унинг даврида Афғонистон ўз худудини Шимолга кенгайтиришга ҳаракат қилди. Бироқ 1789 йилда Шимолда ўзбеклар беги Муродбек бошчилигига қўзғолон кўтарди, бу қўзғолонга қарши 100 минг кишилик армия билан юришни бошлади. Балх томон юриш қилди, бироқ шоҳ қўрқиб хужумга ўта олмади ва Муродбек билан сулҳ тузди. Чегара Амударёнинг чап ва ўнг томони қилиб белгиланди. Шундан кейин мамлакат ҳар томонлама таназзулга юз тута бошлади. Темуршоҳ даврида Афғонистоннинг халқаро майдонда тутган ўрнига тўхталадиган бўлсак. Замоншоҳ даврида (1793-1801) бошқарди. Замоншоҳ даврида Садазоийлар ҳукмронлиги 1818-йилда тугади. Шу билан Дурронийлар династиясига барҳам берилди. Унинг ўрнига Бараказий қабиласидан чиққан Дўстмуҳаммад давлат тепасига келди унинг даврида Англия Афғонистоннинг ички ишларига аралашадиган бўлди ва Хайбар йўли

орқали Афғонистонга ҳужум қилишга тайёргарлик кўра бошлади, буни сезган Дўстмуҳаммад Россиядан ёрдам сўраш учун 1837 йил ўз элчиларини Петербургга жўнатди. Натижада Россия билан Англия ўртасида зиддият келиб чиқди. Сабаби Англия Афғонистонга уруш харакатларини бошласа Россия Ўрта Осиё масаласида Англиядан хавфсирап эди.

Зоманшоҳ даврида (1793-1801) Ҳиндистонга юриш қилди аммо натижасиз қайтди. 1826-1863 йиллар давомида Афғонистонни Дўстмуҳаммад бошқарди.

#### **4-савол баёни\***

1838-1842 йилларда биринчи Англия Афғон уруши бўлиб ўтди. 1838 йил сентябр ойида шуджини тахтда ўтказиш учун 22 минг кишилик армия билан Афғонистонга юришни бошлади. Англия қўмондони Макнотен унинг ҳарбий котиби Александр Бернс эди. Қандахор қаршилик кўрсатмади. Дўстмуҳаммад шимолий Афғонистон худудига қочди. Душман 1839 йил Қобулни эгаллади, бу урушга Англичанлар 60 минг фунт стерлинг сарфлади. 1841 йил кузида афғонлар тожиклар бирлашиб инглизларга қарши курашди, бироқ Дўст Мухаммад асир тушди ва Ҳиндистонга асирга юборди. Дўстмуҳаммадларнинг ўғли Акбархон билан 12 декабр 1841 йил шартнома тузди. Англичанлар ўз қўшинларини Жалолобод ва Қандахордан чиқариб кетиши керак эди, аммо бу шартномани Макнотен бажармади. 1842 йил 6 январда Англия қўшини катта талофатлар кўриб Афғон худудини ташлаб чиққа бошлади.

Дўстмуҳаммад 1863 йил вафот этди узоқ тортишувлардан кейин унинг ўғли Шералихон 1869 йил тахтга ўтирди, 1878 йилда Берлин Конгресси кетаётган бир пайтда Россия Англияга ўз таъсирини ўтказмоқчи бўлди. Столетов бошчилигида рус миссияси келди бироқ Шералихон миссияни қабул қилмади. 1878 йил ноябр ойда Англия Афғонистонга уруш

бошлади Шералихон 1879 йил феврал ойида вафот этди. Давлат тепасига Ёкубхон келди.

### **5-савол баёни\***

1901 йили Абдураҳмон вафот этди. Амирлик тахтини Ҳабиулло эгаллади. У отаси йўлидан кетиб афғон қабилаларини бирлаштириш сиёсатини олиб борди. Инглизларга қарши курашни давом эттиради. Россия билан савдо алоқалрни ўрнатди . Бунга жавобан Буюк Британия Афғонистонга қарши иқтисодий қамал сиёсатини қўллади.

Айни пайтда 1904 – йили Буюк Британия Афғонистонга битим таклиф қилди. Унда ташки савдо Буюк Британия назоратида Бўлмоғи мамлакатда инглизларнинг темир йўл қуришига розилик бериш, инглиз фуқороларининг Афғонистонга эркин кириб чиқишига руҳсат бериш талаб қилинган эди. 1907 йилда шу масалалар кўзда тутилган битим имзоланди. Айни пайтда Афғонистон Буюк Британия манфаатлари минтақаси деб эълон қилинди. Россия учун эса савдо ҳуқуқлари берилди ҳолос.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ўрта Шарқда 1747 йил Афғонистон мустақил давлати ташкил топди.

Афғонистон давлати ташкил топгандан кейин ўзининг ташки сиёсатини Ҳиндистонга, яъни Бобурийлар сулоласини ағдариб ташлашга қаратди. Мустақил Афғонистон давлатига XVIII асрнинг 40 йилларига келиб чет мамлакатларнинг жумладан Англия ва Россия давлатларининг қизиқиши кучайди.

**7- МАВЗУ: XVII АСРНИНГ 2-ЯРМИ ВА XIX АСР ЎРТАЛАРИДА  
КОРЕЯ**

T/p	<b>Бажариладиган иш мазмуни</b>	<b>Амалга оширувчи маъсул</b>
<b>1.</b>	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>Кореяда феодал тузумининг қулаши тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>1862 йилги дехқонлар қўзғолони тўғрисида талабаларга тушунча бериш.</p> <p>«Сирхак» ғоявий оқими ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Миссионерлар Кореяда. «Тонхак» шарқий таълимотининг моҳиятини ёритиб бериш.</p> <p>XIX асрнинг 60-70 йилларида АҚШниг Кореяга қилган агрессияси ҳақида талабаларга тушунтириш.</p> <p>1893-1894 йилларда дехқонлар қўзғолонининг мақсадини ёритиб беради.</p> <p>XIX асрнинг охирида империалистик давлатларнинг Корея учун кураши ҳақида маълумотлар беради.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Кореядаги иқтисодий аҳволни ёритиб беради.</p> <p>«Сирхак» ғоявий оқими ва унинг аҳамияти тўғрисида маълумот беради.</p> <p>Миссионерлар Кореяда. «Тонхак» шарқий таълимотининг моҳиятини ёритиб бериш.</p> <p>XIX асрнинг 60-70 йилларида АҚШниг Кореяга қилган агрессияси ҳақида талабаларга тушунтириш</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Корея, .«Сирхак», Миссионерлар, «Тонхак», Агрессия , Дехқонлар қўзғолони, Феодал тузум,</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b></p> <p>Гурухларда</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b></p> <p>маъруза, дебат, баҳс, ақлий хужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b></p> <p>Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
<b>2.</b>	<p><b><u>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</u></b></p> <p>-Мавзу эълон қилинади.</p> <p>-Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	<b>Ўқитувчи</b>
<b>3.</b>	<p><b><u>Гурухда ишлаш босқичи:</u></b></p> <p>-Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>-Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга</p>	<b>Ўқитувчи</b> <b>Талаба</b>

	чақирилади. -Умумий хulosалар чиқарилади ва түғрилиги текширилади. -Умумий хulosага келинади.	
4.	<b><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</u></b> - Корея тавлатининг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг? - Кореяда ярим мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди? - Сирхак ғоявий оқими ва унинг аҳамияти тўғрисида маълумот беринг? - «Тонхак» тўғрисида маълумот беринг?	Ўқитувчи
5.	<b><u>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</u></b> - Корея тарихида Манжурларнинг ҳукмронлиги ва оқибатлари . - Кореяда миллий озодлик ҳаракатлари. - Корея қишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчилиги. -Кореяга АҚШ ва Япониянинг тажовузи. - Мустақиллик клуби ва унинг фаолияти.	Ўқитувчи

## Ажратилган вакт – 2 соат

### Асосий саволлар:

1. Кореяда феодал тузумининг қулаши.
2. 1862 йилги дехқонлар қўзғолони.
- 3.«Сирхак» ғоявий оқими.
4. Миссионерлар Кореяда. «Тонхак».
- 5..Корея ва АҚШ XIX асрнинг 60-70 йилларида.
- 6.1893-1894 йилларда дехқонлар қўзғолони.
- 7.XIX асрнинг охирида империалистик давлатларнинг Корея учун кураши

### Мавзуга оид муаммолар:

1. Кореяда феодал тузуми хақида гапиринг?
2. Корея ва АҚШ XIX асрнинг 60-70 йилларида?
- 3 ..«Сирхак» ғоявий оқими қандай рол ўйнади?
4. 1893-1894 йилларда дехқонлар қўзғолонининг аҳамиятини айтинг?
5. XIX асрнинг охирида империалистик давлатларнинг Корея учун кураши?

### Мавзуу юзасидан дарснинг мақсади:

Кореяда феодал тузумининг қулаши. 1862 йилги дехқонлар қўзғолони , «Сирхак» ғоявий оқими, Миссионерлар Кореяда. «Тонхак»,1893-1894 йилларда дехқонлар қўзғолони, Корея ва АҚШ XIX асрнинг 60-70 йилларида ва XIX асрнинг охирида империалистик

давлатларнинг Корея учун кураши тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Янги даврда Кореядаги сиёсий ҳолатни кўрсатади.
2. Корея тараққиёт даражасини таҳлил қиласи ва шарҳлайди.
3. Корея тараққиётида «Сирхак» ғоявий оқимининг ўрни.

### **1-савол баёни\***

XVII асрнинг 30 йилларидан бошлаб Корея Маньчжур (Цин) династияси вассал қарамлиги остида эди, аммо амалда Корея ички ва ташқи сиёсатда мустақил иш юритарди. Корейс қироллигининг вассал қарамлиги император саройига вақти - вақти билан. элчи юбориш ва солиқ тулашда намоён буларди.

XVIII асрда Кореяning ижтимоий-иқтисодий аҳволи феодал қолоқлигича қолаверган давлат эди. Бутун ер Корея хукуматига қарам эди. Ер уч блокка бўлиниб, яъни 3 категорияга тақсимланган.

1.Давлат ери (Конгжон) феодалларининг ҳволи ери бўлиб кейин марказий ерлар ҳисобланар эди.

2.Феодалларнинг шахсий ерлари (Сагжон)

3.Дехқонлар ери (Мингжон)

Дехқонлар ўз ерларида ишлаб олинган ҳосилнинг бир қисмини феодалларга берар эди. Агарда дехқонлар ортиқча ерга эга бўлса дарҳол давлат хукумати олдида жиноий жавобгарликка тортилар эди.

Солиқлар ер рентаси тариқасида тўланаар эди. XVIII асрга келиб давлат солиғи пул солиғи билан олинарди. Хван Хэ, Кёнсан, Канвон, Чхунчхон каби вилоятларда.XIX асрнинг ўрталарида хукумат буғдой билан пул солиғини кучайтирди. Айниқса, корейс ҳунармандлари, дехқонлари ва давлат ҳунармандлари билан бирлашдилар. Ҳунармандлар монастирларда ишлар эдилар. Ҳар қандай монастирда ишлаб чиқарадиган маҳсулоти қофоз,

түш, ҳар ҳил уй буюмлари ясар эдилар. Давлатнинг ўзи шахси хунармандчилик билан ишлашга рухсат этилган эди.

Лекин хунармандларнинг ахволи ниҳоятда оғир ахволда яшар эдилар. Лекин ҳаёт тўхтаб турмади хунармандчиликнинг ўрнига мануфактуралар вужудга келди. Мануфактураларнинг вужудга келиши Кореяда капиталистик тузумнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Мамлакатда ипакчилик ниҳоятда ривожланди. Айниқса Ёнбён, Сончхон, Хвэрён, Кёнчжон ва Кванчжу вилоятларда кенг ривожланди. 1800 йилларга келиб ички савдо кенг йўлга қўйилди. Шу пайтга келиб 1600 савдо омбори бўлиб, бу омборлар қўйидаги шаҳарларда жойлашган эди. Булардан Сеул, Кэсон, Тэгу, Кванчжу, Пхенъян шаҳарлари эди.

XVIII -XIX асрларга келиб Корея қишлоқ хўжалигига анча силжишлар юз берди. Айниқса ўрмончилик, боғдорчилик ривожланиши ишлаб чиқаришга катта таъсир қилди. Лекин қишлоқлардаги дехқонлар солиқ тўлашдан эзилган эди.

XVIII ўрталарида қонуний равишда 16 кг солиқ тўлайдиган бўлди. Дехқонлар учун энг оғир нарса бу давлатга 16 йил ҳарбий хизматни ўтаб бериши керак эди. 46 ёшга борганда истеъфога чиқиб гуруч ёки материалдан ёрдам бериши керак эди. Хукуматнинг бундай сиёсатига эзилган дехқонлар 1808 йил қўзғалон кўтарди. Қўзғалон Хамчён вилоятида бошланди. 1811 йилга келиб Коқсан вилоятида ҳукумат ташкилотларини қўлга олди. Қўзғалончилар қамоқхонада ётган кишиларни озод қилдилар. Ҳукумат бу қўзғалонни бостириш учун кучли қўшин юборди. Қўзғалон бостирилди 37 одамни ўлимга хукм этдилар, 130 кишини қамоққа олдилар. 1811-1812 йилда кучли дехқонлар қўзғалони бўлди. Бу қўзғалонга Хон Гён Нэ раҳбарлик қилди. Қўзғалон Пхенянда бошланди.

Хон Гён Нэ отряди 1000 кишидан кўпроқ бўлиб, шимолда Ким, Чан, Си бошчилигидаги отряд ҳаракатга келди. Ҳаракатнинг биринчи кунидаёқ қўзғалончилар 8 уездни қўлга киритдилар. Армияга дехқонлар, ишчилар,

корейс кончилари бирлашиб уларнинг сони 5 минг кишини ташкил қиласидиган бўлди. Улар феодал саройларини вайрон қилдилар. Чхончихон шаҳрини қўлга олдилар. Ҳаракат Анжуга қараб бошланган эди. Лекин вақтни бой берган эди. Хон Гён Нэ шимолга чекиниб Чонжу қалъасига бориб 4 ой қалъани мудофаа қилди. Лекин 1812 йил апрелда хукумат қўшиналари қалъани эгалладилар. Хон Гён Нэ мудофаада қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Корейс давлати ва хукмрон феодал синфи аҳолига оғир солик ва мажбуриятлар юклади. Солиқлар асосан натура шаклида олинарди: зироатчилик маҳсулотлари (булардан энг асосийси гуруч), хонаки ва майдага ҳунармандчилик маҳсулотлари. Корея иқтисодий ҳаётининг асосини натурал дехкон хўжалиги ташкил қиласиди. Дехқончилик хўжалигига ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот эҳтиёжини (олий навли ипак матолари, парча, олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар, фарфор ва фаянс, турли хил қўрол-яроғлар ва бошқалар) хукмрон синф турли хукумат муассасалари руйхатидаги крепостнойга айлантирилган ҳунармандлар меҳнати ҳисобидан қондиришар эди. Ҳукумат ҳунармандчилик ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ва савдони тартибга солиш билан шуғулланарди.

1786 йилга келиб Корея аҳолиси 7,3 млн кишига етди. XVIII асрда кузатилган ишлаб чиқариш кучларининг бир оз ўсиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кенгайишини, гуруч ҳосилдорлигини ошириш янги методларини жорий этилишини таъминлади (кўчат қилиш), шу жумладан техник томорқа экинларини (тамаки, женъшень, ширин картошка, кади, помидор ва бошқалар) ҳам. Шу билан бир қаторда ирригация ишлари кенгайтирилди, ҳунармандчилик ва савдо соҳасида ўзгаришлар содир бўлди.

XIX асрга келиб, ҳукумат муассасалари руйхатидаги крепостнойга айлантирилган усталарнинг ҳунармандчилиги ишлаб чиқаришнинг

(зироатчиликдан ажратилган) муҳим формаси булмай қолди. Нафакат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам чўян қозон, қишлоқ хўжалиги қўроллари, фарфор ва фаянс буюмлар, коғоз ва бошқа буюмлар тайёрланадиган ҳунармандчилик устахоналари вужудга келди. Барча ҳудудларда ишлаб чиқариладиган буюмларни ихтисослаштириш бошланди ва бу буюмлар бутун мамлакат буйлаб сотиладиган бўлди. Пхенянда вилоятидаги Сончхон ва Ёнбён, Чолладо вилоятидаги Начжу ипак матолари билан, Жанубий Кореяning бир қатор ҳудудлари пахта матолари билан, Кёнгидо вилоятидаги Ансон бронза идишлари билан, Кёнгидо вилоятидаги Пунвон фарфор - керамика. буюмлари билан машхур эди.

Кўплаб ҳунармандчилик корпорациялари - *ке* (цех) пайдо бўлди. Кейинчалик кенг тарқалган эркин ҳунармандчилик крепостной бўлган давлат ҳунармандларининг кам унумли меҳнатини қўллаш фойдасиз эканлигини кўрсатди. Шунинг учун кўпгина ҳукумат муассасалари асосий ишларни бажаришда ёлланма ишчи кучини- жалб қилдилар. Саройга керакли хилма-хил буюмлар ва қўрол -аслаҳалар ишлаб чиқарадиган сақланиб қолган ҳукумат устахоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш учун пул ёки дон мукофоти билан рағбатлантириш йулга кўйилган эди.

Буларнинг ҳаммаси пул аҳамиятининг ўсишига, янги бозорларнинг пайдо булишига ва савдо алоқаларининг кенгайишига ёрдам берди. XIX асрнинг бошидаёқ, Кореяда мингдан ортиқ маҳаллий бозорлар бор эди, уларнинг катта қисми беш кунда бир марта ишлар эди. Мол, шифобахш ўтлар ва бошқа товарлар сотиладиган маҳсус бозорлар ҳам мавжуд эди. Маҳаллий бозорлар ҳали умуммиллат бозорига қўшилмаган эди, аммо XIX асрга келиб Вончжу, Чончжу ва Тэгуда дорилар савдоси бўйича умумкорейс ярмаркаси мавжуд эди. Кореяning чегара ҳудудларида бозор марказлари вужудга келди, мамлакат изоляцияси (яккаланиши) даврида ҳам бу марказларга Хитой ва Японияга савдо хизматини кўрсатиш

рухсати берилди. Бу бозорларда дон, женъшень, катта шохли моллар, балиқ, туз, пахта ва пахта матолар, кофоз ва корейс хунармандчилигининг бошқа буюмлари сотиларди.

Товар - пул муносабатларининг ривожланиши билан савдогарлар капитали ҳам ўсиб борди. XIX асрга келиб бир қанча савдогарлар корпорациялари - *гильдий* мавжуд эди. Булардан энг кўп сонлиси майда сайёр савдогарлар корпорацияси ҳисобланарди, улар ўз товарларини саватларда ва маҳсус мосламаларда олиб юрадилар. Бир неча юз минг кишидан иборат бу корпорация маҳаллий бозорда ҳукмронлик қиласиди. Чакана ва қўтара савдо билан, бундан ташқари анча аҳамиятли кредит-молия операциялари билан (жамғарма, вексель, ссуда) шугулланадиган йирик савдогарларга майда савдогарлар қарам эди. Савдогарлар савдо-судхўрлиги фаолиятини жамиятда эгаллаб турган мавқеи туфайли савдогарлик билан шуғуллана олмайдиган феодаллар капитали ёрдамида амалга оширади.

Мамлакатда рўй берган иқтисодий ўзгаришлар феодал ер эгалигига ўз таъсирини кўрсатди. Давлат ерларидаги дехқонларининг ер улушини дворянлар томонидан эгаллаб олиниши ва сотиб олиниши натижасида ҳусусий ер эгалигининг тез ўсиши руй берди. Кўпинча ер сотувлари подшо саройининг вакиллари ва айрим давлат муассасалари томонидан амалга оширилар эди. Заминдорлар ҳусусий ер эгалигининг кенгайиши давлат ер солиғи олинадиган ер майдонларининг кескин қисқаришига олиб келди. Шунинг учун ҳукумат уз йуқотишларини эски солиқларни кўпайтириш ва янги солиқлар жорий қилиш йўли билан тўлдиришга ҳаракат қилди. Мавжуд ер солиқларидан ташқари, ер эгалиги шаклига қарамай, мамлакатнинг барча ер майдонларидан қўплаб бошқа солиқлар олиш жорий этилди. Заминдорлар ер эгалигининг тез суратда ўсиб бориши дехқонларни кучли эксплуатация қилинишига олиб келди. Ҳукумат собиқ дехқонларининг анчагина қисми заминдорлар қарамлигига тушиб қолди.

Заминдорлар дехқонлар ҳосилининг 60 % дан 70 % гача бўлган қисмини тортиб олардилар ва турли мажбуриятларни бажаришга мажбур қилардилар. Дехқонларни феодаллар томонидан эксплуатация қилиниши савдо-судхўрлик капитали тамагирлигига teng келарди. Барча йигиб олинган соликлар савдогарларга бадал тариқасида берилар эди. Савдогарлар бу соликлар йифинини ихтиёрий равишда оширадар эди. «Қайтариб олинадиган дон (ғалла)» номи билан танилган давлатнинг дон захираларини ссуда судхўрлик капиталига айлантирилишида ҳукуматнинг ўзи судхўр сифатида қатнашиб келган.

Ҳукумат аппарати ёрдамида дехқонларга ғалла орқали кабал ссуда мажбуран бериларди, амалда бу очиқдан-очиқ талончиликка тенглашар эди. Натижада кузда дехқонлар олинган ссудадан фоизи ортиқроқ бўлган қарзни «қайтариб» беришлари лозим эди. Ҳукумат аппаратида коррупция ва давлат ғазнасини талон-тарожлик ғилиш хукм сурарди. Мамлакатда маош олмайдиган ва йифиладиган соликларнинг анчагина қисмини ўзлаштириб олиш ёки қўшимча соликлар ва пора олиш орқали кун кечирадиган майда амалдорларнинг йирик қатлами мавжуд эди.

Кореядаги мавжуд тартибларга танбех бериб XIX аср бошларида яшаб ўтган корейс мутафаккири Чон Як Ён (1762-1836) «Халқларни бошқариш хақидаги ўйлар» китобида: «Халқ уз ерида далалар барпо этади, амалдорлар эса халқни терисини шилиб, суюкларини синдириб, тагтомиригача талаб халқдан далалар барпо этадилар» - деб ёзган эди.

Ўша даврда бир амалдор: «Халқнинг аҳволи жуда оғир, нафс балоси сув тошқини фалокатидан ёки ёввойи ҳайвонлар етказадиган фалокатдан кўра қўрқинчлироқдир» - деб ёзган эди Феодаллар тамагирлиги қишлоқ хўжалигининг пойдеворига зарар етказарди ва кўплаб дехқонларни қашшоқликка олиб борарди. Дехқонлар ишлатадиган арзимас ер парчалари ориқлашиб борар эди. Ирригация тармоғи заифлашиб бормоқда эди. Ҳосилсизлик ва очарчилик доимий ҳолатга айланиб қолган эди ва минглаб

одамларни ёстигини қуригадиган ўткир юқумли касалликлар тарқалиши авжига чиққан эди.

## 2-савол баёни\*

**1862 йил дехқонлар қўзғолони.** XIX асрнинг иккинчи ярми янги қўзғолонлар билан бошланди. Булардан энг каттаси 1862 йилда Чинчжу округида (Кёнсандо провинцияси) ва мамлакатнинг бошқа худудларида руй берди. Амалдорларнинг ўйлаб чиқарган 60 минг нян миқдордаги тўланмай қолган қарзлар хақидаги сафсатаси ва бу қарзларни аҳолидан ноқонуний ундириб олиш талаби Чинчжу дехқонларининг қўзғолонига сабаб бўлди. Белкурак ва бамбук таёклари билан қўролланган минглаб дехқонлар округ марказига бостириб кириб манфур амалдорларни жазоладилар. Бундан сўнг атрофдаги заминдорларга зарба бериб уларнинг мол-мулкини бўлиб олдилар. Бир ҳафта ичидаги қўзғолончилар округнинг 22 вилоятига тарқалиб кетдилар. Бу вақт давомида заминдорларнинг 182 уйжойлари вайрон қилиниб, ёндирилиб ва 100 минг нян миқдоридаги мол-мулк талон-тарож қилинди.

Чинчжу қўзғолонидан кейин бошқа округларда ҳам бирин-кетин қўзғолонлар кўтарилиди. 1862 йилнинг март ойида Чолладо провинциясидаги 3 мингта Иксана дехқонлари қўзғолон кўтардилар. Апрел ойида бир неча минг қўзғолончи дехқонлар Кэрёндаги (Кёнсандо провинцияси) қамоқхонани забт этиб, махбус ўртоқларини озод қилдилар; солиқ рўйхатлари сақланадиган ҳукумат муассасаларига ўт қўйдилар; ундан кейин амалдорлар ва заминдорлар уй-жойларини вайрон қилишиб, уларнинг мол-мулкини бўлиб олдилар. Энг манфур амалдорлар ўлдирилди. Шу тарзда бошқа бир қатор худудларда ҳам қўзғолонлар бўлиб ўтди.

Кореяда 1862 йил - дехқонлар қўзғолони йили бўлди. 10 ой давомида 10 минглаб одамлар иштирокида 21 та йирик дехқонлар қўзғолони руй берди. Аммо бу қўзғолонларнинг ҳаммаси бостирилган эди. Бу

кўзғолонлар тартибсиз, чала бўлиб, мавжуд тузумга қарши оммавий ташкиллаштирилган курашга айланмади. Дехқонлар одатда, ўз округ ва провинцияларида - эски хукмдорлар ўрнига, янги ва яхши хукмдорларни сайлаш ҳаракатида бўлар эдилар. Аммо, мамлакатнинг ҳар жойларида бўлиб ўтадиган бу чала, тартибсиз дехқонлар қўзғолони ҳам хукумат асосларини заифлаштирас эди.

XIX асрнинг биринчи ўн йилликларида эски феодал муносабатларининг секин ва оғир парчаланиш жараёнлари Кореяни чуқур инқирозга олиб келди. Бу даврда бошланган дехқонлар қўзғолони асрнинг иккинчи ярмида кучайди. Сақланиб қолган қолоқ феодал муносабатларнинг ҳукмронлиги мамлакатни қашшоқлашишига олиб келди ва унинг ташқи хавфга қарши курашиш қобилиятини сусайтирди. Кўп ўтмай чет эл колонизаторларининг Кореяга қилган хужуми корейс халқининг аҳволининг яна ҳам ёмонлашишига олиб келди.

### **3-савол баёни\***

**«Сирхак» ғоявий оқими.** Феодал системасининг таназзули нафақат синфлар курашини кескинлашишини, аммо Кореянинг ҳукмрон синфи ичидаги зиддиятларни кўчайишини келтириб чиқарди. Агар, XVIII аср давомида ва XIX асрнинг биринчи ярмида заминдорларнинг муайян бир гурухининг диктатураси ўрнатилган бўлса— *норон* (қариялар), бу ҳукмрон синфнинг ички зиддиятларини бартараф қилинишидан далолат бермас эди, фақатгина ўсиб бораётган дехқонлар қаршилигига ва аҳоли қатламининг нуфузи ортган савдо-хунармандларига қарши курашиш учун кўч тўплаш ҳаракати эди.

Феодалларнинг шафқатсиз эксплуатацияси ва зулмига қарши эзилган дехқонларнинг қаттиқ норозилиги, яхши хаёт хақидаги орзулари адабиёт ва фольклорнинг турли асарларида ўз аксини топган. Шу билан бирга корейс феодал жамиятида ички зиддиятлар ўткирлашиб борган сари, ҳукмрон

синфнинг айрим вакиллари мамлакатда қаддини рослаётган антифеодал кучларнинг интилишларига ён босиб, эски конфуцион ғояларни рад этиб, «Сирхак» (реал фанлар учун) шиори остида олдинга чиқдилар. XVII-XVIII асрларда вужудга келган бу ғоявий оқим ўзига хос шаклда эски асосларга қарши курашаётганларнинг манфаатларини акс эттириб, феодал Кореяning бошидан кечираётган оғир таназзулдан олиб чиқиш йўлини ахтаргандар.

Ғоявий муносабатда сирхак оқими ҳали етуклиқдан йироқ ва ҳар хил босқичларда турлича эди; у ўша даврдаги феодал тузумининг ва бу тузумни ёритаётган конфуцион ғоясининг ўзига хос танқиди эди. Бу ғоянинг тарафдорлари ижтимоий ва иқтисодий хаётда ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тан олишарди, хаёт билан боғлик бўлган реал фанларни жорий этилишларини таъкидлаб ўтишарди ва бу фанларга нафақат табиий фанларни (астрономия, математика, медицина, агрономия ва хоказо), шу қаторда тарих, география, тилшунослик ва адабий фанларни киритишар эди. Бу ғоянинг фаолиятчилари бошқа мамлакатлардан илғор фан-техник билимларни ўзлаштириб олиш зарур деб ҳисоблашарди.

Сирхак ғояларини кўплаб XVIII аср охири - XIX аср бошларидағи корейс маданиятининг атоқли вакиллари тарғибот қилишарди. Булар қаторига «Шимол таълимоти»нинг тарафдорлари табиатшунос Хон Дэ ЁН, Пак Чи Вон ва бошқалар киради. Улар фан- техник билимларни Корея қўшниси Хитойдан ва Европадан ўзлаштириб олиш зарур деб ҳисоблашарди. Хон Дэ Ён ер ўз ўки атрофида ва қуёш атрофида айланади деган хulosани мустақил чиқарди ва бу хulosаси билан ҳукмронлик қилиб келган коинот тузилиши хақидаги тасаввурларни ағдариб ташлади. Пак Чи Вон ўзининг беллетристик асарларида Корея заминдорларининг конфуцион олимлик димогдорлиги, нодонликлари устидан зарда билан масхара қиласи, халқ оммасининг оғир ва ҳуқуқсиз ахволига эътибор беради. Мамлакатнинг иқтисодий ахволини яҳшилаш ва халқнинг азобларини енгиллаштириш учун, Пак Чи Вон бошқа сирхак мутафаккирлари сингари, кишлоқ

хўжалигини бошқаришда яҳширок усулларини жорий этиш, савдо ва саноатни ривожлантириш керак деб ҳисоблаган.

Сирхакчилар инқилобчи бўлмаган, улар эзилган халқнинг аҳволига ва курашига чуқур ачинишига қарамай ўз ғояларини маърифатли ҳукмдор орқали амалга оширмокки бўлганлар. Аммо, хаттоки шундай ўтча оппозиция ҳам, ҳукмронлик қилиб келаётган норон гурухи томонидан ғазабли репрессияларни келтириб чиқарди. Атоқли сирхак мутафаккирларидан бири Чон Як Ён бундай таъқибларнийг қурбонига айланди. 1801 йилда у ўлим жазосига маҳкум қилинди ва кейинчалик ўлим жазоси сургун қилинишга алмаштирилган эди. Узоқ муддатли сургунда Чон Як Ён социал утопиясини, идеал тузилган жамият лойихасини яратади. Бу жамият асосида дехқон жамоалари қуидаги принцип буйича ер билан таъминланади: «Ер унга ишлов берганларга тегишли, унга ишлов бермаганларга у тегишли бўлиши мумкин эмас». Бунда хеч ким бироннинг меҳнатини ўзлаштириб олмаслиги ва хар ким жамоа хўжалигига сарфланган меҳнатига яраша маҳсолот олиш учун хўжаликни бирга бошқариш кўзда тутилган эди. Чон Як Ён меросий монархияни қоралар эди ва халқ суверенитети ғоясини умумий тарзда илгари сурарди, яъни шуни маълум қилдики азалдан халқ ҳукмдорлар учун эмас, балки ҳукмдорлар халқ учун мавжуд бўлганлигини. Сирхак оқими XVIII аср охирида маданий қўтарилиш юзага келишига сабаб бўлди ва XIX асрда корейс маданиятининг ривожланишига самарали таъсир қилди.

Математика, астрономия, механика, физика, ботаника, медицина фанларининг маълум даражада ривожланиши ва корейс географияси, тарихи, тили ва адабиётининг ўрганилиши анчагина илмий йўлга қўйилганлиги XVIII аср охиридаги сирхак мутафаккирлари фаолиятининг натижаси ҳисобланди. Тарихчилар ўрта аср манбалари маълумотларини танқидий равишда фахмлаб олишни бошладилар.

Сирхак ғоялари тасвирий санъатга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида корейс рассомчилик санъатида реалистик оқим вужудга келди. Атоқли корейс рассоми Ким Хон Донинг (1760 й) расмларида фақатгина ҳукмрон синфни тасвирлаш ўрнига биринчи бор халққа нисбатан тўла севинч билан ёрқин таърифли турли ижтимоий образларни яратади: туникачи уста, темирчи ва бошқалар. Ким Хон Донинг замондоши рассом Син Юн Бокнинг жанр расмларида кўпинча шахарликлар тасвирланарди. Рассомлар Син Ви- («Қора бамбук» расмининг муаллифи) ва Нам Ке У - XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида машхур пейзаж усталари бўлишган.

Чон Як Ён ижтимоий-сиёсий тафаккур ва фанларнинг турли соҳаларини ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Чон Як Ен тарихий география («Мамлакатимизни ўрганиш») ва корейс тили тарихи («Сузлар маъносини нотуғри изоҳлаш хақида») хақидаги мислсиз илмий ишларни ёзиб қолдирди. Унинг математика ва механика, физика ва астрономия, физиология ва медицина буйича, кейинчалик унинг 76 томлик адабий мероси тўплашга киритилган, қўплаб асарлари ҳозиргача катта аҳамиятга эга. Табиатшунос позициялардан Чон Як Ён диний хурофот, астрология ва табиблика қарши кураш олиб борган. Ўша даврдаги хурофотлар ва «бахтли», - «бахтсиз» кунлар кўрсатмалари билан тўлдирилган календарлар ўрнига у халқ учун илмий календар тузди. Бу календарларда дала ишларини бошлиш энг яхши муддатлари, хонаки ҳайвонларни озиқлантириш, даволаш қоидалари ва қишлоқ ҳўжалиги бўйича бошқа фойдали билимларни маслаҳат қилишга ўринди. Чон Як Ён биринчи бўлиб чечакка қарши эмлашни таклиф қилди. У техник янгиликларни жорий этиш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган эди. Чон Як Ён фалсафада ўтмишдошларининг материализм ғоялари куртакларини ривожлантиради ва ҳукмронлик қилиб келаётган неоконфуцион идеалистик системасини танқид қиласди ва идеал бошланиш на худо, на бошқа ғайритабиий

мавжудот томонидан яратилган, балки у моддий бошланишнинг ўзига ҳос ўзгаришидир деб айтар эди.

XIX аср нинг биринчи ярмида Кореяning ички сиёсий ҳаётида ва идеологиясида реакцион сақловчи тенденциялар юқори келди. Шунга қарамай сирхакчилар корейс фани ва адабиёти ривожланишига фойдали таъсирини ўтказдилар. Қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганишда критик методларини қўллаган олим Ким Чон Хи катта натижаларга эришди (1786-1856 й). У ўзи «Кореяning эпиграфик ёдгорликлари таърифи» асари билан илмий эпиграфиканинг бошланишига қадам қўйди. У нафакат бир қатор муҳим эпиграфик ёдгорликларни очди, ёзувлари ўчган текстларни тиклади ва мазмунини расшировка қилди, шу билан бирга тарихни ўрганиш вазифалари билан боғлади. У моддий археологик ёдгорликлар ёрдамида Кореяning ибтидоий жамоа тарихини ўрганишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Хитойга ташрифидан кейин Ким Чон Хи бир неча ўн йилликлар давомида атоқли Хитой олим-адабиётчилари (Цао Юй - Шуй, Вэн Фан - Ган, Юань - Юань ва бошқалар) билан фаол равишда боғланиб турди ва улар билан қўпгина Хитой адабиёти ва ёзуви тарихи масалаларида илмий фикрлар алмасиб турди ҳамда Ким Чон Хи бу фанларни ўрганишда ўз хиссасини қўшди.

Аср ўрталарида Ли Кю Гён томонидан тузилган Кореяning этнографик таърифларида критик тадқиқот методлари ўз аксини топган. XVIII асрдаёқ Кореяning тўлиқ географик таърифи (1863 йил) ва географик карталарининг тузилиши (1861 йил) бўйича бошланган ишлар 60 йилларда тутатилди.

60 йиллар бошларида янги низомлар «Буюк тузукларнинг такорий тўплами»ни (1785 йилда тузилган «Буюк тузукларнинг тўлиқ тўплами» ўрнига) тузиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳукмрон синф сиёсати ҳамда феодал тартибларни мустаҳкамлаш ва қирол ҳукуматини улуғлаш билан боғлик бўлган.

XVIII аср охирида япон истилоси даврида вайрон қилинган Кёнбоккун саройини реставрация қилиш ишлари бу сиёсатнинг мақсадига қаратилган эди. Бу монументал сарой Ли династиясининг ҳукмронлик давридаги энг йирик архитектура ёдгорлиги бўлиб ҳукмронлик қилиб келаётган қирол династиясининг буюклиги ва куч қудратини тимсоли бўлиш керак эди. Кёнбоккун бутун бир комплекс сарой иморатларидан иборат бўлиб, булардан энг ахамиятлиси «Шон-шараф дарвозаси» ва Тахт палатаси.

#### **4-савол баёни\***

**Миссионерлар Кореяда. «Тонхак».** XIX аср. бошларида Корея Европалик колонизаторлар эътиборини ўзига тортди. Дастрраб уларга корейс аҳолиси орасида христиан динини тарғиб қилиб юрган миссионерлар йўл очиб берди.

Христиан тарғиботи ўзи учун қулай шароитда ривожланиб келди. XII-XIII асрларда ёқ Кореяning оппозицион элементлари христиан динини расмий конфуцион идеологиясига қарши курашда қулай қўрол деб билишди. Кейинчалик эса христиан тарғиботига қарши кураш мамлакатда тарқалаётган капиталистик давлатларнинг нуфузига қарши курашга туғри келиб қолди.

XIX асрнинг 30 йилларида Корея соҳилларида ғарбий давлатларнинг (Англия, Франция, АҚШ) кемалари тез-тез кўриниб турди. 1831 йилда Рим папаси тамонидан корейс епископлиги тузилди. Бир неча йил давомида епископия 10 минг корейсни католикка айлантириди. 1839 йилда Корея ҳукумати христиан ва европалик миссионерларга, мамлакатга хавф туғдираётган одамларга сингари, қарши репрессив чораларини кўришга қарор қилди. Айрим миссионерлар ва корейс христианларининг қатл этилиши 1847 йилда Кореяга француз ҳарбий кемаларининг юборилишига сабаб бўлди. Аммо юборилган

кемалар сайёз жойга ўтириб қолди. Кутқарилган француз марякларини ватанига қайтариб бериб, корейс ҳукумати чет мамлакатларнинг Корея билан савдо муносабатларини ўрнатиш ва қатл этилган миссионерлар учун жавоб бериш талабини қатъиян рад этди.

Миссионерлар диний ташкилотларини колонизаторларнинг агентураси эканлигини билгани сари корейс халқининг христиан идеологиясига нисбатан оппозицияси кучайиб борди. 50 йилларда вужудга келган «Тонхак» (шарқий таълимот) таълимоти узини очикдан-очик «гарбий таълимот»га яъни католик миссионерлар тарқатаётган христиан динига қарши кўйди. Шу билан бирга тонхак таълимоти расмий конфуцианликка қарши чиқди ва узига ҳос диний реформациясини ўтказишига ҳамда - буддизм, конфуционизм ва даосизм диний таълимотларининг асосий элементларини мужассамлаштириб янги дин тузишига ўринарди.

Тонхак таълимоти вужудга келганидаёқ ҳукумат таъқибларига дуч келди. Унинг идеологи Цой Чже У ни қўлга тушуриб қатл этдилар. Аммо унинг издошлари фаолияти давом этаверди. Уларнинг нуфузи феодал зулмига қарши курашаётган корейс дехқонлари орасида ортиб борди.

50-60 йилларда капиталистик давлатлар Хитой ва Японияга кабал шартномаларни қабул қилдиришига муваффак бўлдилар ва бу мамлакатларга кенг қириб бориш имкониятига эришдилар, шу билан чет мамлакатларнинг Кореяга бостириб келиш хавфи анчагина кучайди.

XIX аср 60 йилларининг ислохотлари ва изоляция сиёсати. Ўзидан кейин ворис қолдирмаган қирол Чхолчжон вафотидан сўнг феодал гурухлар орасида кураш бошланди ва князъ Ли Ха бошчилигига шимолий гурух ғалаба қозонди. Унинг 12 ёшли угли Ли Чже Хван, бева қиролича Чо томонидан угилликка олинган бўлиб, 1863 йилда тахтга ўтирди, аммо ҳокимият регентликка тайинланган ва тэвонгун унвонини олган, князъ Ли Ха қўлига ўтиб кетди.

Деҳқонлар қўзголони ўсиб бораётган пайтда ва ташқи истило хавфи қархисида марказий қ

ҳокимиятни мустахкамлашга уринишлар бўлиб ўтди. Махаллий феодал - сепаратистик элементларни кучсизлантириш ниятида тэвонгун кўплаб жойларда йирик феодалларга сиёсий марказлар сифатида хизмат қилиб келган, «шон-шараф ибодатхоналарини» ёпиб ташлади. Қирол ҳокимияти ижтимоий таянчни кўчайтириш учун ҳукумат дворян унвони бўлмаган вакилларга ҳам давлат хизматига йўл очиб берди ва демогогик мақсадида табақаларга ажратишни бартараф қилинганлиги ҳақида эълон қилди. «Аммо дворянлар табақасини бошқа табақалар билан тенглаштириш» амалда айрим арзимас майдага нарсаларни йўқ қилиш билан чекланди (кийим, пойафзал ва ҳоказо) ва уларнинг асосий имтиёzlари бутунлигича қолди.

Бу билан деҳқон ва ҳунармандларни феодаллар томонидан эксплуатация қилиниши камаймади, аксинча кўпайдй. Янги ҳашаматли Кёнбоккун саройларининг қурилиши деҳқонлар оммасини мажбурий ишларга қувиб ва халкнинг кучи етмайдиган оғир солиқ, ноҳақ йигимлар жорий этилиши билан кечди. Камайган ғазнани тўлдириш учун ҳукумат сифатсиз чақа - пул зарб эттира бошлади.

Тэвонгун ички сиёсатининг мақсади Кореяни тўлиқ изоляция қилиш эди. Ҳукмронлар синфи Корея изоляциясини мамлакатдаги мавжуд тартибларни сақлаб қолинишини муҳим шарти деб кўришар эди. Бунинг учун қўролланиш, соҳил ва чегараларда қалъалар кўриш хақида режа қабул қилинди.

XIX аср 60 йилларида Ватиканнинг миссионерлари таъсирида корейс католиклари христиан динини тарғибот қилиш эркинлиги ва Корея билан Франция ўртасида иттифоқ тузиш хақидаги масалаларни тэвонгуннинг олдига қўйишиди. Ҳукумат бу талабларга янги репрессия билан жавоб

берди, чунки бу талабларда Корея изоляциясини бузиш харакатини кўрдилар.

Ғарб мамлакатлари Кореяни Хитойдан формал вассал тобеълигига асосланиб, корейс ҳукуматининг хати-харакатларини яъни чет элликларни мамлакатга кириб боришиларига қарши кескин чораларни қабул килишганини Хитой маъсулиятига юкламоқчи бўлдилар. Улар Хитойликлардан Хитой мажбуран қабул қилган teng ҳуқуқиз шартномаларни Кореяга ҳам таалуқли бўлишини ва Хитой императори сюзерен сифатида чет мамлакатлар фойдасига Кореяга уз тазиқини ўтказишни талаб қилдилар.

Хитой ҳукумати Корея ишларига аралашибга қатъян бош тортди, у Кореяни ички бошқаришда мустақил ва бошқа давлатлар билан суверен муносабатда бўлиши кераклигини билдириди. Шунда Франциянинг Хитойдаги дипломатик вакили корейс қиролини тахтдан ағдарилган деб эълон қилди. Французлар хаттоки Кореяниг вакант тахти француз императори ихтиёрида бўлиши керак деб довюраклик қилдилар.

1866 йилнинг кузидаги 7 та кемадан иборат эскадраси билан келган француз қўшинлари Канхва корейс қалъасини забд этди. Ханган дарёси ва Корея пойтахтини кўлга киритиш ниятида Ханган дарёсининг этагини тўсдилар. Аммо француз босқинчилари кучли қаршиликка учрадилар ва Мунсу қалъасини ишғол қилганларида катта талофатга дуч келиб чекинишга мажбур бўлдилар.

## 5-савол баёни\*

**1893-1894 йилдаги дехқонлар қўзғолони.** Арzon чет эл маҳсулотлари импортининг кенгайиши дехқонлар ҳунарига зарар етказди ва ҳунармандларни хонавайрон бўлишини кучайтирди. Чет эллик инструкторларга маош бериш, Японияга контрибуция тўлаш ва олинган қарзларнинг катта фоизи корейс

ғазнасини дефицитини орттириб борди, бу эса аҳолидан олинадиган солигларни кўпайишига олиб келди.

1893 йилда мамлакатнинг жанубида дехқонлар ва шаҳар камбағалларининг заминдорларга ва қирол амалдорларига, қарши тартибсиз қўзғолонлари бошланди. Кўзғолончилар тезлик билан бутун жанубий ва қисман марказий провинцияларга тарқалди. Кўзғолонни бостириш учун юборилган қўшинлар қўзғолончиларни шафқатсиз жазоладилар, аммо 1894 йилнинг бошларида қўзғолонлар янада кучайди. Кўзғолон бошида кичик амалдор Чон Бон Чжун турди. Кобу уъездида қўзғолончилар дехқонлар армиясини ташкиллаштириб ҳукумат армиясига қараб йўл олдилар. Кўзғолончилар чет элликларни, заминдорлар ва қирол амалдорларини - солик йиғувчиларни қувиб чиқаришга заминдорлар ерини дехқонларга бўлиб беришга даъват қилдилар.

Дехқонлар қўзғолони бутун мамлакатга тарқалди. 1894 йилнинг май ойига келиб Чолладо провинциясидаги 23 уъезд, Чхунчхондо, Кёнгидо, Канвондо ва Хванхедо провинцияларидаги 8 га яқин уъездлар қўзғолончилар назорати остига ўтди. Дехқонлар армиясининг олға силжиши йўлида, қўзғолончилар тарқалган худудларда меҳнаткаш аҳоли қўзғолончиларга хамдардлигини билдирадар эди. Кўзғолончилар эгаллаб олган худудларда маҳаллии бошқариш ислоҳотларини ўтказаётган дехқонлар қўмиталари ташкил топди. Корейс ҳукумати ўз кучи билан қўзғолонларни бостиришга қўзи етмагандан кейин яна ўз сюзерени - Хитойга ёрдам сўраб мурожат қилди. 1894 йилнинг июнида Асанга 1,5 минг хитойлик аскарлар юборилди. Шу вақтнинг ўзида Япония ҳам «ички тартибсизликларни» бартараф қилишда қўмаклашиш баҳонаси билан ўз қўшинларини Кореяга юборди. Июль ойида япон қўшинлари Сеулга қириб боришиди, қирол саройини эгаллашди, японлар Кореяда марионет ҳукуматини тузиб, ҳукумат бошига собиқ регент, қирол отасини қўйдилар. Шу ойнинг охирида японлар уруш эълон қилмай корейс сувларида бўлган

Хитой транспортига хужум қилдилар. Шундай қилиб расмий равища 1 августда эълон қилинган, япон - хитой уруши бошланди. Уруш асосан корейс ерларида бўлди. Япон армияси кенг оммавий халқнинг жиддий қаршилигига дуч келди. Жанубий провинциялар халқни бирлашиб Сеулга юриш қилишга давват этаётган, қўзғолончилар қўл остида эди. Мурожаатномаларнинг бирида «Ҳамма ва ҳар ерда қурол остида турсин ва бизга қўшилсин!» - деб айтилган эди. Фақат қўшимча кучлар келиши билан ва корейс ҳукуматининг ҳарбий қисмлари билан қўшилганидан кейин япон қўшинлари Кончжу районида дехқонлар армиясини тухтатиши. Шундан кейин қўзғолон қатнашчилари шафқатсиз жазоланди. Қўзғолон раҳбарлари Чон Бон Чжун, Ким. Док Мён, Чон Гёк Сонлар қатл этилди.

## **6-савол баёни\***

**Корея ва АҚШ XIX асрнинг 60-70 йилларида.** Кореядаги агрессия йўлига АҚШ ҳам қадам қўйди. Фуқоролар уруши тугагач АҚШ конгрессида Кореяни босиб олиш режалари мухокама қилинди. Шу режалар билан боғлик корейс сувларида америкаликлар томонидан шайланган пират кемалари пайдо бўлди.

1866 йилнинг ёзида қуролланган «Генерал Шерман» америкаликлар шхунаси Тэдонган дарёси орқали Пхенъян районига қадимги қўрғонларни талаш ниятида етиб келди, уларнинг ўйлашларича бу қўрғонларда катта бойликлар сақланиб келган. Маҳаллий ҳокимиятнинг корейс худудларини тарқ этиш талабига қарамай, шхуна командаси зўравонлик ва талончиликни бошладилар. Газабланган аҳоли шхунага ўт қўйиб, шхуна командасини йуқ қилдилар. Америкаликлар шхунасининг йуқ қилиниши АҚШ нинг Кореяга туғридан-туғри ҳужум қилишига сабаб бўлди. 1871 йилда 5 команدادан иборат америкаликлар эскадраси корейс сувларига кириб келди, эскадра командири корейслар шхуна учун компенсация тўлашларини ва америкаликларнинг савдоси учун корейс портларини зудлик билан очишларини талаб қилдилар.

Аммо Сеулга ўтиш уринишларида агрессор кемалари Ханган дарёси этагидаги соҳил батареялари ўтидан катта талофат кўрдилар. Канхва оролига туширилган қуролланган десант, фортларини эгаллаб олмоқчи бўлди, аммо бу ерда америкаликлар корейсларнинг кучли қаршилигига учрадилар. Кейинчалик америкалик офицерлар, бундай шиддатли жангларни АКШда фуқоролар уруши давомида ҳам қуўмаганликларини айтиб бердилар.

Америкаликларнинг Кореяга биринчи хужуми чет эл агрессиясига қарши кўтарилигани халқ оммаси ватанпарварлиги, қатъиятлилиги туфайли қайтарилиди.

Тэвонгун ҳукумати бу ғалабани мамлакатнинг изоляцияси ва феодал режимини қўчайтириш учун ишлатишга ҳаракат қилди. Аммо феодал тузумини қучайтириш сиёсати корейс халқининг эҳтиёжларига зид эди, шунинг учун янги қўзғолонларни келтириб чиқарди. 1864 йилда Пхунчхондаги (Хванхэдо провинцияси) қўзғолон изидан 1869-1871 Йилларда дехқонлар қўзғолонлари бир қатор округларда ҳам бўлиб ўтди. Қўзғолончилар давлат муассасаларини вайрон қилишди, амалдор ва заминдорларни ўлдиришди, талонтарож қилинган давлат омборхоналаридаги донларни бўлиб олишди ва табакаларнинг teng ҳукуқлиигини ўрнатишга уринишди. Кун кечириш учун зарур бўлган маблағларни топиш илинжида бошидан очарчиликни кечираётган Корея шимолий провинцияларининг минглаб дехқонлари, мамлакат изоляциясини ҳимоя қилиб келаётган қаттиқ қонунларга ва чегараларни бузиш ўлим жазоси хавфига олиб боришига қарамай, чегара тусиқларини ағдариб шимоли-шарқий Хитой ва Россияга ўтган Приамур ҳудудларига кетишлиди. Кореяда колониал тартибларни ўрнатишга уринган капиталистик мамлакатлар Корея давлатининг кучсизлиги ва қолоқлигидан фойдаландилар. Улар ўзларининг агрессив сиёсатини Кореянинг «мустақиллиги»ни таъминлаш ва уни Хитой ҳукмронлигидан «озод» қилиш соҳта ғамхурлиги ниқоби остига яширишар эди. Корея чет эл колонизаторлари сиқуви олдида заиф бўлиб қолди.

XIX асрнинг 70 йилларида келиб Корея чет давлатлар билан алоқаси йўқ ёпиқ мамлакатлигича қолди. Унинг заифлиги ва қолоқлигидан Япония ва

кейинчалик бошқа капиталистик мамлакатлар фойдаландилар. Аср охирида Корея империалистларнинг ўтқир рақобати обьектига айланди.

1876 йилда Япония қурол кучи билан корейс хукуматини тенг хукуқсиз савдо шартномасини имзолашга мажбур қилди. Уни шартномалариға қўра Корея японлар савдоси учун Пусан портини дархол, 20 ойдан кейин яна иккита портини очиб бериш мажбуриятини ўз бўйнига олди; очиқ портларда япон савдогарлари тўлиқ фаолият эркинлигига ва экстериториал хукуқига эга бўлдилар. 1882 йилда тенг хукуқсиз шартнома Корея билан АҚШ ўртасида ва кейинчалик бундай шартномалар Корея билан Англия, Россия ва Франция ўрталарида тузилди.

Чет эл капиталистлари, биринчи бўлиб Япония, Кореяни уз колониясига айлантиrmоқчи бўлдилар. Портларини зўравонлик билан очилишидан кейин, биринчи беш йилликда Япониянинг Кореяга қилган экспорти 12 баробар ошди. Кореянинг ташқи савдоси типик колониал ҳусусиятларга эга бўлди. Шу билан бирга чет эл капитали мамлакатга кириб келиши натижасида феодализм инқирозининг жараёни кучайди, мамлакатда синфий зиддиятлар чуқурлашиб борди.

Кореяни капиталистик давлатларга тобеълиги дехқонлар оммаси ва шаҳар камбағалларининг кўчайиб бораётган норозилигини келтириб чиқарди. 1882 йилда Сеулда халқ қўзғолони бошланди. Бу корейс халқ оммасини феодал зулмига ва чет эл босқинчилариға қарши биринчи йирик чиқиши эди. Бу қўзғолон бошланишига Сеул гарнizonининг аскарлариға маош ўрнига чириган гуруч берилиши тўғридан-тўғри туртки бўлди. Аскарлар интендант амалдорини ўлдирдилар. Кўзғолончилар ҳисбса олинди, аммо уларнинг ҳисбса олингани хақидаги хабар оммавий қўзғолонга сабаб бўлди. Кўзғолончиларга шаҳар камбағаллари ва атрофдаги қишлоқ дехқонлари қўшилди. Кўзғолончилар ҳисбса олинган аскарларни озод қилдилар ва манфур амалдорларни жазоладилар.

Қўзғолончиларнинг бир қисми 7 соат давомида япон миссиясининг биносини ишғол қилдилар.

Корейс ҳукмдорлари Хитой ҳукуматидан ёрдам сўрадилар. Хитойдан 3 минглик отряд қўшинлари келганидан сунгтина қўзғолон бостирилди. Япон ҳукумати қўзғолонларнинг бостирилишидан фойдаланиб, ҳарбий истило таҳди迪 билан ўша йилнинг ўзидаёқ (1882 й) Кореяни Инчхон шартномасини тузишга мажбур қилди. Бу шартномага кўра Корея Японияга 550 минг иен контрибуциясини тўлашга рози бўлди. Сеулда маълум бир миқдорда қўшин сақлаш руҳсатномаси япон агрессорларига катта аҳамиятга эга бўлди.

Япон колониал сиёсатининг фаоллиги манчжур ҳукуматини жиддий ҳавотирга солди ва у Кореядаги позицияларини мустаҳкамлаш учун чоралар кўрди. Бу вазиятда японлар Хитойга томон йўналтирилган корейс ҳукуматини ағдариб, ўз вакилларидан янги ҳукумат тузмоқчи бўлдилар. Уларнинг ниятлари бўйича сарой тўнтарилишини японлар билан алоқада бўлган корейс янбан (дворян) ёрдамида амалга ошириши лозим эди. Ўша даврга келиб ўзларини «ислоҳотчилар партияси» деб номлаган, ёш янбанчилар гуруҳи пайдо бўлди. Бу гурӯҳ 1868 йилдан сўнг Японияда ўтказилган ислоҳотларни ўзларига намуна сифатида олиб, ижтимоий-иктисодий ислоҳотлари кенг программаси билан чиқдилар ва бу ислоҳотларнинг амалга оширилиши Кореяни капиталистик йўлдан ривожланишига ёрдам бериши лозим эди. 1884 йилнинг охирида «ислоҳотчилар партияси»нинг вакиллари Ким Ок Кюн, Со Кван Бом ва бошқалар - япон Такэдзоэ вакили билан биргалиқда яширин фитна туздилар. Фитнани тайёрлашда Кореядаги америкалик дипломатия вакиллари ҳам фаол қатнашдилар; чунки АҚШ ҳукумати Корея устидан Япониянинг ҳукмронлиги америкаликлар капиталининг Кореяга сингиб боришига йўл очиб беради деб ўйладилар.

1884 йилнинг 4 декабрида япон аскарларининг гурухи қирол саройини эгаллаб қиролни асирга олдилар. Ҳокимият «ислоҳотчилар партияси»га ўтди ва унинг раҳбарлари Ким Ок Кюн бошчилигида янги ҳукумат туздилар. Аммо Сеулда япон колонизаторларига қарши катта кўзғолон бошланди ва уни атрофдаги қишлоқ дехқонлари кўллаб қувватладилар. Япон дипломатлари ва савдогарлари Инчхонга қочдилар. Давлат тўнтишига уриниш мағлубиятга учради.

Бундан кейин япон ҳукумати Кореяга яна ҳарбий экспедиция юборди ва 1885 йилнинг январида корейс ҳукумати ҳарбий ҳаракатлар хавфи остида Сеул шартномасини имзолашга мажбур бўлдилар, шартнома шартларига кўра корейс ҳукумати Японияга қўзғолонлар етказган «зарарни» 110 иен микдорида компенсация тўлашини бўйнига олди.

Шу даврдаёқ корейс масаласи бўйича япон - хитой музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар 1885 йилнинг апрелида Тянь - Цзинь шартномаси тузилиши билан ўз нихоясига етди. Иккала томон Кореядан ўз қўшинларини чиқаришга ва бундан буён бир-бирларини ёзма равищда олдиндан огоҳлантирмай мамлакатдаги «тартибсизликлар»ни бостириш учун қўшин киргизмасликка келишдилар. Корея устидан Хитойнинг олий ҳукмронлигини Япония бошқа томондан, манъҷур ҳукумати биринчи бор Япониянинг Кореяда «алоҳида ҳукукларни» расмий тан олишга туғри келди.

Япониянинг Кореяга сиёсий ҳукмронлигини ўтказишга уринишлари мағлубиятга учрагандан кейин, япон капиталистлари Кореяни иқтисодий жиҳатдан бўйсундириш учун янада кўчлирок курашни бошладилар. 90 йилларга келиб улар Кореяни ташқи савдосини анчагина қисмини кўлга киритишга муваффақ бўлдилар. 1885-1890 йилларда Япония билан савдо ҳажми Кореянинг бутун денгиз ташқи савдо айланишининг 80 % ташкил қилди, бу Корея билан Хитойнинг ўртасидаги савдосидан икки бароварга ошарди, лекин Кореянинг ички ҳудудларида Хитой савдогарларининг аҳамияти кучайиб борди. АҚШ капитали ҳам Кореяда ўз позицияларин кенгайтиришга

уринди. 1883 йилда «Мидлтон ва Ко» америкаликлар компанияси кемалар қатнайдиган Шанхай - Инчхон ва Нагасаки - Пусан сув йўлларини эксплуатация қилиш ҳукуқига эришдилар. 1884 йилда америкалик тадбиркорлар корейс ҳукуматидан шиша завод ва гугурт фабрикасини қуришга, каботаж кемачиликка, марвариб олишга, ўрмон кесишга ва ҳоказоларга руҳсат олдилар ва 1885 йилда Унсан уъездидаги олтин конларини ўрганишни бошладилар.

### **7-савол баёни\***

**XIX асрнинг охирида империалистик давлатларнинг Корея учун кураши.** Япон колонизаторлари дехқонлар қўзғолонларини бостиргандан сўнг ўзларининг оккупацион режимини мустахкамлашга киришдилар. 1894 йилнинг декабрида янги прояпон ҳукумати тузилди. Бир қатор министрлар портфели 80 йилларда АҚШ эмиграциясида бўлган ва Кореяга қайтиб келиши билан «америка партияси»ни тузган корейсларга тегди. Япон босқинчилари корейс армияси ва позициясини қайтадан ташкил этдилар, кўплаб ватанпарвар кайфиятида бўлган амалдорларни ишдан олиб ташладилар.

Кореяда япон колонизаторлари томонидан ташкил этилган полиция режими корейс халқининг японларга нисбатан нафратини кўчайтирди. Дехқонларнинг партизан отрядлари сони кўпайди ва улардан партизанлар «Адолатли армия»си тузилди. Айниқса антияпон ҳаракатларининг йирик учоқлари очик порт районларида ва жанубий провинциялар Чолладо, Кёнсандода тузилди.

Кореянинг табиий бойликларини талаш, концессия олиш ва зайд бериш ҳукуқини олиш учун курашда Япония билан бир қаторда бошқа империалистик давлатлар ҳам қатнашдилар. 1895 йилда америкалик империалистлар корейс ҳукуматининг Пхеянандадаги йирик олтин конини ишлатиш концессиясини беришга мажбуrlадилар, Сеул - Инчхон темир йўлини кўриш ҳукуқини олишга эришдилар, кейинчалик эса Сеулдаги турли муниципал муассасаларини ижарага олдилар. Инглиз капиталистлари ҳам корейс олтин конини ишлатиш

хуқуқини олди; инглиз Браун корейс божхоналари директори қилиб тайинланди. Чор Россияси темир руда қазиб чиқариш, телеграф линияларини утказиш концессиясини олди ва Ялу дарёси ёнидаги ўрмон кесиши концессиясини олди. Концессияларнинг кўпгина қисми ўз режаларида Кореяни бутунлай забт этишни унутмаган япон капиталистлари қўлида эди.

Хитойнинг Симоносэк шартномасига кўра Корея «мустақиллиги» ни тан олиши Япониянинг босқинчилик режаларини амалга оширилишини таъминлаши керак эди. Аммо бу даврда уларнинг реолизацияси Чор Россияси кучли қаршилигига дуч келди; Россиянинг ҳукмрон доиралари ўз навбатида Кореяга ўз таъсирини кенгайтиришга уринди. Чор дипломатияси корейс халқининг япон босқинчиларига кучайиб бораётган нафратини ва ўсиб бораётган (Япониянинг Лядун ярим оролини босиб олишига қарши буюк давлатларнинг биргаликдаги демаршидан кейин) Россия обруйидан фойдаланди. Мин қироличаси атрофида антияпбн гурухи бирлашди ва улар Россия ёрдамида япон колонизаторларини кучсизлантиришга умид қилган эди.

1895 йил 8 октябрь тунида япон агентлари Мин қироличаси ва унинг кўпгина тарафдорларини вахшийларча ўлдирдилар ва Японияга бўйсунадиган марионет ҳукуматини туздилар. Аммо, 1896 йилнинг февралида қирол япон қўриқчиларидан қочиб рус миссиясига кетди, марионет ҳукумати эса ноқонуний деб эълон қилинди. Россияга йўналтирилган амалдорларнинг янги кабинети ташкил қилинди. Япониянинг сиёсий таъсири жуда сусайди. 1896 йилда Япония билан Россиянинг ўзаро келишувида иккала томон бир-бирларини Кореядаги «хуқуқини» тан олишди. Россиянинг кўчайган таъсирига очиқдан-очиқ қарши чиқишига имконияти бўлмаган Япония ва уни қўллаб-қўвватламайдиган Англия ва АҚШ корейс янбан гурухи орқали харакат қилишга ахд қилдилар. Янбанлар бу мамлакатлар Кореяда бир қатор прогрессив ислохотларни утказишга ёрдам беришади деб соддалик билан умид қилган эдилар. Бу гурух 1896 йилда «Мустақиллик клуби»ни ташкил қилдилар ва инглиз тилида «ИнDEPENDЕНС» (Мустақиллик) газетасини чиқара бошладилар.

Америкаликлар билан боғланган клуб раҳбарлари ватанпарварлик ҳаракатини Россиянинг Кореяда кенгайиб бораётган таъсирига қарши курашиш учун ишлатмоқчи бўлдилар. XIX аср охирида Япония АҚШ ва Англия ёрдамида Кореяда Чор Россиясини чекинтиришга эришдилар.

## **8-МАВЗУ: XVII - XIX АСРЛАРДА АРАБ ДАВЛАТЛАРИ**

T/p	Бажариладиган иш мазмунни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b> Миср давлатининг босиб олиниши ва асоратга солиниши тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш. Фарбий Суданга протекторат ўрнатилиши тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Шарқий Суданнинг босиб олиниши ва Махдийлар кўзғолони ҳақида маълумот бериш. Жазоирнинг мустамлакага айлантирилиши ва миллий озодлик ҳаракатлари моҳиятини ёритиб бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b> Мисрнинг иқтисодий аҳволни ёритиб беради. Аҳмад Орабибей ва унинг фаолияти тўғрисида маълумот беради. Самори Туре кўзғолонининг аҳамияти . Абдулқодир бошчилигидаги ҳаракат хақида талабаларга тушунтириш</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b> Араб давлатлари, Махдийлар, Самори Туре, Жазоир, Миср , Анзорлар, Сувайш, Ал-Азхар мадрасаси.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b> Гурухларда</p> <p><b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> маъруза, дебат, баҳс, ақлий ҳужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	Ўқитувчи
2.	<p><b><u>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</u></b></p> <p>-Мавзу эълон қилинади. -Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	Ўқитувчи
3.	<p><b><u>Гурухда ишлаш босқичи:</u></b></p> <p>-Талабаларга муаммоли савол беради. -Талабалар фикри эшитилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади.</p>	Ўқитувчи талаба

	-Умумий хulosалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. -Умумий хulosага келинади.	
4.	<b><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</u></b> -Араб давлатларининг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг? - Мисрда Буюк Британия сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди? - Жазоирни Франциятамонидан босиб олиниши ва унинг аҳамияти тўғрисида маълумот беринг? - Мухаммад Аҳмаднинг фаолияти.	Ўқитувчи
5.	<b><u>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</u></b> - Араб давлатларнинг мустамлакага айлантирилиши ва оқибатлари . - Араб мамлакатларида миллий озодлик ҳаракатлари. - “Ёш Жазоир” партияси ва унинг талаблари. -Шарқий ва Ғарбий Суданда Мустақиллик учун важ олиши.	Ўқитувчи

## Ажратилган вақти: 2 соат

### Асосий саволлар:

- 1.Миср давлатининг босиб олиниши ва асоратга солиниши.
- 2.Ғарбий Суданда протекторат ўрнатилиши.
- 3.Шарқий Суданнинг босиб олиниши.
- 4.Жазоирнинг мустамлакага айлантирилиши

### Мавзуга оид муаммолар:

1. Араб мамлакатларида феодал тузуми хақида гапиринг?
2. Миср давлатининг босиб олиниши ва асоратга солиниши хақида нимани биласиз?
- 3.Маҳдийлар қўзғолони аҳамияти гапиринг?
4. Ҳадив олиб борган сиёsat қандай эди?

### Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:

Араб мамлакатларида феодал тузуми хақида гапиринг. Ғарбий Суданга протекторат ўрнатилиши Шарқий Суданнинг босиб олиниши, Миср давлатининг босиб олиниши ва асоратга солиниши, Ҳадив олиб борган сиёsat, Маҳдийлар қўзғолони аҳамияти ва Жазоирнинг мустамлакага айлантирилиши.

### Идентив ўқув мақсадлари:

1. Янги даврда Араб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни кўрсатади.

2. Мисрнинг тараққиёт даражасини таҳлил қиласи ва шархлади.
3. Сувайш каналидан фойдаланиш 1888 йилдаги конвенциянинг мазмунини тушунтириш
4. Миллий мустақиллик учун курашнинг кучайишининг ёритиб беради

### **1-савол баёни\***

Араб ҳалифалиги тарқаб кетгандан кейин Миср ва бир қатор Араб мамлакатлари сақланиб қолди. Бу давлатлар Марокашдан ташқари XVI асрда Усмон империясига буйсундирилди. Бу империянинг ҳокимияти XVIII асрда ёк заифлашиб, бу ерларда маҳаллий йирик феодаллар ҳоким бўлиб олишди.

Мисрда XVIII -аср ва XIX-аср чегарасида ва маҳаллий аҳоли мамлакатга бостириб кирган Напалеон Бонапарт бошчилигидаги француз армиясида қарши курашда қатнашди. Француз қўшинларининг қолдиқлари таслим бўлганларидан кейин мисрликлар инглизларни хайдаб чиқариш учун курашдилар. Расман Миср империясининг олий ҳокимияти остида бўлсада амалда деярли тўла мустақилликни сақлаб қолди. Аммо ҳокимият тепасида турган феодаллар кўпинча халққа қарши сиёsat ўtkазиб, Миср Франция ва Англия томонидан иқтисодий асоратга солинишига ёрдам берди.

Миср Қохира гарнizonи 1881 йилда ажнабийларга катта имтиёз берган хадивига яъни Миср подшосига қарши чиқдилар. Кўзғолончилар: «Миср мисрликларники бўлиши керак» деган шиорни илгари сурдилар. Хадив янги ҳукумат тайинлашга мажбур бўлди. Мустақил миллий сиёsat юргизиш тарафдори бўлган ватанпарвар офицерлар янги ҳукуматда асосий роль ўйнадилар. Босқинчиларга қарши кенг халқ харакати бошланди. 1874 йилда Дизраэли Миср хазинаси бўшаб қолганидан фойдаланиб, Миср хадивидан Сувайш каналининг унга қарашли акцияларини 4 миллион фунт стерлингга сотиб олади, канални контрол

қилиб турош Британия империясининг Ҳиндистонга бориладиган йўлларда ҳукмронлик қилишини таъминларди. Инглиз қўшилари мамлакатта бостириб кирдилар. Кучлар албатта тенг эмас эди. Миср қўшилари ғалабани инглизларга бой берди. Шундан кейин Миср ҳақиқатдан ҳам Англия мустамлакасига айланди. Англия консули мамлакатни идора қила бошлади.

Ҳозирги Сувайш каналининг қурилиш тарихи янада характерлидир. Канал қазиш учун Наполеон Бонапарт ҳам, италиялик ва франциялик савдогарлар ҳам кўп ҳаракат қилганлар. Ниҳоят, 1854 йили француз дипломати ва савдогари Фердинана де Лессенс Миср ҳукмдори Сайд подшодан канал қуриш ҳукукини олди. Канал лойиҳасини француз инженерлари Линан ва Мужель ҳамда италия инженери Негрелли ишлаб чиқкан эдилар. Сувайш канали 173 км бўлиб унинг кенглиги 120-150 метрdir. Канал зонасида Порт-Сайд, Эл Кантара, Исмоилия, Сувайш ва Тавфиқ портлари бор. Канал Осиё билан Европани шунингдек, Африка билан Европани боғловчи энг катта сув йўлидир. 1869 йил ишга туширилган канал биринчи навбатда инглиз ва француз мустамлакачиларининг иштаҳасини карнай қилиб юборди. 1882 йили Англия қўшилари Миср териториясига бостириб кирди ва Қохирани эгаллади. Натижада мамлакат Англиянинг мустамлакасига айланди. Миср подшолиги номигагина, халқни чалғитиш ва икки томонлама асоратга дучор этиш учун қолдирилди. 1914 йили Англия империалистлари яна бир сиёсий найрангбозлик ишлатиб, гуё Миср Британия протекторатидаги давлатдир деб эълон қилди.

## **2-савол баёни\***

Ғарбий Судандаги йирик давлатлардан бирининг ҳукмдори Самори Туре ҳам 1870-йилда Французларга қарши кураш бошлади. У

атоқли лашкарбоши, сиёсатчи әди. Самори Французларга қарши «зимдан» тайёргарлик күра бошлади. У Сенегалдаги Француз армиясига ўз қўшинини харбий тайёргарлигини ошириш мақсадида яқин кишиларини юборди. Улар бу ерда Сенегал ўқчи солдатлари ичидан харбий тайёргарлик олдилар. Қайтиб келган Саморининг жангчиларига ҳарбий жангнинг замонавий усусларини ўргандилар. Самори Француз армиясига қарши 18-йил партизанлик урушини олиб борди.

Француз отрядлари хар томонлама қарам қилинган Самори қўшини 1898-йилдагина таслим бўлди. Хоинлар Саморини Французлар қўлига тутиб бердилар, улардан катта миқдорда эхсонлар олдилар. Асир олингандарни темир йўл қурилиши учун Шимолга олиб кетишидни Англия шундан кейингина бутунлай Ғарбий Суданни мустамлакага айлантирили.

### **3-савол баёни\***

Инглизлар Мисрни босиб олганларидан кейин ўз қўшинларини Шарқий Суданни истило қилиш учун юбордилар, лекин аҳоли истилочиларга қарши муқаддас урушга отландилар. Кўзғолончиларга Мадҳий номи билан машҳур бўлган Мухаммад Аҳмад бошчилик қилди. Мухаммад Аҳмад мустакил давлатни барпо этди. Мадҳийчилар инглизларнинг асосий қучларини янчиб ташладилар. Босқинчилар эса мамлакатдан чиқиб кетдилар, лекин бир неча йилдан кейин янгидан қўтпин тортиб келишга журъат этдилар. Улар қатъий фалабага эришдилар.

Суданликларнинг эски милтиқлар, қилич, найза ва ханжарлар билан куролланган қўшинлари пулемёт ва замбараклардан ўққа тутилиб қириб ташланди. Шарқий судан расман Англия билан Миср томонидан идора қилинадиган бўлди. Аслида эса у ерда факат инглизларнинг ўzlари хўжайин бўлиб қолган әди

XIX аср охири XX аср бошларида Шарқий Судан ҳамон Миср қаромогида

Эди

1881 йилда Суданликларнинг етакчиси Мухаммад Аҳмад халқни Миср-Турк зулмига ҳамда Европаликларга қарши муқаддас урушга чақирди.

Мухаммад Аҳмад ўзини Маҳдий деб эълон қилди. Губернатор Маҳдийни қамаш учун юборган 200 кишилик ҳарбий гурух йўқ қилиб ташланди.

1882 йилда Хартумга мисрлик Абдулқодир генерал-губернатор этиб тайинланди. У Маҳдийлар ҳаракатини бостиришга уринди. 1883 йил Генерал Хикс бошлиқ инглиз кўшини қириб ташланди. 1884 йил инглизлар Суданга Генерал Гордон бошчилигига ҳарбий қисм юборишиди бироқ бу кўшин ҳам тор-мор этилди ва Судан озод этилди.

1885 йилда Суданда мустақил Маҳдийлар давлати тузилди Мухаммад Аҳмад вафот этгач Абдуллоҳ ҳокимиятни ўз қўлига олди. Омдурман шаҳри пойтахт этиб белгиланди. 200 минг кўшин давлатнинг таянчи эди. 1889 йилда Буюк Британия – Миср бирлашган кўшинлари Судан маҳдийлари кўшини устидан ғалаба қозонди.

#### **4-савол баёни\***

1830 йили француз экспедицион корпуси Жазоирни ишғол қилди. Маҳаллаий халқ босқинчиларга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатди. Абдул Қодир бошчилигига 1832 йили бошланган халқ кўзғалони 1847 йилгача давом этди.

Жазоир халқининг озодлик ва миллий мустақиллик учун француз мустамлакачилариға қарши олиб борган қаҳрамона кураши бутун қитъа халқларининг озодлик кураши тарихидан муносиб ўрин олади. XIX аср 80-йиллариға қадар Жазоирда бир неча бор халқ кўзғалонлари бўлиб ўтди.

Наполеон III нинг ҳокимият тепасидан ағдариб ташланганлиги тўғрисидаги хабар таъсири остида 1870-йил октябрида Жазоирда мустамлака маъмурларига қарши намойишлар ўтказилди. Бу намойишларга араб камбағаллари билан биргаликда Жазоирдаги француз

ищчилари ҳам қатнашдилар. 1871 йил март ойида бу шаҳарнинг меҳнаткашлари Париж коммунасини қувватлаб намойиш ўтказдилар. Намойишчилар: «Яшасин Париж», «Битсин Версаль!» деган шиорлар ёзилган плакатлар кўтариб бордилар. Бу намойишлар мамлакатнинг турли қисмларида араблар ва барбарларнинг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Аммо франпуз мустамлакачилари Жазоир халқининг озодлик курашини шафқатсиз равишда бостиридилар.

1905-1906 йилларда Жазоирда мустамлака зулмига қарши қураш бошланди. 1912 йилда “Ёш Жазоир” партияси тузилди. Бу партия суд ишларида жазоирликлар учун “маҳаллий кодекс” номли камситувчи тартибни бекор қилиш, солиқ олишда жазоирликлар ва европаликларни тенглаштириш, халқ маорифини кенгайтириш, араб учун сайланадиган ловозимларни кўпайтириш каби талабларни қўйдилар.

#### **9-МАВЗУ: XIX АСР ОХИРИ ХХ АСР БОШЛАРИДА МЎГИЛИСТОН .**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
1.	<p><b>Тайёрлов босқичи</b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b> XIX аср ўрталарида Мўғилистондаги Манжурларнинг иқтисодий сиёсати тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш. Арат хўжалиги тўғрисида талабаларга тушунча бериш. Мўғилистондаги рус савдоси.ҳақида маълумот бериш.</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b> Мўғилистоннинг иқтисодий ахволни ёритиб беради. Манжурларнинг фаолияти тўғрисида маълумот беради. Мўғилистонда чорвачиликнинг ривожланиши .</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b> Мўғилистон, Арат хўжалиги, Ламаизм , Аймоқ , Урга, Улан-Батор, Буюк халқ хурали.</p> <p><b>1.4. Дарс шакли:</b> Гурухларда</p> <p><b>1.5. Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> маъруза, дебат, баҳс, ақлий хужум, видеоусул.</p> <p><b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.</p>	Ўқитувчи
2.	<b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b>	Ўқитувчи

	<p>-Мавзу эълон қилинади.</p> <p>-Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.</p>	
3.	<p><b><u>Гурӯҳда ишлаш босқичи:</u></b></p> <p>-Талабаларга муаммоли савол беради.</p> <p>-Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чақирилади.</p> <p>-Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади.</p> <p>-Умумий хуносага келинади.</p>	Ўқитувчи талаба
4.	<p><b><u>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</u></b></p> <p>-Мўғалистоннинг иқтисодий ижтимоий ахволини айтиб беринг?</p> <p>-Цин династияси сиёсатининг моҳияти нималардан иборат эди?</p> <p>- Мўғалистоннинг рус савдогарлари билан савдо алоқалари тўғрисида маълумот беринг?</p>	Ўқитувчи
5.	<p><b><u>Ўқув машғулотини якунлаш босқичи:</u></b></p> <p>- Мўгулистоннинг мустамлакага айлантирилиши ва оқибатлари .</p> <p>- Мўгулистоннинг миллий озодлик харакатлари.</p> <p>-Мўгулистон халқ республикасини ташкил топиши.</p>	Ўқитувчи

### Ажратилган вақти: 2 соат

#### Асосий саволлар:

- 1.XIX аср ўрталарида Мўғалистондаги Манжурларнинг иқтисодий сиёсати.
- 2.Мўғалистонда Цин сулоласининг иқтисодий сиёсати ва арат хўжалиги.
- 3.Мўғалистондаги рус савдоси.

#### Мавзуга оид муаммолар:

- 1 XIX аср ўрталарида Мўғалистондаги Манжурларнинг иқтисодий сиёсати хақида гапиринг?
2. Мўғалистонда Цин сулоласининг иқтисодий сиёсати ҳақида нимани биласиз?
3. Арат хўжалиги ҳақида гапиринг?
4. Мўғалистондаги рус савдоси қандай эди?

#### Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:

XIX аср ўрталарида Мўғалистондаги Манжурларнинг иқтисодий сиёсати, Мўғалистонда Цин сулоласининг иқтисодий сиёсати, Арат хўжалиги ҳақида ва Мўғалистондаги рус савдоси ҳақида маълумот беринг.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Янги даврда Мўғилистонда ижтимоий-сиёсий ҳолатни кўрсатади.
2. Мўғилистонда Цин сулоласининг иқтисодий сиёсатини шарҳлайди.
3. Арат хўжалиги ҳақида мазмунини тушунтириш
4. Миллий мустақиллик учун курашнинг кучайишининг ёритиб беради

### **1-савол баёни\***

Бу давлатнинг расмий номи Монголия республикаси, пойтахти Улан-Батор. Ҳудуди-1566000 км<sup>2</sup>. Давлат тили-монгол. Дини ламаизм (Тибет буддизми). Пул бирлиги-тугрик.

Марказий Осиёда жойлашган давлат. Ғарбда, жанубда ва шарқда Хитой (чегара узунлиги-4673 км), шимолда Россия билан (3441 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 8114 км. Ғарбида ва жануби-ғарбида Монголия Олтойи (баландлиги-438 м), Гоби Олтойи ва Хонгай тоғлари, мамлакатнинг марказий қисмида Хонгай тоғлари жойлашган. Жанубида ва жануби-шарқида Гоби сахроси мавжуд. Асосий дарёлари- Селенга, Керулен, Кобда. Нисбатан йирик кўллари-Убсунур, Хубсу-гул. Мамлакат ҳудудида нефть, кўмир, мисс, темир рудаси, волфрам, молибден, фосфоритлар, қўрғошин, никель, олтин конлари бор. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўтлоқ ва яйловлар (79 %) эгаллайди. Иқлими кескин континлтал.

Давлат тузилиш, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши республика. Мамлакат 18 та район (аймоқлар)га ва 3 та муниципалитет (Улан-Батор, Дархан, Эрдэнэт)га бўлинади. Монголия 1924 йил ноябр ойида мустақилликка эришган (илгари Хитой таркибидаги ташки Монголия провинцияси). Миллий байрам 11 июл Халқ инқилоби куни. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьерминистр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган Давлат Буюк Хурали (бир палатали парламент). Йирик сиёсий партиялари: Монголия Халқ инқилобий

партияси, Монголия Миллий демократик партияси. Монголия Социал демократик партияси.

Цин сулоласининг Мұғилистондаги иқтисодий сиёсатини 2 даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврида манжурлар ўзининг асосий ва чекланмаган ҳокимияти сифатида қарашган. Хитой савдогарларини Мұғилистонга киришини қатъий ман этишган. Улар Хитой оиласарининг Буюк Хитой деворидан ўтишини ҳам тақиқлаганлар. Ҳатто Хитой аёллари бу қоидани бузсалар уларни ҳам ўлим кутарди.

ХУШ аср ўрталарида бутун Мұғилистон забт этиб, бўлингач ҳам манжурлар Буюк Хитой деворидан ўтиш йўлларини қаттиқ назорат қилдилар.

Мўғил ва Хитойликлар ўртасидаги савдо фақатгина Колгон, Куку-Хото ва Долонор орқали манжурларнинг қатъий назорати остида олиб бориларди. Кейинчалик Хитой савдогарлари кенг микдорда товар ва маблағларининг кириб келиши, Цин сулоласининг Хитой савдо аҳлига қўйган шартларига ўзгартиришлар киритишга мажбур қилди.

Мұғилистонга келиш учун аввало савдогарлар манжур губернаторларидан рухсат олиши керак эди. Рухсатномадан шахснинг кимлиги, қаерга, қанча муддатга, қандай мақсадда бораётгани, қандай ва қанча микдорда товар олиб ўтаётгани аниқ кўрсатилиши талаб этиларди. Бундай рухсатномани олиш учун қарийиб бир йил талаб этилади. 1815 йилдаги манбада: “Мұғилистонда қонунга хилоф алоқалар ва унинг ҳудудида жамоат тинчлигини бузадиган нарсаларни олиб кирмаслик” қайт этилади. Хитой товарлари Мұғилистон катта божлар эвазига киритиларди. Металл шунга ўхшаш кичик металл буюмларидан ташқари буюм киритиш тақиқланган. Сабаби металл буюмларини хавфсизликка, хукмронликка таҳди迪 соловчи ашё сифатида қарашган. Манжурлар, мўғиллар қўлига бу буюмлар тушиб қолгудек бўлса, ҳарбий қурол аслаҳалар ясад олишлари мумкин деб тахмин қилишган ва қонунда бу буюмларни киритишни тақиқлаш тўла тасдифини

топган. Қонунни бузган савдогарларни манжурлар қаттиқ жазолаганлар, жумладан уларнинг товарлари мусодара этилиб ўзларини зиндонбанд этиларди. 1803 йил император Цзя-Циннинг буйруғига кўра Урги, Кобда ва бошқа Мўғил шаҳарлардаги Хитойликларнинг “рухсатёриғи” бекор қилинди. Ана шундай тақиқларга қарамасдан Хитой савдо-хунарманд аҳлининг Мўғилистонга товар киритиш ҳажми кенгайди.

Йирик Хитой савдогарлари ва Цин Сарой аҳли ўртасида кўринмас алоқалар мавжуд эди, бу алоқалар фойда, пул, порахўрлик эвазига мустаҳкамланганди. Монастрлар Мўғилистондан кенг кўламдаги бошқарув муассаси эди. Қаерда монастр бўлса, албатта ўша ерда, “хошун” ёки “аймоч”идораси бўларди. Чунки диний байрамлар нишонланадиган монастрларда минглаб одамлар ташриф буюарди. Даилиллар XVIII аср охирларида монастрларда савдо расталари, мол сақланадиган омборхоналар ва Хитой савдогарлари тунаб қоладиган маскан вазифасини тасдиқлайди. Монастрлар қанчалик катта бўлмасин, у шунчалик тез савдо марказига айланарди. Савдо алоқалари нафақат Хитой савдогарлари учун, балки мамлакат ички ҳаётида Мўғиллар учун ҳам қулай эди. Чунки мўғиллар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари Хитойлик савдогар ва хунармандларига айрибошлар ёки сотар, ўз хўжалик эҳтиёжларини Хитойликлар маҳсулотлари билан қондиради. Хитой савдо капитал маблағлари XIX асрнинг 60 йилларигача ягона монопол сотувчи ва харидор сифатида қийинчиликсиз Мўғил бозорларини эгаллади. Шундан сўнг улар ягона ва монопол нархларни нафақат мўғил, балки ўз товарларига ҳам катта фойдани кўзлаб қўя бошлади. Хитойликларга Мўғилларнинг ишлаб чиқариши натурал хўжаликка таянганлиги ҳам қўл келди.

Агар биринчи даврда Хитой савдогарлари фирмаларининг товар етказиб беришда етакчилиги кўзга ташланса, XIX асрнинг II ярмига келганда бундай жараёнлар марказига Мўғилистондаги хом-ашё қўшила

бошлади. Агар илгарилиари Мўғил савдогарлари Хитойнинг айрим районларида савдо қилган бўлса, бу кўрсаткич янада кенгайди.

Хитой савдогарларининг капитал маблағи Мўғилистон ҳар бир хўжаликка кириб борадиган даражадаги ташкилот яратди. Мўғилистон манжурлар сулоласининг феодал калониялигига қолаверди. Хитой сармояси Мўғилистонда чукур ва кенг кўламли бўлиб тарқалди.

Хитой харидор-далоллари аратларга товар ва маблағлари билан таъминлаш эвазига ўзлари учун зарур бўлган-мол, мато бошқа хом-ашёлар оларди. Мўғиллар билан сармоя операцияларини феодаллар орқали бажарадилар. Феодал суда ва фоизларни қарам кишилардан ундириб олиш ҳуқуқига эга эди. Улар фоиз муддатини қарзнинг асосий қисмига тўласалар бир йилдан сўнг, яна янги ва қийин шартлар асосида битим тузишга мажбур эдилар.

## **2-савол баёни\***

Мўғилистоннинг асосий бойлиги чорваси эди. Бу ҳам хитойликлар кўлида тўплана бошлади. Юан-Шан-Дэ фирмасини намуна сифатида келтирадиган бўлсақ, XVIII асрнинг охирги ўн йилликларида шахсий чорвачилик хўжалиги бир мавсумда қарийиб 30 минг қўй ва 6 минг тую етказиб берган. Бундай фирмалар яна бир нечта эди. Манжурлар давлати инқирози йилларида 90 % хонушлар Хитой сармоядорларига иқтисодий жиҳатдан қарам эдилар.

Ана шу тарзда Мўғилистон манжурларнинг иқтисодий сиёсатида ўзгаришлар кузатилди. Даставвал, Хитой савдогарларининг Мўғилистон ҳудудига киришини тақиқланган бўлса, кейинчалик уларни ўз ҳимояларига олиб маблағларидан фойдаландилар. 1860 йилда Пекин ҳукумати Мўғилистон эшикларини рус савдогарлари учун очдилар. Россия ва Мўғилистоннинг яқинлашуви Цин сулоласини Хитой савдогарларига ва

уларнинг киритаётган маблағларига нисбатан душман кўзи билинмас балки ҳамкор сифатида қарашга мажбур этди.

Манжурлар Мўғилистонни босиб олгандан сўнг бу ердаги ижтимоий ҳолатига ўзгартиришлар қиритмадилар. Ижтимоий қатlam асосини чорвачилик хўжалиги ташкил этарди. Мўғилистонда ер ва унумдор яйловлар мўғил феодалларига тегишли эди. Бундай эгалик шакли Мўғилистонда ишлаб чиқариш феодалларнинг шахсан аралашуви билан бажарилишига сабаб бўларди. Зодагонлар орасида Дурекчivan каби феодаллар бор эди, унинг қўл остида 7 минг, 300 бош қорамол, 20 минг қўй, Бишерельту-Ваннинг 6500 оти, 500 бош қорамоли, 120 та туяси, 10 минг дона қўйи бўлган бўлса Дюрбет князи Цевен-гуннинг 2200 та оти, 400 бош қорамоли, 100 та туяси, 12 мингта қўйи бўлган.

Феодаллар ўз хўжалигидаги юмушларни бажариш учун қарам кишилар меҳнатидан фойдаланаардилар. Уларга ўз хўжалигига етишириладиган маҳсулот ёки мол ҳисобига ҳақ тўлардилар. Булар шакл бутун Мўғилистон учун хос хусусият эди. Баришна ўташ бутун худуд бўйлаб кенг қулоч очди. Феодал баршинасиз ўз хўжалигини юритишга қодирмасди.

Ана шундай ҳолат, феодал тарқоқликни янада кучайтирди. Буни биз Манжурлар давлатининг инқирози йилларидан мўғилистонинг ташқи сиёсатида мамлакатнинг бир-бирига боғланган 105 та феодал поместрларга бўлиниб кетиши ҳам кўришимиз ҳам мумкин. Натурал хўжалиги, ҳунармандчилигини орқада қолишига сабаб бўлди. Мўғил хўжалигига ҳунармандчиликнинг мутлақо ахамияти йўқ эди. Тарихий ёдномаларнинг гувоҳлик беришича, мўғиллардан ҳеч вақт ҳунмармандчилик ривожланмаган, шунинг учун ҳам манжурлар хукмронлиги давридагидек инқироз бунчалик тез содир бўлмаганди. XIX асрнинг охирларида рус ҳунармандлари Мўғилистонда пайдо бўла бошлади.

Мўғил феодаллари шахсий ерларидан фойдаланиб, аратларнинг қарам кишиларга айлантирилар. Мўғилистонда аратнинг ҳеч қандай ҳуқуқга эга эмасди. Ўз молини ўзи ҳоҳлаган ерда боқиш чодирни ўзи ҳоҳлаган ерда қўйиш ҳуқуқи ҳам йўқ эди. Фақатгина феодалларнингина тақсимлар, белгилаб бериш ҳуқуки мавжуд эди.

Иқтисодий қарамлиқ шахсий қарашликни кучайтиргани учун феодалларнинг рухсатисиз аратлар уйланиши, ўғлини уйлантириш, қизини турмушга бериш тақиқланарди. Бу ҳуқуқдан феодал ўғиллари ҳам фойдаланарди. Арат умуман олганда қарам эди, хўжаликнинг ерига беркитилган киши бўлиб қолаверди. Манжурлар хукмонлиги даврида Мўғилистонда аратларнинг ўз хўжаликларини ералрни ташлаб кетиши, феодаллар эса қочоқ аратларни ўз ерларига қабул қилиши тақиқланганди. Аммо феодаллар эса қочоқ аратларни ўз ерларига қабул қилиши тақиқланганди. Аммо феодаллар ўз аратларини бошқа хўжайнинга топшириши, совға қилиши, сотиб юбориши қонунда тасдиқланганди. Аратлар хўжаликларнинг рухсатисиз ўз иши билан қисқа муддатга кетишига ҳам йўл қўйилмасди. Ижтимоий таҳлиллардан монастр, феодал ва арат хўжалигидан шу нарса аниқ бўлдики манжурлар давлатининг инқирози ўрталаридан бита феодал хўжалигига отлар сони 530 та, монастрлардан 70 та аратдан 7 та тую, феодалдан 75 та монастрда 12 та аратда 1,2 та қўй ва эчкилар феодалда 1647 та монастрда 516 та аратда 44 та бўлган. Чорва моли йил ўн икки ойда сер ўт яйловлар очик ҳавода юришган. Ноқулай об-ҳаво шароити йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан ҳимоя қилувчи қуролнинг ўзи йўқ эди. Ҳатто ем захираси ҳам ғамлаб қўйилмаган. Молнинг тақдири бутунлай табиат хукмонлиги остида эди. Оддий қуроллар билан ҳимояланиши, емнинг ғамлаб қўйилмаслиги, қурғоқчилик вақтларда молнинг очдан ўлишга, касалликларга чалинишига, йиртқич ҳайвонларга ем бўлишига сабаб бўлган.

Кўпгина тарихий далиллар шундан гувоҳлик берадики, ана шундай вақтлар минглаб қорамол боши қирилиб кетар, бунинг натижасида ҳар бир хўжаликлари янада камбағаллашиб борарди.

Феодалларнинг белгилаб қўйган қийин шарт ва мажбуриятларини Мўғилистонда хўжаликнинг ривожланишига катта тўсик бўлган. Чорвачиликда нафақат молнинг қийматига балки унинг жуни тери, мовути ҳам қимматга эга эди. Молнинг касалланишига қарши фақат биргина усулни, у ҳам бўлса, ламаизм асосида довалашни билардилар. Шуни таъкидлаш жоизки мўғил оиласининг фаравонлиги ҳар томонлама чорвачилик хўжалиги боғлиқ эди. Бу айниқса 19 асрнинг 2 ярми ва охирларида ҳамда 20 аср бошларида кучайди.

### **3-савол баёни\***

XIX асрнинг 60 йилларида Мўғилистонда рус савдосига тамал тоши қўйилди. 1860 ва 1883 йиллардаги рус-Хитой келишувига мувофиқ рус капиталистларининг бутун Мўғилистон худудида божсиз савдо қилиш хуқуқини берди. Бундан ташқар Чор хукумати Ург, Кобро, Улясустайда элчихоналар очиш хуқуқини қўлга киритдилар. Аммо рус савдогарлари бу вақт келиб нафақат Хитой савдогарлари билан балки инглиз, америка ва бошқа савдо фирмалари билан рақобатбардошда иш юритишига мажбур эди. Ваҳоланки, улар манжурлар ҳимояси ва кўмаги иш олиб борардилар.

Рус савдогарлари ўз маҳсулотларини пулга сотишини мақсад қилсаларда, аммо мўғиллар қўлида пул йўқ эди. Хитой савдогарлари мўғиллар билан савдодан қарз эвазига айрибошлиш усули орқали савдо қиларди.

Мўғиллар русларнинг тўқимачилик, металсозлик, қайта ишланган тери ва бошқа товарларига эҳтиёжманд эдилар. Бу маҳсулотлар Сибир, Байкалортида ҳам деярли ишлаб чиқарилмас айримлари эса ички бозор

учунгина чиқарилади, холос. Мўғилистон учун ушбу товарлар Россиянинг марказий районлари ва Урал ҳудудларида ишлаб чиқарилди. Аммо бу товарларни етиб келиши мўғиллар учун қимматга тушарди. Хитой савдогарлари американ, инглиз ва бошқаларнинг матоларини Мўғил ички бозорига киритдилар. Уларнинг сифати жуда паст бўлсада, аммо рус савдогарлари таклиф этаётган нархлардан анча арzon эди. Хитой савдогарлари, фирмалари ҳар дақиқада инглизлар, америкаликлар, японлар ва бошқа компаниялар харакатларидан воқиф бўлиб турар, бунинг учун ўз жосусларини ҳам ёллагандилар. Шунинг учун ҳам Хитой савдосармояси Мўғилистон иқтисодий ҳаёти ўзининг ҳал қилувчи хусусиятини сақлаб қолди. Европаликлар киритаётган саноат моллари; хитойлик савдо-хунарманд аҳилларининг шавқатсизларча таъсир ўтказишига уринаётган усуллари, аратларнинг яна қашшоқлашишига олиб келди. XIX асрнинг 2 ярмида феодалларнинг ҳам иқтисодий синиш ҳолати кузатилдики, бу ҳол уларни камбағаллашган феодал даражасига етаклади. Манжур хукмронлигининг охирларига келганда мўғил феодал тузуми чуқур инқироз даврини бошидан кечирди. Мўғилистон манжурлар хукмронлиги даврида юқори ишлаб чиқариш босқичига ўтолмади. Чунки, феодал тузум, Цин сулоласининг хукмронлиги, иқтисодий қарамлик, капиталнинг четдан кириши, ламаизм ғоялари бунга тўсқинлик қиласарди.

Монголияда ягона мустақил давлат Ойрот хонлиги ҳам 1758 йилда манжурлар томонидан тугатилди ва унинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси кириб ташланди. Цин сулоласи Монголияни ташқи дунёдан ажратиш чораларини кўрди. 20 аср бошларида Монголия Осиёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири эди.

Монголияда 19 аср бошланган миллий озодлик харакати 20 аср бошларида янада кучайди. 1911 йил аратларнинг йирик қўзғалони бўлиб ўтди. 1911 йил ноябрда Урга (ҳозирги Улан-Батор) да Цин сулоласи мустақил Монголия давлати тузилганлиги эълон қилинди хокимиияти

ағдарилиб

Мамлакатдаги лама ибодатхонасининг олий руҳонийси-Буғдихон тузган хукумат Монголия суверинитетининг давлатлар томонидан тан олиниши учун 3 йилда ортқироқ харакат қилди. 1915 йилда Россиянинг Кяхта шаҳрида чор Россияси, Хитой ва Монголия вакилларининг уч томонлама конференцияси бўлди, унинг қарорларига мувофиқ, Монголиянинг мақоми Хитой суверинитети остидаги ва Россия хомийлигидаги кенг муҳторият билан чекланди. 1919 йилда Хитой Монголияга қўшин киритди ва унинг хукмрон юқори табақасини муҳторият мақомидан воз кечишга мажбур қилди. Аммо монгол халқи мустақиллик учун курашни давом эттириди.

1921 йил июлда Урга шаҳрида Монголия мустақиллиги эълон қилинди. 1924 йил 26 ноябрда мамлакат парламенти-Буюк халқ курали Монголия Халқ Республикаси (MXP) тузилганлигини маълум қилди ва биринчи конституцияни қабул этди.

## **10МАВЗУ: XVIII-АСР БОШЛАРИ ВА XX-АСР БОШЛАРИДА АФРИКА ДАВЛАТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.**

T/p	Бажариладиган иш мазмуни	Амалга оширувчи маъсул
<b>1.</b>	<p><b><u>Тайёрлов босқичи</u></b></p> <p><b>1.1. Дарснинг мақсади:</b></p> <p>XVIII-аср бошларида Африканинг иқтисодий- ижтимоий ахволи тўғрисида талабаларга тушунча бериш ва уларда мустаҳкам тасаввур ҳосил қилдириш.</p> <p>Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олиниши тўғрисида талабаларга тушунча бериш.</p> <p>Африка халқларининг эксплуатация қилиниши ҳақида маълумот бериш.</p> <p>Африка халқларининг Европа мустамлакачиларга қарши кураши ҳақида тушунча бериш</p> <p><b>1.2 Идентив мақсадлар:</b></p> <p>Африканинг иқтисодий ахволни ёритиб беради.</p> <p>Африка халқларининг эксплуатация қилиниши ҳақида тўғрисида маълумот беради.</p> <p>Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олиниши ҳақида тасаввур ҳосил қилдириш .</p> <p><b>1.3. Асосий тушунча ва иборалар:</b></p> <p>Африка, Марокаш, Ангола ,Гамбия , Конго, Бурлар Республикаси, Тропик Африка, Зулуслар.</p> <p><b>1.4.Дарс шакли:</b></p>	<p><b>Ўқитувчи</b></p>

	Гурухларда <b>1.5.Фойдаланиладиган метод ва усуллар:</b> маъруза, дебат, баҳс, ақлий хужум, видеоусул. <b>1.6. Керакли жиҳоз ва воситалар:</b> Кўргазмали қуроллар, слайд, харита, тақдимот, тарқатма материаллари.	
2.	<b>Ўқув машғулотини ташкил қилиш босқичи:</b> -Мавзу эълон килинади. -Маъруза бошланади, асосий қисмлари баён қилинади.	Ўқитувчи
3.	<b>Гурухда ишлаш босқичи:</b> -Талабаларга муаммоли савол беради. -Талабалар фикри эшигилади, бошқа талабалар баҳсга чакирилади. -Умумий хуносалар чиқарилади ва тўғрилиги текширилади. -Умумий хуносага келинади.	Ўқитувчи талаба
4.	<b>Мустаҳкамлаш ва баҳолаш босқичи:</b> -Африканинг иқтисодий ижтимоий аҳволини айтиб беринг? - Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олиниши тўғрисида маълумот беринг? - Африка халқларининг Европа мустамлакачиларга қарши кураши айтиб беринг?	Ўқитувчи
5.	<b>Ўқув машғулотини яқунлаш босқичи:</b> - Африка халқларининг Европа мустамлакачиларга қарши кураши ва оқибатлари . - Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олинишига ҳаракатлар. - Африка халқларининг Европа мустамлакачиларга қарши курашининг кучайиши ва аҳамияти.	Ўқитувчи

**Ажратилган вақти: 2 соат**

#### **Асосий саволлар:**

1. XVIII-аср бошларида Африканинг иқтисодий- ижтимоий ахволи.
2. Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олиниши.
3. Африка халқларининг эксплуатация қилиниши.
4. Африка халқларининг Европа мустамлакачиларга қарши кураши.

#### **Мавзуга оид муаммолар:**

- 1 XVIII-аср бошларида Африканинг иқтисодий- ижтимоий ахволи нима учун ёмон эди ?
2. Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг нихоятда тез босиб олинишининг ўзига хос сабабларини айтинг ?

3. Африка халқарининг айёвсиз эксплуатация қилиниши ва унинг салбий оқибатлари ҳақида гапиринг?
4. Африка халқарининг Европа мустамлакачиларга қарши курашлари нима учун кўпинча мағлубият билан тугар эди?

**Мавзу юзасидан дарснинг мақсади:**

XVIII-аср бошларида Африканинг иқтисодий- ижтимоий ахволи, Мустамлакачи давлатлар томонидан Африканинг бўлиб олиниши, Африка халқарининг эксплуатация қилинишини масалаларини кенг ёритиб бериш.

**Идентив ўқув мақсадлари:**

1. Янги даврда Африкадаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни кўрсатади.
2. Африка халқарининг мустамлака қилинишида мустамлакачи давлатлар юритган сиёсатининг моҳиятини тушунтирадиа .
3. Мустамлака халқарининг мустамлакачиларга қарши олиб борган озодлик ҳаракатларининг оқибатлари ва аҳамиятини шарҳлайди
4. Миллий мустақиллик учун курашган кўплаб қабилаларнинг батомом қирилиб кетганлиги ҳақида маълумотлар беради.

**1- савол баёни\***

Африка қитъаси дунёning 25% ини ташкил қиласи. Африканинг шимолий қисмида Сахрои Кабирнинг жанубий чегараларигача бўлган ерларда Ўрта асрлардан бери оқ танли араблар ва барбар аҳолиси кўпчиликни ташкил қиласи. Бу ерда шунингдек эфианлар ва бошқа халқлар яшайди.

Араб ҳалифалиги тарқаб кетгандан кейин Африканинг шимолида қатор феодал давлатлари, шу жумладан Миср, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш мамлакатлари сақланиб қолди. Бу давлатлар Марокашдан ташқари XVI асрда Усмон империясига буйсундирилди. Бу империянинг ҳокимиюти ХУШ-асрдаёқ заифлашиб, бу ерларда маҳаллий йирик феодаллар ҳоким бўлиб олишди.

Эфиопия князлари мустақилликни сақлаб қолиши. Канго хавзасида Чад кўли районида, Ҳинд океани соҳилларида ва шимолий қисмида қатор илк феодал давлатлари вужудга келди. Уларда уруғчилик, қабилачилик муносабатлари анча сақланиб қолди. Материкнинг олис районлари ва

жанубдаги қабилалар ҳамда халқ хамон ибтидоий жамоа тузуми шароитида яшардилар. Африка қитъаси иқтисодий жиҳатдан анча қолоқ ва қашшоқ давлат эди.

## **2- савол баёни\***

XVII-XVIII-асрларда инглизлар французлар ва голландлар олтин соҳилда мустахкамланиб олдилар. Французлар отряди Сенегал дарёсининг қуилишида қалъага асос солдилар. Голландлар яхши умид бурнини босиб олдилар. Африка жанубида европаликлардан асосан Голланд мустамлакачиларидан алоҳида халқ бурлар ёки улар Ўзларини атаганларидек Африканерликлар вужудга келди. У туб ахоли ерларини босиб олиб, чорва молларини фермаларга хайдаб кетдилар, аҳолини кўлларга айлантиридилар.

XIX-асрнинг охирги чорагида Африкада мустамлака босқини янада кўчайди. Жанубдаги қазилма бойликларга бой ерларда 70-йилларда олмос ва 80-йилларда олтин конларининг топилиши европаликларнинг «оқиб келишини» янада кўчайтирди. Жанубий Африкани мустамлака қилишда Англия асосий рол ўйнади. Кўп ўтмай бу ерга Германия кириб кела бошлади. Мозамбик ва Ангола каби ерларни бирлаштиришни Португаллар ўз режаларига киритдилар. Асосий мустамлака Ўчокларидан бири Бурлар республикаси бўлиб қолди. 70-йиллардан бошлаб Англия ўз мустамлакачиларини бирлаштириб федерация тузмоқчи бўлди. Бурлар бу фикрга қўшилмагач Англия 1877-йилда Трансваални босиб олди. Инглизлар у ерда метрополиядаги қонун-қоидаларни жорий қилишга ҳаракат қилдилар. Масалан, қул савдоси бекор қилинди.

1877-йилда Англия Зулуландни Ўзига қарашли мустамлака деб эълон қилди. Ғарбий Судан, Сенегал ва Нил дарёси хавзаси XIX-аср охири XX-аср бошларида Франция, Голландия ва Англия ўртасида «талаш» бўлди. Ғарбий Суданнинг Дагания қисмида хорижий монополистларнинг ўзаро

урушлари 1868-йилдан 1892-йилгача давом этди. Сүнгги урушни Франция бошлаб берди. Бу уруш Ғарбий Суданни мустамлака қилиш билан тугади. Халқ қаршилиги узоқ давом этди. 1904-йил гивения күрфази бўйлари хам Францияга қарам бўлди. Унга француз гивенияси деб ном берилди. 1900-йилда Чад кўли атрофидаги бир қатор қабилалар хам Французлар қўлига ўтди. Бу хақда 1913-йилда расмий хужжат тузилди.

Ғарбий Африкада Англия хам босқинчилик уруши олиб борди. Германия 1904-йилгача Ғарбий Африканинг Того, Камерун ва бошқа ерларини босиб олди. Англия Франциядан кейин Белгия хам Африка ерлари учун уруш бошлади. 1876-йилда қирол Леопольд II сайоз Г. Стилленни канго хавзасини текширишга юборди. Бу катта худуд кўл савдосидан жабр кўрган эди. 1883-йилда Киншассада шартнома тузилиб, катта майдонни эгаллаган Канго хавзасидаги ерлар Белгия мустамлакаси деб эълон қилинди.

Африканинг шарқий қисмида Бунаро, Того, Анколе, Кизиба каби давлатлар бўлган. Танганика қўлининг шимолида эса Руанда ва Урунди давлатлари бор эди. Шарқий Африканинг қирғок районларида эса бир қатор араб давлатлари бўлиб, у португаллар кўлида эди. Кўп ўтмай Шарқий африкага европаликлар кириб кела бошлади. Нил дарёси бошланиш районларини илмий Ўрганиш баҳонаси билан европаликлар Бугундо мамлакатни «очишиди». 1894-йил Буганда Англия томонидан тузилган протекторати билан Немислар, Французлар ва Инглизлар томонидан бўлиб олинди. XIX-аср охирида Англия куч билан Бунаро давлатини босиб олди. Германия, Руанда ва Урунди ерларини босиб олди. 1884-йили Германия қирол ёрдамида дўқ-пўписа қилиб Шарқий Африкадаги мустамлакаларни янада кенгайтирди.

XX-аср бошларида Гамбия, Серра-Леоне, Олтин кирғоқ, Нигерия, Фил суюги кирғоқи, Того, Камеруннинг бир қисми Португалия мустамлакасида эди. Ғарбий Африкадаги мустамлака урушлари Конго

дарёси хавзасида Голландия, Белгия, Португалия, Англия, Германия ва нихоят АҚШни ўзаро тўқнаштирилар. Белгия қироли Леополд II Конгони илмий ўрганиш асатсанси тузиб, унинг соясида усталик билан иш олиб борди. Бу мамлакатнинг катта бўлагини эгаллашга муваффак бўлди. Канго эркин давлати тузилиб унинг президенти деб Белгия қироли Леополд II тан олинди. Конгонинг бир қисми Францияга, яна бир қисми Португалияга тегди.

Шундай қилиб ривожланишда Европа давлатларидан орқада бўлган Африка қитъаси аёвсиз таланди ва бўлиб олинди.

### **3- савол баёни\***

Европа мустамлакачилари турли тизимни жорий қилишди. Англия маҳаллий бошқарув тизимларини сақлаб, уларни ўзига буйсундирди, манфаатлари йўлида фойдаландилар. Франция эса ўз мустамлакада эски маҳаллий бошқарув ўрнига ўзига мос бўлган тартибларни жорий этди.

Мустамлакачилар Европага фил суяги (фил суягини олиш учун фил тўдаларини қириб ташланарди) олтин, олмос ва бошқа қимматбахо тошларни ташиб кетдилар. Қора танли африкаликларни тутиб олиб, қул қилиб сотиш фойданинг асосий манбаи эди. Африканинг шарқий ва айниқса ғарбий соҳилида европаликлар босиб олган территориялар асрлар давомида қуллар манбаи бўлиб қолди. Европаликлар қуролли экспертизалар соҳидан қитъа ичкарисига бостириб кириб, катта ёшдаги эркакларни асир қилиб олишар ва сотиш учун олиб кетишарди. Спирт тамаки ва бошқа товарлар эвазига ўз фуқароларини қуллиқга берадиган майда қабила бошликлари сотиб олинарди. Африка қора танлилар ов қиладиган қўриқхоналарга айландилар. Асирлар мўлжалланаётган портга кетаётганда йўлда кемалар трюмидаги қирилиб кетишарди. Қул савдоси натижасида Африка кўп кишилардан маҳрум бўлди. XIX-асрнинг 30-40-

йилларидагина Европа давлатлари қул савдосини таъқиқлай бошладилар. Кўплаб миқдордаги қулларнинг олиб кетилиши Африка аҳолиси сонини камайтириб, Африка халқлари ривожланишини тўхтатиб қўйди.

Франция томонидан мустамлака қилинган Мадагаскарда ҳам худди шу тизим ўрнатилди. Аёвсиз таланганд Африка халқи қилган меҳнати эвазига раҳмат эмас босқинчи Европаликларнинг «паст ирк» дея таҳқирланишига дучор бўлдилар. Қора танли қулларга оила қуриш ҳам таъқиқланган эди. Аёвсиз эксплуатация қилинган Африкаликларнинг бир кун келиб «сабр косаси» тўлиши аниқ эди.

#### **4- савол баёни\***

Мустамлакачилар асоратга қарши курашган халқларнинг қаршилигига дуч келдилар. Аммо ўқ ёйлар, найзалар билан қуролланган тарқоқ Африкаликлар кул савдогарларининг милтиқ билан қуролланганлигига қараганда заифрок эдилар. Соҳилда ёки кемада қўзғолон кўтаришга урунишлар ахён-ахёндагина асиrlарни озод қилиш билан тугалланарди.

Анголада XV-аср охиридан то XVIII-аср охиригача аҳоли португалия босқинчиларига қарши партизанлар урушини олиб борди. Афсоналар ва оғзаки нақлларда Португалия мустамлакачилариға қарши қуролли курашга бошчилик қилган қаҳрамон аёл Анна Нзинга хақида ҳикоя қилинади. XVIII асрнинг охиридан қаршилик кўрсатиш янада уюшқоқ ва кучли бўла бошлади. Кўп Африкаликлар ўқ отувчи қуролларни қўлга киритдилар. Масалан, Жанубий Африканинг туб аҳолиси кacha ва зулус қабилалари бурларга қарши, сўнгра эса инглиз мустамлакачилариға қарши бутун аср давомида қонли уруш олиб бордилар. Мисрда XVIII аср ва XIX аср чегарасида ва маҳаллий аҳоли мамлакатга бостириб кирган Наполеон Бонапарт бошчилигидаги француз армиясида қарши курашда қатнашди.

Француз қўшинларининг қолдиқлари таслим бўлганларидан кейин мисрликлар инглизларни хайдаб чиқариш учун курашдилар. Расман Миср империясининг олий хокимияти остида бўлсада амалда деярли тўла мустақилликни сақлаб қолди. Аммо хокимият тепасида турган феодаллар кўпинча халқقا қарши сиёsat ўтказиб, Миср Франция ва Англия томонидан иқтисодий асоратга солинишига ёрдам берди.

Ғарбий Судандаги йирик давлатлардан бирининг ҳукмдори Самори Туре хам 1870-йилда Французларга қарши кураш бошлади. У атоқли лашкарбоши, сиёsatчи эди. Самори Французларга қарши «зимдан» тайёргарлик кўра бошлади. У Сенегалдаги Француз армиясига ўз қўшинини харбий тайёргарлигини ошириш мақсадида яқин кишиларини юборди. Улар бу ерда Сенегал ўқчи солдатлари ичida ҳарбий тайёргарлик олдилар. Қайтиб келган Саморининг жангчилариға ҳарбий жангнинг замонавий усусларини ўргандилар. Самори Француз армиясига қарши 18-йил партизанлик урушини олиб борди.

Француз отрядлари ҳар томонлама қарам қилинган Самори қўшини 1898-йилдагина таслим бўлди. Хоинлар Саморини Французлар қўлига тутиб бердилар, улардан катта микдорда эхсонлар олдилар. Асир олинганлар темир йўл қурилиши учун Шимолга олиб кетишиди. Жазоир аҳолиси француз мустамлакачилариға шиддатли қаршилик кўрсатди. Жазорнинг ғарбий қисмидаги қабилаларга араблар йўлбошчиси Абдулқодир бошчилик қилди. 1877-йилда Абдулқодир отрядлари куршаб олинди. Аммо араблар ва барбарлар яна урушни олиб борди. Марокаш аҳолиси мамлакат ичкарисига қириб борган португал испан мустамлакачилариға муваффақиятли қаршилик кўрсатди. Африкадаги энг қадимги давлатлардан бири Эфиопия арабларга, туркларга, қарши кураш олиб борди. Ўрта асрлар ва янги даврлар бошланишида унинг территориясида бир неча феодал князлиги мавжуд эди. XIX-аср ўрталарида Эфиопия довюрак ва жасоратли император Теодрас II

ҳокимияти остида бирлаштирилди. Марказий ҳокимиятнинг бирлаштиришдан норози бўлган князлар билан Англия тил бириктириб, Эфиопияга қарши уруш бошладилар. (1867-1868). Император қўшинлари мағлубиятга учради. Душман томонидан қамал қилинган қалъада Теодрас II ўз-ўзини ўлдирди, лекин озодлик уруши давом этди. Умумхалқ қўзалонининг хавфи инглиз қўшинларини мамлакатдан чиқиб кетишига мажбур этди. Эфиопия ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

XIX асрнинг 70 йилларида Африканинг ичкарисидаги катта майдонлар ҳам Европаликларга деярли номаълум эди. Бу территориянинг капиталистик давлат ўртасида мустамлака сифатида тақсимланиши янги тарихнинг иккинчи даврида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида тугалланди.

XIX	асрнинг	80	йилларига	келиб	капталистик
давлатлар	Африка	территориясининг	қарийб	90	фоизини
босиб	олишга	муваффақ	бўлдилар.		
Бундай					

босқинчиларнинг ҳаммаси ўз озодлиги учун қаҳрамонона курашган африкаликларга қарши қонли урушларда амалга оширилди.

Европа давлатлари янги тарихнинг иккинchi даврида Африканинг деярли бутун территориясини босиб олдилар. Африканинг асоратга солиниши ва мустамлакалардаги юзларча миллион аҳоли устидан хукмронлик қилиш давом этарди. 1914 йилга келиб бу қитъада фақат икки давлат Эфиопия ва Либерия мустақил бўлиб қолган эди. Мустамлакачилар ҳамма жойда жуда катта қаршиликларга дуч келдилар. 70-йилларнинг охирида Лимпопо дарёсининг қуиилиш жойидан жануброкда яшаган зулуслар инглиз мустамлакачиларига қарши қаттиқ кураш олиб борганликларйни бутун дунё билади.

Зулуслар инглизларнинг йирик отряди билан қилинган биринчи жангда ғалаба қозондилар. Лекин шунга қарамай инглизларнинг қўли

баланд келди. Зулуслардан икки ярим мингга яқин киши ўлдирилди. Шундан кейин Англия ҳукумати зулусларнинг территориясини расмий равишда аннексия қилди, яъни ўз мустамлакалари таркибига қўшиб олди.

Миср Қоҳира гарнizonи 1881 йилда ажнабийларга катта имтиёз берган хадивига яъни Миср подшосига қарши чиқдилар. Кўзғолончилар: «Миср мисрликларники бўлиши керак» деган шиорни илгари сурдилар. Хадив янги ҳукумат тайинлашга мажбур бўлди. Мустакил миллий сиёsat юргизиш тарафдори бўлган ватанпарвар офицерлар янги ҳукуматда асосий роль ўйнадилар. Босқинчиларга қарши кенг халқ харакати бошланди. 1874 йилда Дизраэли Миср хазинаси бўшаб қолганидан фойдаланиб, Миср хадивидан Сувайш каналининг унга қарашли акцияларини 4 миллион фунт стерлингга сотиб олади, канални назорат қилиб туриш Британия империясининг Ҳиндистонга бориладиган йўлларда хукмронлик қилишини таъминларди. Инглиз қўшинлари мамлакатга бостириб кирдилар. Кучлар албатта teng эмас эди. Миср қўшинлари ғалабани инглизларга бой берди. Шундан кейин Миср ҳақиқатдан ҳам Англия мустамлакасига айланди. Англия консули мамлакатни идора қила бошлади.

Инглизлар Мисрни босиб олганларидан кейин ўз қўшинларини Шарқий Суданни истило қилиш учун юбордилар, лекин аҳоли истилочиларга қарши муқаддас урушга отландилар. Кўзғолончиларга Мадҳий номи билан машхур бўлган Мухаммад Аҳмад бошчилик қилди. Мухаммад Аҳмад мустакил давлатни барпо этди. Мадҳийчилар инглизларнинг асосий кучларини янчиб ташладилар. Босқинчилар эса мамлакатдан чиқиб кетдилар, лекин бир неча йилдан кейин янгидан қўтпин тортиб келишга журъат этдилар. Улар қатъий ғалабага эришдилар.

Суданликларнинг эски милтиқлар, қилич, найза ва ханжарлар билан қуролланган қўшинлари пулемёт ва замбараклардан ўққа тутилиб қириб ташланди. Шарқий судан расман Англия билан Миср томонидан идора қилинадиган бўлди. Аслида эса у ерда факат инглизларнинг ўзлари хўжайин бўлиб қолган эди.

Африканинг бошқа халқлари ҳам инглиз мустамлакачиларига курашдлар. Инглиз босқинчилари каби француз босқинчилари ҳам ҳамма жойда қаршиликка дуч келдилар.

Наполеон III нинг ҳокимият тепасидан ағдариб ташланганлиги тўғрисидаги хабар таъсири остида 1870-йил октябринда Жазоирда мустамлака маъмурларига қарши намойишлар ўтказилди. Бу намойишларга араб камбағаллари билан биргалиқда Жазоирдаги француз ишчилариҳам қатнашдилар. 1871 йил март ойида бу шаҳарнинг меҳнаткашлари Париж коммунасини қувватлаб намойиш ўтказдилар. Намойишчилар: «Яшасин Париж», «Битсин Версаль!» деган шиорлар ёзилган плакатлар кўтариб бордилар. Бу намойишлар мамлакатнинг турли қисмларида араблар ва барбарларнинг қўзғолон қўтаришига сабаб бўлди. Аммо франпуз мустамлакачилари Жазоир халқининг озодлик курашини шафқатсиз равишда бостирилдилар.

Жазоирликларнинг қўшниси Тунис халқлари икки йил қўлга қурол олиб босқинчиларга қарши курашдилар. Бу қўзғолон бостирилганидан кейингина Франция Тунисга нисбатан ўз протекторатини расмий суратда эълон қилишга қарор берди.

Ғарбий Судан халқлари 80-йилларда французларга қарши қарийб 20 йил мобайнида курашдилар. таниқди ҳарбий бошлиқ Саморе Туре бу халкларни бирлаштира олди.

Мальгаш халқига қарши кўп йил қонли жанг қилинганидан кейин Мадагаскар ороли Франциянинг мустамлакаси бўлиб қолди. Франция XX

асрнинг бошларида Марокашни босиб олди. Марокаш халқ оммаси ҳам французларга қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Конго халлдари франциялик ва Бельгиялик мустамлакачиларга қарийб 20 йил қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Қабилаларнинг тарқоқдиги ва уларнинг жуда ҳам орқада қолганлиги мустамлакачиларнинг бу мамлакатни буйсундиришларига имконият яратиб берди.

Яхши қуролланмаган, етарли даражада уюшмаган Африка халқлари XIX асрнинг охирида деярли ҳамма жойда босқинчиларнинг хукмронлигига дучор булдилар. Феодал ва уруғ-қабила зодагонлари орасидан чиққан ва мустамлакачилар пора бериб сотиб олган хоинлдар уларга кўп вақт ёрдам бердилар. Аммо Эфиопия халқи ўз ватанининг мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қила олади. Италия Эфиопияга ҳужум қилган пайтда бутун халқ босқинчиларга қарши отланди. 1896 -йилда ҳал қилувчижанг бўлди. Италянлар жуда кўп талофат кўриб, ваҳимага тушиб орқага чекинадилар.

Мустамлакачилар босиб олган ҳудудларини аҳолисини талай бошладилар. Маҳаллий аҳолининг ҳайдаб экин экиладиган энг яхши ер массивларини тортиб олдилар. Қишлоқ хўжалиги европаликларга энг кўп фойда келтирадиган бир-икки хил экин етишириш учун зўрма-зўраки равишда ихтисослаштирилди. Маҳаллий аҳоли европаликларнинг ер участкаларини ишлаб бериш, дараҳт кесиш ва ташиш, темир йўл ва тош йўллар қуриш каби меҳнат мажбуриятларини бажарап эди.

Капиталистик компаниялар солдат ва амалдорларнинг ёрдами билан аҳолиси жуда оз хақ эвазига фил суюги, каучук топиб келтиришга мажбур этардилар.

Олмос ва олтин, мис ва қалайи конлардаги африкалик ишчиларнинг аҳволи жуда оғир эди. Ишчиларни бу конларда ишлаш учун зўрлик билан солдатлар ёрдамида ҳайдаб олиб борарадилар. Ишчилар жуда оз иш ҳақи олиб, ҳар куни батамом ҳолдан толгунча ишлардилар, атрофи тиканли

симлар билан ўраб олинган лагерларда яшардилар, бир неча йилгача лагердан ҳеч қаёққа чиқиб кетмасликка мажбур эдилар.

Мустамлакачилар Африка халқларини шафқатсиз эксплуатация қилиш билан чекланиб қолмадилар.

XX аср дастлабки йилларида озодлик кураши жуда кўп қўзғолонлар тусини олди. Жанубий-Фарбий Африкада гереро ва нама қабилаларининг герман мустамлакачиларига қарши қўзғолони ана шу қўзғолонларнинг энг каттаси бўлди. 1904 йилда барча гереро қабилалари қўзғолон кўтардилар. Немисларнинг бир қанча отряди қириб ташланди. Аммо Германиядан мадад кучлари етиб келди. Плумёт ва тўплар курашга якун ясади.

Шафқатсиз эзиш ва иктисадий жиҳатдан қулликка солиш Африка халқларининг анъанавий иқтисодини ва маданиятини издан чиқарди, уларнинг характерини бузиб юборди. Шу билан бирга чет эл капиталининг қириб келиши капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ёрдам берди.

XX аср бошларида Африкада миллий буржуазия ва пролетариат вужудга келди, миллатлар таркиб топа бошлади. Феодаллар, қабилаларнинг бошлиқлари фарзандлари орасидан маҳаллий зиёлилар ўсиб етишди. Африка аҳолиси ана шу қисмининг илғор табақалари мустамлакачиларга қарши курашга қўшила бошлади.

Ҳеч бир қитъа мустамлакачилик асоратидан Африкадек кўп жабр чекмаган, таҳқирланмаган, бекиёс моддий ва маънавий шикаст кўрмаган. Франция капиталистик мамлакатлар ўртасида биринчи бўлиб Африканинг шимолий ва ғарбий ўлкаларни эгаллаб олишга киришди. 1830 йили француз экспедицион корпуси Жазоирни ишғол қилди. Маҳаллаий халқ босқинчиларга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатди. Абдул Қодир бошчилигида 1832 йили бошланган халқ қўзғалони 1847 йилгача давом этди. Француз истеъмолчилари бутун шимолий Африкани ўз таъсирига

олиш учун 1844 йили Мароккога юриш бошлаган бўлса-да, лекин уни эгаллаб оломади.

Капиталистик мамлакатларнинг Африкага кенг кўламда кириб келишига сувайш канали қурилиши йўл очди. Ҳозирги сувайш канали ўрнида эрамизга қадар “Фиръавнлар канали” номли канал бўлган. Бу канал ўзаро мустақиллик олгуналариға қадар мустамлакачиларга қарши тинимсиз кураш олиб бордилар. 1880-1883 йилларда инглиз мустамлакачиларга қарши Басутоленд халқининг катта қўзғалони кўтарилди. 1879 йили Африкадаги зулус халқлари моҳир саркарда Кетчвайо қўмондонлигига инглизларнинг бир ярим минг кишилик отрядни тор-мор этдилар. Гарбий Африкада ҳозирги Мали территориясидаги халқлар атоқли ҳарбий саркарда ва давлат арбоби Саморе Туре бошчилигига француз қўшинларига қарши ўн олти йил кураш олиб бордилар ҳамда кўп ҳолларда муваффақиятларга эришдилар.

Жазоир халқининг озодлик ва миллий мустақиллик учун француз мустамлакачиларига қарши олиб борган қаҳрамона кураши бутун қитъя халқларининг озодлик кураши тарихидан муносиб ўрин олади. XIX аср 80-йилларига қадар Жазоирда бир неча бор халқ қўзғалонлари бўлиб ўтди.

1859 йилда Бону Снассен раҳбарлигидаги қўзғалон бўлиб 1871-1872 йилларда Мукрони йўлбошчилигига бўлиб ўтган қўзғалон бунинг яққол далилидир. Нигерия ва Камерун халқларининг мустамлакачиларга қарши кураши биринчи жаҳон урушига қадар тинимсиз давом этди. Сомали халқининг озодлик кураши узоқ давом этди. Дагомея, Гвинея ва Фил суюги қирғоғи халқлари бутун мустамлакачилик даври давомида озодлик курашини тўхтатмади.

Мадагаскар оролида 1895 йили урушлар туфайли бир неча бор ҳароб этилиб, кейин қайта тикланар эди. Рим императорларидан Троян II (“Троян дарёси”) номи билан уни қайта тикланганлиги тарихдан маълум.

Хозирги Сувайш каналининг қурилиш тарихи янада характерлидир. Канал қазиш учун Наполеон Бонапарт ҳам, италиялик ва франциялик савдогарлар ҳам кўп ҳаракат қилганлар. Ниҳоят, 1854 йили француз дипломати ва савдогари Фердинана де Лессенс Миср ҳукмдори Саид подшодан канал қуриш хукукини олди. Канал лойиҳасини француз инженерлари Линан ва Мужель ҳамда италия инженери Негрелли ишлаб чиқкан эдилар. Сувайш канали 173 км бўлиб унинг кенглиги 120-150 метрdir. Канал зонасида Порт-Саид, Эл Кантара, Исмоилия, Сувайш ва Тавфиқ портлари бор. Канал Осиё билан Европани шунингдек, Африка билан Европани боғловчи энг катта сув йўлидир. 1869 йил ишга туширилган канал биринчи навбатда инглиз ва француз мустамлакачиларининг иштаҳасини карнай қилиб юборди. 1882 йили Англия қўшинлари Миср территориясига бостириб кирди ва Қохирани эгаллади. Натижада мамлакат Англиянинг мустамлакасига айланди. Миср подшолиги номигагина, халқни чалғитиши ва икки томонлама асоратга дучор этиш учун қолдирилди. 1914 йили Англия империалистлари яна бир сиёсий найрангбозлик ишлатиб, гуё Миср Британия протекторатидаги давлатдир деб эълон қилди.

Англия Мисрни эгаллаб бўлгач Суданга юриш бошлади. Бироқ Судан халқининг қаттиқ қаршилик кўрсатиши туфайли, уни босиб олиш 1998 йилгача давом этди; шундан кейингина у Англиянинг мустамлакасига айланди.

Англия мустамлакачилари жуда қаттиқ жанглардан кейин 1896 йили ҳозирги Гана территориясидаги Ашанти давлати пойтахти Кумасини эгалладилар. 1887 йилда ҳозирги Кения қирғоқлари заб этилди. 1890 йилда инглизлар Нъяселдерни эгаллаб олдилар. 1894 йили Бугандани қўлга киритдилар. 1898-1899 йилларда инглиз империялизми шимолий-тарбий ва шимолий-шарқий Родезияга хужайнлик қила бошладилар. Франция 1881 йили Тунисни ишғол қилди. Уни эгаллашга Италия ҳам

интилаётган эди. Бу икки босқинчи давлатларнинг мустамлакачилик манфаатлари бу мамлакатга бир-бирига зид келиб қолганда Франция 1895 йили Мадагаскар орлини эгаллаб олди. Француз империализми Ғарбий ва Экваториал Афrikанинг жуда катта қисмини, кейинчалик Морокко территориясини катта қисмини босиб олди. Марокконинг бошқа қисмни Испания босиб олди. Италия XIX аср 60 йиллари бошида Асом қўлтигини босиб олиб, Эфиопияни забт этишга тайёргарлик кўра бошлади. Италия эрк севар Эфиопия халқининг қаршилиги синдира олмади. Италия бошқа империалистик давлатлар билан бир қаторда Сомали ярим оролини тақсимлаб олишда қатнашди, 1912 йилги Италия Туркия урушидан кейин Ливияни босиб олди.

XIX аср охирида Белгия қироли Леопольд II бошчилигидаги “Конго халқаро ассоциацияси” шу ном билан аталган дарё хавзасидаги жуда катта ўлкаларни эгаллаб олди; дастлаб бу территориилар қиролнинг шахсий мулки деб эълон қилинди. 1908 йили Бельгия мустамлакасига айланди.

Кайзер Германияси ҳам Афrikани талаш ва тақсимлашдан четда қолмади, 1884 йили жануби-ғарбий Афrikанинг ктта қисмини, Того ва Камерунни босиб олди. Африка территорияси XIX аср охирга келиб, Европа давлатлари томонидан тўлиқ тақсимлаб олинган эди.

Империалистик давлатларнинг истилочилик юришлари улар ўртасида кучли рақобат ва зиддиятлар туғдирди. 1881 йили Тунис учун курашда Италия-Франция мажоралари келиб чиқди ва унинг оқибати сифатида Италия “Учлар иттифоқи”га қўшилди. 1899 йилги инглиз-француз “Фашод можораси” Франция билан Англия ўртасида 1904 йили “Эк-энтьекордиале” (“чин қалблар битими”) имзоланишга олиб келди. Шунингдек, Афrikани қайта тақсимлаш учун инглиз-бур уруши, биринчи ва иккинчи Марокко кризислари ҳамда бу киризислар туфайли француз Конгоси бир қисмининг Германияга берилиши ва Франциянинг Марокко

устидан протекторат ўрнатиши қитъани тақсимлаб олиш жуда жиддий зиддиятлар билан ўргатилганлигини кўрсатади.

## Жаҳон тарихи фанидан тест саволлари

1. Ҳиндистондан 1757 йилда инглизлар кимларни чиқардилар?  
A) Португалларни  
\*B) Французларни  
C) Испанларни  
D) Италянларни
2. Либерия қачон республика деб эълон қилинди?  
\*A) 1847 йил 26 июлда  
B) 1848 йил 15 май  
C) 1845 йил 19 январ  
D) 1846 йил 5 март
3. Тога ва Камерун 1884 йилда қайси давлат тамонидан босиб олинди?  
A)Франция  
B)Испания  
C)Италия  
\*D)Германи
4. Явада 1825-1833 йилларда ким бошчилигига голландларга қарши озодлик ҳаракати бўлиб ўтди?  
\*A)Дипо Негоро  
B)Х.Витбой  
C)Мегореро  
D)Саморе Туре
5. Бирма 1885 йилда қайси давлат тамонидан босиб олинган?  
A)Италия  
\*B)Англия  
C)Франция  
D)Голландия
6. Биринчи жаҳон уруши бўлган санани кўрсатинг?  
A)1915-1920йилларда  
\*B)1914 -1918 йилларда  
C)1921 1925йилларда  
D)1919-1920 йилларда
7. 1905-1911 йилларда қайси давлатда инқилоб бўлган?  
A)Тунис  
B)Миср  
C)Туркия

- \*D)Эрон
8. “Том тоғанинг кулбаси” асари кимнинг қаламига мансуб?
- A)Э.Карнеги  
B)Б.Шоу  
C)Г.Ман  
\*D)Г.Бичер-Стоу
9. 1649 йил 19 майда қайси давлат республика деб эълон қилинди?
- A)Франция  
B)АҚШ  
\*C)Англия)  
D) Швеция
10. Наполеон Бонопарт қачон ўзини император деб эълон қилди ?
- \*A)1804 йил 18 майда  
B)1805 йил 25 марта  
C)1803 йил 20 майда  
D)1807 йил 19 июня
11. АҚШнинг қайси президенти 1868 йилда импичментга тушди?
- A)А.Линкольн  
\*B)Э.Жонсон  
C)Э.Жексон  
D)Ж.Вашингтон
12. АҚШда Монро доктринаси қачон эълон қилинди?
- A)1821 йилда  
B)1822 йилда  
\*C)1823 йилда  
D)1825 йилда
13. Биринчи марта қулларни голландлар Виргинияга қачон олиб келишган?
- A)1625 йилда  
\*B)1619 йилда  
C)1609 йилда  
D)1621 йилда
14. Ким Германия “жаҳон сиёсати” олиб борувчи буюк империяга айланди деган эди?
- \*A)Вилъгельм II  
B)О.Бисмарк  
C)К.Каутский  
D)Ф.Меринг
15. Буюк Британияда “Инглиз ва новдалар тўғрисида питеция” қачон қабул қилинганд?
- A)1641 йилда  
B)1647 йилда  
\*C)1640 йилда

- D)1644 йилда
16. Францияда Якобинчилар 1793 йилда қандай қонун қандай қабул қилишди?
- A)"Исёнчиларга ўлим" түғрисида  
B)"Бошқаришнинг инқилобий тартиби" түғрисида  
C)"Бу иш оқ танлига эмас" түғрисида  
\*D)"Шубҳали кишилар"түғрисида
17. Қачон Прусс ландтагти таниқли "май қонунлари"ни қабул қилди?
- \*A)1873 йилда  
B)1874 йилда  
C)1871 йилда  
D)1870 йилда
18. 1907 йилда Исландияда қандай партия тузилди?
- A)"Социал-демократик партия"си  
\*B)"Мустақил партия"си  
C)"Шинфейн" партияси  
D)"Адолат" партияси
19. Финляндия ишчилар партияси қачон тузилди?
- A)1899 йилда  
\*B)1903 йилда  
C)1905 йилда  
D)1889 йилда
20. "Женни тўқиши дастгохини" ким қачон ихтиро қилган?
- \*A)Ж.Харгривс 1764 йилда  
B)Ж.Кей 1733 йилда  
C)Э.Картрят 1775 йилда  
D)Ж.Уилкинсон 1788 йилда
21. АҚШда мустақиллик декларациясини қачон ва ким ишлаб чиқкан?
- \*A)Т.Жефферсон  
B)Ж.Вашингтон  
C)Б.Франқлин  
D)Ж.Медисон
22. Германия Австрия ўртасида яширин шартнома қачон ва қаерда имзоланган?
- \*A)1879 йилда Венада  
B)1880 Берлинда  
C)1881 Парижда  
D)1878 Боннда
23. Қачон Англияда "Кема пули" феодал солиги бекор қилинди?
- A)1642 йил 11 август  
\*B)1641 йил 7 август  
C)1640 йил 10 март

- D)1643 йил 7 сентябр
24. Франциянинг қайси қироли “Давлат бу мен” деган эди?
- \*A)Людовик XIV  
B)Мазарини  
C)Генрих IV  
D)Наполеон
25. Англияда 1771 йилда ким тамонидан биринчи түқимачилик фабрикаси қурилди?
- \*A)Р.Аркрайт  
B)Ж.Уатт  
C)Т.Модсли  
D)А.Дарби
26. Шимолий уруш қачон бўлиб ўтган?
- \*A)1700-1721 йилларда  
B)1701-1714 йилларда  
C)1702-1720 йилларда  
D)1705- 1715 йилларда
27. “Ғалати инқилоб” деб ном олган инқилоб қайси давлатда бўлган?
- A)Испания  
B)Италия  
\*C)Англия  
D)Португалия
28. Яков I қайси йилларда Англияда давлатни бошқарган?
- \*A)1603-1625 йилларда  
B)1605-1636 йилларда  
C)1601- 1630 йилларда  
D)1600-1609 йилларда
29. “Културкампф” қаерда тузилган?
- A)Италияда  
\*B)Германияда  
C)Англияда  
D)Польшада
30. Нейзби жанги қачон бўлиб ўтган?
- A) 1650 йил  
\*B) 1645 йил  
C) 1648 йил  
D) 1646 йил
31. АҚШ конгресси мустақиллик декларациясини қачон қабул қилди?
- \*A)1776 йил 4 июл  
B)1775 йил 12 сентябр  
C)1781 йил 10 март  
D)1774 йил 15 апрел
32. Германия қачон Польшанинг мустақиллигини тан олди?

- \*A) 1916 йил ноябр  
B) 1915 йил апрел  
C) 1910 йил октябр  
D) 1910 йил март
33. АҚШ Аляскани Россиядан қачон ва қанча долларга сотиб олди?  
A) 1866 йил 6,8 млн доллар  
\*B) 1867 йил 7,2 млн доллар  
C) 1860 йил 18 млн доллар  
D) 1868 йил 8,5 млн доллар
34. Япониядан испанлар қачон ҳайдаб чиқарылған?  
A) 1627 йил  
B) 1629 йил  
C) 1630 йил  
\*D) 1624 йил
35. 1924 йил қайси давлат республика деб эълон қилинди?  
A) Япония  
B) Хиндистан  
\*C) Мўғилистон  
D) Корея
36. Тильзит сулҳи қачон имзоланган?  
A) 1810 йил  
\*B) 1807 йил  
C) 1811 йил  
D) 1813 йил
37. Франциядаги 1848 йил бўлиб ўтган сайловларда қанча депутат сайланди?  
A) 720 та  
B) 770 та  
\*C) 900 та  
D) 768 та
38. Шимолий Германия иттифоқи қачон тузилган?  
A) 1871 йил  
B) 1870 йил  
C) 1867 йил  
\*D) 1866 йил
39. Дўстмуҳаммадхон Қобулни иккинчи марта қачон қулга киритди ва Ағфон Амири тожини кийди?  
A) 1820 йил  
\*B) 1826 йил  
C) 1830 йил  
D) 1829 йил
40. Англияда илк бор темир йўл қачон курилди?  
\*A) 1825 йил  
B) 1837 йил

- C) 1830 йил  
D) 1833 йил
41. Канада гарбидаги индеец ва метис қабилалари қўзғолонига ким бошчилик қилган?  
A) Н. Браунсуик  
B) Эдуард  
\*C) Луи Риль  
D) Квебек
42. 1862 йилда ташкил қилинган «тасвири Афкор» газетаси қайси давлатда босилиб чиқа бошлаган?  
A) Афғонистон  
\*B) Туркия  
C) Хиндистан  
D) Хитой
43. Боливия қачон давлат ўз мустақиллигини эълон қилди?  
A) 1830 йил  
B) 1824 йил  
\*C) 1825 йил  
D) 1833 йил
44. Франция 1830 йил қайси давлатни босиб олди?  
\*A) Жазоирни  
B) Тунисни  
C) Мадагаскарни  
D) Мисрни
45. Германияда «Одиллар иттифоқи» қачон ташкил топди?  
A) 1837 йил  
B) 1838 йил  
\*C) 1836 йил  
D) 1840 йил
46. Иккинчи Рус-Эрон уруши қачон бўлган?  
\*A) 1826-28 йиллар  
B) 1870-72 йиллар  
C) 1831-34 йиллар  
D) 1840-43 йиллар
47. 1822 йил Бразилия қайси давлатдан ажралиб чиқди?  
A) Испания  
B) Франция  
\*C) Португалия  
D) Италия
48. Сафавийлар сулоласи қайси давлатда қанча йил ҳукмронлик қилганлар?  
A) Афғонистон 200 йил  
B) Хиндистан 202 йил

- C) Туркия 165 йил  
